


87

P85

# ҚАЛБ КЎЗИНГИ ОЧ



МАВЛОНО РУМИЙДАН  
ҲИКМАТЛАР



**Жалолиддин Румий**


SCAN

# **ҚАЛБ КЎЗИНГНИ ОЧ...**

**МАВЛОНО РУМИЙДАН  
ҲИКМАТЛИ СЎЗЛАР**

Таржимон ва нашрга тайёрловчи:  
Сабоҳат БОЗОРОВА

**ҚАЙТА НАШР**



Тошкент  
“Наврўз” нашриёти  
2019

УДК: 851.557.10

ББК: 85.02.d

R 85

R 85

Румий, Жалолиддин.

Қалб кўзингни оч... *Мавлоно Румийдан ҳикматли сўзлар*. Таржимон ва нашрга тайёрловчи Сабоҳат Бозорова. – Т.: “Наврўз” нашриёти, 2019. – 160 бет.

ISBN 978-9943-38-19-88

УДК: 851.557.10

ББК: 85.02.d

Адем Сертелнинг “Can kulağını Aç. Hz. Mevlanadan özlü Sözler” китоби асосида нашрга тайёрланган ушбу рисоладан Мавлоно Жалолиддин Румий асарларидаги ҳикматли сўзлар ўрин олган.

Бу борадаги аввалги нашрлардан фаркли ўлароқ Румий ҳикматлари мавзуларга бўлиниб, алифбо тартибида берилди.

Сизни ўйлантираётган баъзи бир муаммолар, шунингдек, қалбингиздаги оғрик нуқталарга ушбу тўпламдан малҳам топасиз деган умиддамиз.

*Масъул муҳаррир:*

филология фанлари доктори, профессор  
**Нажмиддин КОМИЛОВ**

*Тақризчилар:*

филология фанлари номзоди, доцент  
**Адҳамбек АЛИМБЕКОВ,**  
филология фанлар номзоди  
**Дилнавоз ЮСУПОВА**

ISBN 978-9943-38-19-88

© “Наврўз” нашриёти, 2019.

## СЎЗБОШИ

Мавлоно Жалолиддин Румий асарларига қизиқиш кейинги пайтда янада ортмоқда. Зеро, инсоннинг ҳам моддий, ҳам маънавий ҳаёти учун зарур ўғитлар унинг асарларида мукамал бадиий ифодасини топган.

«Маснавийи Маънавий»нинг тўла ҳолдаги назмий таржимасининг Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол таржимасида нашр этилгани, марҳум шоир ва таржимон Асқар Маҳкам томонидан икки китобнинг шарҳи билан эълон этилгани қувонарли воқеа бўлди.

Сабоҳат Бозорова томонидан нашрга тайёрланган «Қалб кўзингни оч... Мавлоно Румийдан ҳикматли сўзлар» китоби Румийни англаш, унинг маънавий олаmidан баҳраманд бўлишга томон ҳайрли, қутлуғ қадамдир, дейиш мумкин.

Кенг ўқувчилар оммасининг манфаатини кўзлаган ҳолда ушбу китобга Румий асарларидаги ҳикматли сўзларнинг насрий, содда баёни асосида тартиб берилган.

Танланган ҳикматлар инсонни жиддий тафаккурга, ибратга чорлайди: «Саховат шаҳватларни, лаззатларни тарк этишдир. Шаҳват туфайли йиқилган турмайди», «Яхши одамнинг кўнглига ёмон фикр келдими, бу бежиз эмас, бунинг бир сабаби бор», «Дангасаликда кўпроқ зарар бор», «Тавба қуртга, ишқ эса аждаҳога ўхшайди. Тавба инсонларнинг, ишқ эса Аллоҳнинг сифатидир...»

Жалолиддин Румий ҳикматларининг шарҳига оид аввалги нашрлардан фаркли ўлароқ, ушбу китобда мавзулар алифбо тартибида берилган. Бу китобхон учун яна бир қулайлик туғдиради.

Мазкур китобни нашрга тавсия этаман.

*Нажмиддин Комилов,  
филология фанлари доктори, профессор*

## КИРИШ

- Сен ердан униб чиккан ўсимликлар каби тупрокнинг сутига боғлангансан, унга ўргангансан. Қалбларнинг озукасига кўник-да, бу сутдан узилишга ҳаракат қил! Эй, пардасиз нурларни қабул қилиш иқтидори бўлмаган киши, ҳеч бўлмаса ҳарфлардаги яширин нур бўлмиш ҳикматли сўзларни эшит, уларни е! Шундай қилиб, у ҳижобсиз нурни қабул қилишни ўрганасан, пинҳон нурни ҳам пардасиз кўра оладиган бўласан. Шу тариқа юлдуз каби фалакда кезасан, ҳатто фалакдан ўзга манзилларга ҳам сафар қиласан!

- Бу китоб эртақ деганга эртақдир... лекин бу китобда ўз ҳолини кўрган, бу китоб орқали ўзини англаган киши марддир! “Маснавий” Нил дарёсининг сувидир... Мисрликка кон(дек) кўринади, аммо Мусо қавмига кон эмас, сувдир. Бу сўзнинг душмани кўзимга шундай кўринаяпти... Жаҳаннамга боши билан йиқилган!

- “Маснавий” сўзларини ўқиб, осонгина тушунаман, идрок этаман деб ўйлаяпсанми? Ёки пурҳикмат сўзлар ва пинҳон сирлар қулоғини та келсинми? Эшитасан, эшитасан-у сенга эртақдек туюлади... фақат ташқи томонини эшитасан, ичкисини эмас! Бир гўзал бошига, юзига рўмол ўрабди, сендан юзини яширибди! Эҳсон сурмаси кўзингни равшан қилса, очса, тўғри билан мажозни ажратасан, фарқлайсан! Ҳид билмаган кишига мушк ҳам бир, гўнг ҳам!

- Балки, бундан кейин изн бўлар-у керакли сирлар айтилар. Сир уни билгангагина маҳрамдир. Сир уни рад қилган кишининг қулоғига айтилмайди. “Маснавий” сўзларигадаги шакл, шаклга маҳлиё бўлганини йўлдан адаштирадиган; маънога аҳамият берган кишига эса йўл кўрсатади. Аллоҳ ҳам “Бу Қуръон кўнгил важдан баъзиларга тўғри йўл кўрсатса, баъзиларни йўлдан чалғитади” - дейди.

## АВЛИЁ

- Аллоҳ мардларининг оёқлари остида тупроқ бўл. Сен ҳам биздек ҳасадинг бошига тупроқ соч!

- Ёғоч қилични жангга олиб борма, оху фиғонга тупмаслик учун уни бир бор назардан ўтказ: агар ёғоч бўлса, бор, бошқасини қидир: агар олмос бўлса, қувонч билан олга бос! Олмос қилич авлиёларнинг аслаҳахоналаридандир.

- Комил тупроқ олса, олтин бўлади, нокас олтинни қўлига олса тупроққа айланади. У ҳақиқий эран (авлиё) Аллоҳга маъқул бўлгандир, барча ишларда унинг қўли Аллоҳнинг қўлидир.

- Авлиёларда Аллоҳ берган шундай қудрат бор-ки, отилган ўқни қайтара оладилар.

- Авлиёлар эслатиш ва унуттиришга қодирдирлар, шу ҳолда ҳар кишининг кўнглига ҳокимдирлар. Авлиё унуттириш қудрати билан бир кишининг зеҳнини банд қилдими, у одам ҳеч нарса қила олмайди.

- Огоҳ бўлки, авлиёлар замоннинг Исрофилларидирлар. Ўликлар улардан жон топадилар, тириладилар.

- Шунинг учун юмшоқми-қаттиқми, авлиёларнинг сўзларини тинглашдан қочма, уларга кулоқ ос, у сўзлар динингга қувват бўлади.

- Уларнинг қаҳраболари бор, чиқарсалар сенинг сомон чўпидек борлигини девона қилади, ўзларига тортади. Қаҳрабларини яширсалар, сен йўлдан озасан. Инсон мартабасининг ҳам Аллоҳнинг авлиёлари қўлида ҳайвондек мағлуб бўлганини англа, эй йўксил!

- Ўзинг билган, неча марталаб ўтган йўлда ҳам йўлбошловчи бўлмаса адашасан. Ўзингга кел! Юрмаган йўлингдан ёлғиз борма, йўл кўрсатувчидан асло юз ўгирма!

- Йўловчиларнинг йўлдан адашганлари, ёвуз руҳли шайтоннинг уларга нималар қилганини “Қуръон”дан ўқи! Уларни асосий йўлдан юз минглаб йил узоқ бўлган йўлга элтди, фалокатга йўлиқтирди, қири-яланғоч қолдирди. Уларнинг суяқларига, улардан қолган нишонларга қара ва ибрат ол: эшагингни уларнинг йўлига бошлама.

- Йўл билувчи идрокли пир нафс кули боғларига арик қазувчидир. Ирмоқ ўзини қандай поклайди? Инсоннинг билими Аллоҳ илми билан бирга наф беради. Қилич кинини кеса оладими? Бор, бу жароҳатни жарроҳга кўрсат. Агар бу ярага пир малҳам кўйсагина дардингдан кутуласан, фарёд-у фиғонинг битади.

- Ҳазрат Пайғамбар (с.а.в.): “Умматларим ичида шундайлари бор-ки, улар мен билан бир хил яратилганлар, мен билан тенг ҳиммат соҳибилар. Мен уларни қайси нур билан кўрсам, уларнинг қалблари ҳам мени айнан шу нур билан кўради”, - дедилар.

- Ёлғизликдан умидсизликка тушгач қуёшдек бир севгилининг сояси остига кир. Бор, тезда бирор Аллоҳ дўстини кидир. Шундай қил, Аллоҳ сенинг дўстинг бўлади.

- Тупроқдан ҳам ожизмисан? Тупроқ севгилини топгач бир баҳор туфайли юз минглаб гулларга етишди.

- Пирлар шундай кишилар-ки, ҳали бу дунё яралмаганида ҳам уларнинг жонлари қарам денгизида бор эди. Бу танга тушишдан олдин неча бор яшадилар, экишдан олдин мевалар сараладилар.

- Нафсинг ундан қочмоқда. Чунки сен оловдансан, у – сув, дарё суви. Сенинг туйғунг, фикринг оловли. Шайхнинг туйғуси ва фикри эса у гўзал нур.

- Атрофда қанча ҳунарлар, қанча билимлар бор-ки, инсон уларни ўргангач бошдан айрилади! Бошинг кетишини истамасанг оёқ бўл, фикр ва тадбир соҳиб бўлган Қутбга юкин! Шоҳ бўлсанг ҳам ўзингни ундан устун кўрма. Бол бўлсанг ҳам унинг ўтидан ўзга нарса тўплама. Сафо аҳлига хизмат қилишни истамасанг аждарҳо оғзига тушган айиққа ўхшайсан.

- Аллоҳ билан дўст тутинишни истаган киши авлиёлар ҳузурда бўлсин. Акс ҳолда у ҳалок бўлади. Чунки у бутуни бўлмаган қисмдир. Шайтон бирор кишини қарам соҳибларидан айирса, уни ёлғиз қолдиради, шу ҳолда бошини ейди, маҳв этади.

- Ҳар лаҳзада тинмай подшоҳларнинг кўланкасини кидир, топ-ки, у кўланкада қуёшдан ҳам яхши ҳолга



келасан. Сафарга чиқсанг, шундай ният билан чиқ, уйда ўтирсанг ҳам бундан гофил қолма!

- Кўнглингда йўқолган ҳикмат матоси дил аҳлида топилади. Кўр кўнгил жони, қулоғи, кўзи бўлса ҳам ўғри шайтоннинг изини топа олмайди, уни қўлга кирита олмайди. Шайтоннинг изини топишни, ўғрини қўлга олишни кўнгил аҳлидан умид қил, бу ишни улардан иста, тош-у тупроқдан эмас.

- Шайх умид ва кўрқув каби кўнгилларга киради, юради. Жаҳоннинг сирини унга ниҳон эмас. Эй сармоясизлар, кўнгил соҳиблари ҳузурда кўнгилларингизни кўриқланг!

- Сен қандай терс иш қилаяпсан. Кўрларнинг ёнига мақомга эришиш ниятида бораяпсан, одобга риоя қилиб эшик ёнида ўтирибсан. Кўзликлар ёнида эса одобни тарк этаяпсан. Шунинг учун шаҳват оловига ўтин бўлдинг-да!

- Йўлбошловчи йўловчига, чўлларда ҳар лаҳзада йўқолганга керак. Манзилга етганларга кўздан, нурдан бошқа нарса керак эмас. Улар йўлбошчидан ҳам, чўлдан ҳам қутилганлар. Агар у висол марди бирор далил келтирса, “Мужодала ичида тараддудда қолганлар англасинлар” деб келтиради.

- Кофир ким? Шайхнинг имонидан гофил бўлган. Ўлик ким? Шайхнинг қалбидан хабардор бўлмаган!

- Йўлбошчисиз йўловчига икки кунлик йўл юз йиллик бўлади.

- Шунинг ҳам кўрмайсанми? Аллоҳ авлиёлари эришган яқинликда юзлаб кароматлар бор. Масалан, темир Довуднинг кўлида мумга айланади... Ҳолбуки сенинг кўлингда мум темир бўлади! Яратиш ва ризқ беришда ҳамма тенг, бу сифатлар ҳаммада бор. Аммо бу улуғлар Аллоҳ муҳаббатига эришдилар.

- Бир қўлли бир авлиё кун кўриш учун сават тўқиётган пайтида Аллоҳ унга иккита қўл берар эди. Бир киши авлиёни хас-чўпдан ясалган чайлада зиёрат этди. Икки қўллаб тўрва тўқиётганини кўрди. Шайх унга: “Эй жонининг душмани, нега густоҳлик қилиб ёнимга келдинг? Нега руҳсат сўрамай ҳузуримга кирдинг?” - деди. Келган киши: “Ихлосимдан, ништиёқимдан” дегач шайх кулимсиради ва деди-ки: “Ундай

бўлса кел... аммо эй улуг киши, буни пинҳон сакла. Токи мен тирик эканман, на дўстинга, на севгилинига, на бошкаларга, бирор инсон зотига бу сирни очма!". Шундан кейин кўпчилик кишилар унинг икки кўллаб сават тўкиётганини дераза ортидан кўрдилар. Шайх: "Ё Раббий, хикмати сенга аён. Мен яшираяпман, сен ошкор этаяпсан" - деди. Унга шундай жавоб келди: "Бир қанча киши кўлинг кесиклигини мазах қилди, сенга қарши бўлди. У ёлғончи эди, Аллоҳ уни шарманда қилди", - дедилар. "Мен уларнинг кофир бўлишини, бу янглиш фикр, бу шубҳа билан яшашларини нисамайман. Мен қароматни ошкор қилдим, ишләётган вақтингда сенга икки кўл эҳсон этганимни кўрсатдим. У бечоралар сен ҳақингда шубҳага тушиб, лаънат олмасинлар...".

- Аллоҳ авлиёларни оамларга раҳм қилиб ер юзига келтирган. Улар одамларни Аллоҳ даргоҳига даъват этадилар. Халқ ҳақида қайгуриб: "Ё Раббий, буларни сен халос қил", - деб дуо қиладилар.

- Йўқсил шайхлардан бири кўзи ожиз пирнинг уйида "Қуръон" турганини кўрди. Ўзича: "Бу ерда "Қуръон"нинг нима кераги бор. Бу одам кўр бўлса", - деди. Шу ўй оромини ўғирлади. "Бу ерда шу кўрдан бошка ҳеч ким йўқ, бу қандай синоат? Яхшиси ҳеч нарса сўрамай, сабр қилай, сабр билан ниятимга етай", - деди. Туи ярмида "Қуръон" ўқиётган овозни эшитди. Ўрнидан сакраб турди-ю шу ажиб манзарани кўрди: кўр пир "Қуръон" ўқиётган эди! Тўғри ўқиётган эди. Сабрсизланган шайх бенихтиёр савол берди: "Кўзинг кўр бўлгани ҳолда бу сатрларни қандай ўқияпсан, ҳайратдаман, тўғриси?". Кўр деди: "Эй таннинг илмсизлигидан халос бўлган, буни Аллоҳ қила олмайдими? Нега ҳайрон бўласан? Мен Аллоҳга: "Эй мададкорим бўлган Аллоҳ, эй мадад сўралгувчи Тангрим, одам жонига қандай боғланган бўлса, мен "Қуръон" ўқишга шундай иштиёқманман. Аммо ҳофиз эмасман. Ё Раббий, "Қуръон" ўқиган пайтимда кўзларимга нур бер, менинг кўзларимни оч, "Қуръон"ни кўлимга олиб ўқий", деб дуо қилдим. Аллоҳдан: "Эй "Қуръон" ихлосманди, эй ҳар дардда бизга

юзланган, биздан умид узмаган киши, қачон “Қуръон” ўқишни истасанг, уни қўлга олсанг, шу лаҳзада кўзларингнинг нурини қайтиб бераман. Эй буюк фитратли киши”, - деган нидо келди. Ҳар нарсани билгувчи, ҳеч бир ишдан гофил бўлмаган у улуг подшоҳ, у ягона Аллоҳ тун чирोगи янглиғ кўзларимга нур эҳсон қилмоқда”.

- Лутф ва марҳамат соҳибни бўлган Аллоҳ бандалари Аллоҳнинг фазилатларига эгадирлар. Улар қийинчилик пайтларида пора олмайдилар, одамларга раҳм-шафқат кўрсатадилар, мадад берадилар. Эй балоларга учраган одам, ўзингга кел, уларни қидир... ўзингга кел, офат онда уларнинг дуосини ғанимат бил!

- Авлиёлар қуёшнинг кўриқчиларидир. Инсонлар орасида Аллоҳнинг сирларини биладиган, англайдиган шулардир.

- Сен уйма-уй, жойма-жой Аллоҳнинг саломини изла, гафлатда қолма! Мен оғзидан ёқимли бўй келган кишидан ҳам Аллоҳнинг хабарини, ҳам Аллоҳнинг саломини эшитдим! Бу Аллоҳ мардларининг саломини жон-дилдан қабул қиламан, Аллоҳнинг саломини уларнинг саломида ҳис қиламан, эшитаман. Чунки унинг саломи ҳам Аллоҳ саломи бўлгандир. Чунки у ўз борлигини оловга отган, ёққандир.

- Авлиёларга эргашмадинг, уларни интизор қилдинг, у ерда ҳам киёмат кунининг кутиши сенга ёр бўлади, кутасан, интизор бўласан.

- “Авлиёлар халқ кўзидан пана бўлиш учун тоғларга кетадилар”, - дейдилар-ку... Аслида одамларга нисбатан булар юзта тоғнинг тепасига чиққанлар, оёқларини етти қават осмон устига қўйганлар. Улар халққа нисбатан юзлаб денгиздан, юзлаб тоғлардан нарироқда экан, нега тоғларга чиқиб яширинсинлар? Авлиёларнинг тоққа қочишга эҳтиёжи йўқ... Кўк аргумоғи ҳам унинг ортидан ўйноқлайди, оёғидан юзлаб тақалар тўкилади, тўкилади-ю яна авлиёнинг изига ета олмайди! Зоҳиран пари кўздан ниҳон-ку... инсон парилардан ҳам яширинроқдир. Ақллига нисбатан инсон шу қадар яширин бўлса, гайб оламидаги хос инсон қандай бўлади?

- Авлиё ўз-ўзига юзлаб сўзлар айтади, тинглайди, аммо ёнида ўтирган киши ҳидини ҳам ололмайди! Ломакон оламдан кўнглига юзлаб савол-жавоблар келади, манзилига қадар етади!

- Эй гофил ташна, биз авлиёларнинг сўзларидан Ҳизр оби ҳаётини ичмоқдамиз, кел! Бу тошқин сувни кўрмаётган бўлсанг, ҳеч бўлмаса, кўрлардек келиб кўзангни сувга тўлдир. Бу дарёда сув бор, буни эшитдинг-ку... кўрга таклидан иш тутиш керак! Кўзани дарёга тушир... оғирлашганини ҳис қиласан... Ҳис қиласан-у сув эканлигига ишонасан, кўнглинг курук таклиддан кутулади. Кўр одам дарё сувини кўра олмайди, аммо кўзанинг оғирлашганини сезиб, сув эканини билади.

- Шайх билан бирга эканигда ёмонликлардан узоксан... кеча-кундуз кетаверасан, кемадасан. Жонлар бағишлаган жонга сиғинасан, кемага кириб ухлайсан, шу тахлит йўл босасан! Замоннинг пайғамбаридан айрилма... ўз ҳунаринг, ниятингга кўпам ишонма!

- Замона қутбининг сўзига қарши наклий илмни қўллаш сув борлигида таяммум қилишга ўхшайди!

- Бу йўлдаги кўшқни, соябонни, шон-шуҳратни тарк эт... Йўлбошчинг ҳаракат қилмағунича ҳаракатланма! Бошсиз ҳаракат қилган дум бўлади... Бундай одамнинг ҳаракати чаённинг қилмишларига ўхшайди!

- Ақлинг бўлмаса ўзингни ўлик ҳолига келтир... Сўзи тирик бир оқилдан мадад тила.

- Аллоҳнинг раҳмати қаҳридан ортиқ, илгаридир. Сен ҳам илгари бўлишни истасанг, бор, илгари кетган бир мардни ахтар.

- Шайтон уларни йўлдан озишга, шайх эса ҳидоятга бошлайди.

- Инсонга қўл-қанот ақлдир. Одамнинг ақли бўлмаса ўзига бошқа бир ақлни йўлбошловчи қилиши керак. Ё устун бўл, ё устунлик изла, ё фикр сохиби бўл, ё фикр сохибини изла.

- Зулматга талпинган киши пирнинг амрига кирди-ми, ёруғликни кўради.

## АЗОБ

- Ҳасрат ва фиғон хасталик пайтидадир. Беморлик чоғи асл хушёрлик, бедорлик, уйғоқлик чоғидир. Касал бўлганинда гуноҳларини тавба қиласан. Гуноҳнинг жирканчлигини кўрасан, “Тузалганимда тўғри йўлга кираман”, - деб ният қиласан. “Бундан кейин бандаликдан бошқа ишни қилмайман”, - деган қарорга келасан. Шу ҳолдан аён-ки, хасталик сенга ақл бағишлайди. Эй ҳақиқатни изловчи кимса! Шу ҳақиқатни билки, кимда дард бўлса, у дармонга етгандир. Ким бедорроқ бўлса, дарди зиёдадир. Ким вазиятни яхшироқ англаган бўлса, ранги сомондир.

- Олов ичига киргину олов ўртасида атиргул-у жасмин топган Ҳазрат Иброҳимнинг сирларини кўр. Ичкари кир, бошқаларни ҳам чақир-ки, подшоҳ олов ўртасида дастурхон ёйибди. Эй мусулмонлар, ҳаммангиз оловга киринг; дин лаззатидан бошқа ҳамма нарса азобдан иборатдир. Йигининг охири кулгудир. Оқибатни кўрган одам муборак бандадир. Қаерда оқар сув бўлса, ўша ер яшнайдди, қаерга кўз ёши тўкилса, ўша ерга раҳмат ёғилади.

- Ғам етганда тавба қил. Чунки ғам Ҳақнинг амри билан таъсир қилади.

- Одам Ато ер юзига йиғлаш, фарёд қилиш, нола чекиш ва маҳзун бўлиш учун келгандир.

- Икки денгиз мисол кўзларим марваридларга тўлиши учун ғам тупроғини кўзимга сурмадек тортмоқдаман.

- Баҳорда гул тўкилгач, мева кўринади. Тан хароб бўлгач жон кўринади. Нон синдирилиб ейилмагунча қувват берадими? Узумлар сиқилмай шароб бўладими?

- Озиқсизлик озиғи сенга озиқ бўлса, боқиб жонни топдинг, ўлимдан қутулдинг демакдир. Ғамдан қувонч орта бошладими, жон боғинг атиргул-у гулсафсарларга тўлади.

- Нимадан фойда кўрсанг, ундан қоч. Захар ич, обиҳаётни тўк!

- Билимсиз одамнинг “Ё Раббий” дейишига изн йўк! Зиён-заҳматга учраганида Аллоҳга зорланмасин деб оғзида ҳам, кўнглида ҳам қулф бор. Оғзи ҳам ёпик, кўнгли ҳам. Фиръавнга беҳисоб мол-мулк берилди, у эса улуглик, буюклик даъвосига киришди. У ёмон табиатли одам Ҳаққа зорланмасин деб бош оғриги ҳам берилмади.

- Аллоҳ унга бутун дунёнинг мулкани берди-ю дард-алам, изтироб бермади. Дард Аллоҳни пинҳон чорлашингга сабаб бўлиши билан бутун дунёнинг молидан афзалдир. Дардсиз дуо совуқдир, бир нарсага ярамайди. Дардли дуо ва ният кўнгилдан, ишқдан келади.

- Ғамдан хурсанд бўлган киши, ундан бошқа нарсдан хурсанд бўлма, севинма. Дарду ғам баҳордир, бошқа нарсалар киш! Ундан бошқа ҳамма нарса сени аста-секин ҳалокатга элтувчи фикрлардир. Истаса сенга тож, тахт, мол, мулк бўлсин! Ғамдан севин, ғам висол тузоғидир. Бу йўлда пастга тушиш аслида юксалишдир. Ғам бир хазинадир. Сенинг заҳмат ва машаққатларинг булоғи. Аммо бу сўз болаларга қандай таъсир қилади?

- Ғам егин-у ғамингни орттирганларнинг, сени дардга дучор қилганларнинг нонини ема. Чунки ақли одам ғам ейди, бола эса қанд!

- Хурсандчилик ғам боғининг мевасидир. Бу фарах – яра, у ғам – малҳам. Ғамни кўрдингми, ишқ қучоғига отил.

- Жафога учраб, хурсанд бўладиган пайтда қочган, яна сафо тилаган кишиларга ҳайрон қоламан, тўғриси. Таёк билан гиламни урган гиламни эмас, чангни қоқади!

- Қара, нўхат оловдан беҳол бўлиши билан сув юзига қалкиб чиқади. “Нега мени оловга ташладинг, қайнатаяпсан, нега сотиб олдинг-у бу ҳолга солдинг”, - дейди. Нўхатни пишираётган аёл нўхатни чўмич билан туртиб: “Йўк, яхшилаб қайна, идишдан чиқишга ҳаракат қилма. Сени ёқтирмаганим, ёмон кўргангидан қайнатаётганим йўк-ку!

Хушхўр, лаззатли бўл, ейил, жонга кўшил деб қайнатаяпман. Бу синов сени хўрлаш учун эмас! Кўнглингни бузма, бошингни ғам кундасига қўй, Исмоилдек бўғзингга пичок тортай. Овга ярамаган итнинг бўйнида тасма бўлмайди. Хом, пишмаган нарса лаззатсиздир”, - деди. Бу сўзларни эшитган нўхат: “Агар шундай бўлса, хоним, қайнаганим бўлсин, сен ҳам менга ёрдам бер. Бу қайнатишда сен меъморсан. Мени чўмич билан ур, қандай яхши ураяпсан. Шундай қилиб, ўзимни қайнатаман, шу билан бирга унинг кучоғига етаман, у билан қовушишга йўл топаман!”, - деди.

- Шундай экан, пок руҳнинг қутулиши учун жуда кўп балолар чекиш, идрокли бўлиш лозим.

- Табассум йиғиларда ниҳондир. Эй соф ва пок киши, хазинани вайроналардан қидир.

- Сўфи, қалб қулогингни яхшилаб оч, сенга сўзларимни англатай. Тақдир сенга бир шапалоқ туширдими, кут, энди яхши либос кийдиради. Чунки у шапалоқ ургандан сўнг тож-тахт ҳадя этмайдиган подшоҳ эмас. У учун дунё пашшанинг қаноғига тенг. Бир шапалоққа қарши эса сўнгсиз эҳсонлар беради. Бўйнингни дунёнинг олтин бўйинтуруғидан тезроқ қутқаргин-у Аллоҳдан шапалоқ сотиб олишга чоғлан. Пайғамбарлар ҳам мусибатлар, дардларга сабр қилганликлари боис бошлари баланд бўлди.

- Ўзингга кел, зерикиш-у малол сабабли совуқ-совуқ оҳ чекма. Дард изла, дард изла, дард изла, дард! Бефойда дорилар дардга дармон излаш учун ҳийла топадилар. Улар қароқчилардир, “солик” деб пул тўплашга тутинадилар. Аччиқ сув, ичилган пайтда совуқ бўлади, ёқади, аммо чанқоқни босмайди. Юр, риёкор дармондан қоч, дардинг сенга дармон бўлсин, тузалсин, мушқлар сочсин.

## АХЛОҚ ГЎЗАЛЛИГИ

• Ҳазрат Мусо (а.с.) чўпонлик қилаётганида сурувдан бир кўй қочди. Ҳазрат Мусо (а.с.) югуриб уни қувлай бошлади. Чорикларини ечди, оёқларининг таги шишди, каварди. Кечгача кўйни кидирди. Кўй кўздан йўқолди. Кейинрок кўй ҳам чарчади. Ҳазрат Мусо (а.с.) уни ушлаб олди. Меҳр билан кўйнинг бошини силади, онасидек эркалади. Заррача ҳам жаҳл қилмади, газабланмади. Фақатгина меҳр кўрсатди, кўзларидан ёшлар оқди. “Менга-ку раҳминг келмади, ўзингга нега жабр қилдинг?” - деди. Шу лаҳзада Аллоҳ малакларга шундай деди: “Пайғамбарлик Ҳазрат Мусога ярашади”. Ҳазрат Мусо (а.с.) шундай марҳамат қилди: “Ҳамма пайғамбарлар болалиги ёки ёшлигида чўпонлик қилган. Чўпонлик қилиб синовдан ўтмасидан Аллоҳ уни йўлбошчи қилмайди. Ҳукмдорлар инсонларга чўпонлик қилар эканлар. Аллоҳнинг амрига итоат этмоқлари шарт. Сурувни бошқараётганда Ҳазрат Мусо (а.с.) сингари мулойим, хушфеъл бўлиши, ақл ва тадбир билан иш юритиши лозим. Шундай йўл тутса, Аллоҳ унга ойнанинг тепасида, юксакликлар салтанатида рухий чўпонликни беради. Пайғамбарларни ҳам бундай чўпонликдан қутқарган, уларга покиза, солиҳ бандаларга чўпонлик қилишни буюргандир”.

## АХМОҚ

• Марям ўғли Исо унинг қонини тўкмоқчи бўлган шердан қочаётгандек бир тоққа қараб кетаётган эди. Бир киши орқадан етиб келиб: “Тинчликми? Ортингдан ҳеч ким қувлаётгани йўқ, сен эса қушдек учиб кетяпсан? Аллоҳ ризоси учун бир дақиқа бўлса ҳам тўхта. Нега қочаяпсан? Билгим келди. Ортингда на шер бор, на душман, на бирор нарсадан хавотирланишингга асос бор, на чўчишингга! Кимдан қочаяпсан, эй, қарам соҳиби?”

Ҳазрат Исо жавоб берди: “Мен аҳмоқдан қочаяпман. Менинг йўлимни тўсма, ўзимни қутқарай!”.



Йўловчи яна савол берди: “Кўрларнинг кўзларини, карларнинг кулоқларини очувчи Масих сен эмасмисан?”.

Ҳазрат Исо: “Ҳа, мен ўшаман”, - деди.

Йўловчи: “Ғайб афсунларини ўликка ўқиб, майитни ўлжасига ташланган арслондек сакратиб тирилтирган султон сен эмасмисан?” - деб сўради.

Ҳазрат Исо: “Менман”, - деб жавоб қайтарди.

Йўловчи: “Эй хуш чеҳрали, тупроқдан кушлар яратган сең эмасмисан?” - деб савол берди.

“ - Ҳа мен ўшаман”, - деб жавоб берди Ҳазрат Исо.

Йўловчи таажжуб ичра сўради: “Ундай бўлса, эй покиза руҳ, кимдан кўрқаяпсан? Истаганингни қила олсанг, шундай мўъжизаларга қодир бўлсанг-у сенга банда бўлмаган ким экан?”.

Ҳазрат Исонинг жавоби шу бўлди: “Танни беқиёс қилиб яратган, жонни азалдан бор этган Аллоҳнинг покиза зотига қасам-ки, Унинг пок зоти ва сифатлари ҳаққи учун фалак ҳам енгини, ёқасини йиртиб, унга ошиқ бўлгандир. Ўша афсунни, ўша Исми Аъзамни кўрга ўқидим – кўзлари очилди, карга ўқидим – эшитадиган бўлди. Тошдек тоққа ўқидим – ёрилди, хирқасини киндигигача йиртди! Ўликка ўқидим – тирилди. Ҳеч нарса бўлмаган, танаси бўлмаган нарсага ўқидим – пайдо бўлди, бирор нарсага айланди! Аммо аҳмоқнинг кўнглига юз минг маротаба ўқисам ҳам нафи бўлмади. Мармар қоялар кесилди-ю унга таъсир ҳам қилмади. Ҳудди кушга айлангандек, унда бирор нарса униши имконсиз!”

Йўловчи яна саволга тутди: “Аллоҳ отининг кўрга, карга, ўликка таъсир қилиб, аҳмоққа таъсир қилмаслигининг боиси не? Улар ҳам иллат, бу ҳам иллат... нега уларга таъсир қилади-ю бунга таъсир қилмайди?”.

Ҳазрат Исо: “Аҳмоқлик Аллоҳнинг қаҳридир. Касаллик эса қаҳрдан эмас, тушкун бир ҳолатдир-ки, унга банда ҳам ачинади, Худо ҳам. Лекин аҳмоқлик шундай иллат-ки, аҳмоққа ҳам зарар қилади, у билан сўзлашганга ҳам!... Бунга чора топиш имконсиз”, - деб жавоб қайтарди.

Ҳаво сувни аста-секин сўриб олганидек, аҳмоқ ҳам эъти-  
қолингизни ўғирлайди. Тошда ўтирган одамнинг ҳарорати  
пасая бориб, қандай касал бўлса, аҳмоқ ҳам сиздаги ҳарорат,  
муҳаббат, ишғиёкни ўғирлайди, сизга совуқлик беради!

## АҚЛ

- Ақл-заковатда камолга эришиш билан Аллоҳга етиб  
бўлмайди. Подшоҳнинг фазл-у эҳсони ожизлигини билган  
кишидан ўзгани тан олмайди.

- Бизнинг шу ҳолимиз бу тотли денгизда сув устида  
сузаётган косаларга ўхшайди. Ичи бўш идиш сув устида  
сузади. Тўлганда эса денгизга ботади. Ақл пинҳондир,  
ўртада бир олам кўриниб туради. Бизнинг шаклимиз ўша  
денгизнинг долғаси ёхуд намлигидан иборат. Ақл диёрида  
не-не олимлар бор! Бу ақл денгизи нақадар бепоён.

- Ақл баҳслари ҳукмрон даврда Умар ва Абдулҳаким  
сирдош эдилар. Аммо Умар ақл олаmidан жон оламига келгач,  
жон баҳсида Абдулҳаким Абу Жаҳл бўлди. Абу Жаҳл жонга  
нисбатан жоҳил бўлиш билан бирга ҳис ва ақл жихатидан  
комил эди. Ақл баҳси, билгинки, асар ёки сабабдир. Жон баҳси  
эса бутунлай ҳайратланарли нарса ҳисобланади.

- Эй яхши дўст! Ошиқ холис ва соф шаробни ўзидан  
топса, ундан баҳраманд бўлса, бу мақомда ақл барҳам  
топади (бу сирга ақл етмайди). Ақли жузъи сирга соҳибдек  
кўринса-да, аслида ишқни инкор этади. Малак ҳам йўқ  
бўлмагунча шайтондир. Ақли жузъи сўзда ва амалда  
бизнинг дўстимиздир. Аммо ҳол масаласига келганда “ҳеч”  
ва “йўқ”дан иборатдир.

- Ақлинг инсонлар оёғига тушов бўлса, у ақл эмас,  
илон ва чаёндир.

- Сенинг ақлинг туякашга ўхшайди, сен эса туясан. Ақл  
сенга истар-истамас ҳукмини ўтказиб, сени тортиб кетаяпти.

- Инсонлардан қочган йирткич ҳайвонларнинг ҳам-  
маси уй ҳайвонларига нисбатан паст(каш)дир!

- Йиртқич ҳайвонларнинг қони мубоҳдир. Чунки юксак ақлдан қочмоқдалар. Ақллари йўқдир.

- Ўта ақлли бириси оқилнинг ақлидан қочса, ақллилар тоифасидан ҳайвонот тўдасига ўтади.

- Мен узок вақт олдинга интилган ақлни синадим. Бундан кейин девона бўлиш мумкин.


- Жузъий ақлни ўзингга вазир қилма. Ақл-и куллини вазир қил, подшоҳим. Ҳою-ҳавасни ўзингга вазир қилма ва покиза жонинг намоздан, ниёздан қолмасин. Чунки бу ҳою-ҳавас ҳирслар билан тўла ва фақат ҳозирни кўради... ақлнинг ташвиши эса дин ҳақидаги мушоҳададир. Ақлнинг кўзлари ишнинг оқибатини кузатади, ақл бир гул учун тикан заҳматини чекади!

- Юлдузлар ва тиббиёт ҳақидаги бу билимлар пайгамбарларнинг ваҳийларидир. Акс ҳолда ақл ва туйғу у томонга қандай йўл топади? Жузъий ақл бир нарсадан ҳукм чиқарадиган ақл эмас. У илм эгасидан билимларни қабул қилади, ўрганади.

- Бу ақл ўрганиш ва англашга қодир. Аммо ваҳий соҳиби унга ўргатади. Барча санъатлар шубҳа йўқ-ки, даставвал ваҳийдан майдонга келади, кейинроқ ақл уларнинг устига баъзи нарсаларни кўшади. Диққат билан қара! Бизнинг ақлимиз бирор санъатни уста бўлмаган ҳолда ўргана оладими? Санъат ҳақидаги билим шу ақл билан юзага келсайди, устасиз санъат яралган бўларди.

- Бахтли ва омадли кишилар биладилар-ки, ақл ва заковатни даъво қилиш иблисдан, муҳаббат эса Одам Атодандир!

- Канъон каби кемадан бош тортма... Уни ақли кибрлантирган, алдаган эди. “Мен баланд тоғнинг устига чиқаману қутуламан, Нухга бўйин эгиб нима қиламан?” - деди. Эй ақлсиз, қандай қилиб бўйин эгмайсан?! Аллоҳ ҳам ундан миннатдор. Ўзингни аҳмоқнинг ўрнига кўй, унга эргаш, шундагина нажот топасан. Отам, инсоннинг уруғи, “Жаннатийларнинг кўпи аҳмоқлардир” - дер эди. Ақл-заковат сенга гурур ва кибр беради... аҳмоқ бўл-у кунглинг



тозалигича қолсин. Аҳмоқлик дегани элга икки марта масхара бўлган одамнинг аҳмоқлиги эмас... Бу аҳмоқлик унга мафтун бўлган одамнинг аҳмоқлигидир. Ўзларини унутиб, Юсуфнинг жамолини кўрганлар, унинг хуснига маҳлиё бўлиб бармоқларини тўграганлар бор-ку, шулар аҳмоқлардир! Ақлни дўст йўлида қурбон қил... ақлларнинг ҳаммаси у томондандир, удир!

- Мушук каби ақлли ақли уйғоқ унинг... ўғри сичқон тешиқда қолиб кетади. Қаерда сичқон чиқса, бирор нарсага қўл чўзса, демакки, у ерда мушук йўқ, бўлса ҳам фақат сурати бор! Мушук нима? Арслонларни йикитган арслон... танадаги иймонга мансуб ақл!

- Интил, ҳаракат қил-у ақл ва эътиқод пири бўл... У гўзал ақл йўқликдан юз кўрсатгач Аллоҳ унга бир либос кийдирди. Минглаб исмлар берди. Буларнинг энг оддийси қуйидагича: у ҳеч кимга муҳтож эмас. Ақл бир бора юз кўрсатса, суратини намоён қилса, кундуз унинг нури қаршисида зулматда қолган бўлар эди. Қўлида машъаласи бўлган, жамоанинг олдига бориб, уларга раҳнамолик қилган кишини “АҚЛЛИ” дейдилар.

- Ақл ваъдасини эсда тутлади... унутувчанлик пардасини йиртади. Ақлинг бўлмадими, паришонлик сенга душманлик қилади, режаларингни бузади. Парвона ақли камлигидан ўзини ўтга уради, оловнинг қуйдириши ҳаёлига ҳам келмайди. Қаноғи ёниши билан тавба қилади, аммо хирс ва паришонлик уни яна ўтга отади. Бирор нарсани идрок этиш, англаш, эслаб қолиш ақлнинг вазифасидир... ақл буларнинг даражасини оширади.

- Бирор арра ақлни иккига ажратса, у оловдаги олтиндек яна кулиб туради. Ваҳима дунёни қуйдирган фиръавнга, ақл жонларни мунаввар этган Ҳазрат Мусо (а.с.)га хоҳдир.

- Бу ақлнинг олдинни кўра олиши кабрга қадардир... лекин кўнгил соҳибининг ақли най чалингунгача бўладиган нарсаларни кўради. Жузъий ақл чакмоқ ва ёруғ кабидир. Чакмоқнинг ёруғи билан ваҳийга етиб бўладими? Чакмоқнинг ёғдуси йўл кўрсатишга ярамайди, у булутнинг йиғлаши учун

берилган амрдир. Бизнинг ақл чакмоғимиз ҳам йиглаш учундир. Йўкликнинг борлиқ ишқида йиглаши учун.

- Ақллар ўртасидаги зиддият, мартаба нуқтаи назаридан ердан кўкка қадардир. Қуёшдек ақл ҳам бор. Зухро юлдузидан пастроқ, юлдузларнинг учишидан қуйироқ ақллар ҳам мавжуд. Ақл бордир, сархушнинг шамидек, ақл бордир учкун мисоли.

- Қуёшдек ақлнинг олдидаги булут таркадими, Аллоҳнинг нуруни кўрган оқиллар фойдаланадилар.

- Ризқингни шу ақл билан қўлга киритасан. Бошқа ақлга келсак: у билан етти кават осмонни қуйида қолдиришинг мумкин. Аллоҳ ишқида ёнсанг, ақл билан иш тутсанг, Аллоҳ сенга бу ақлдан жуда кўпини, ҳатто етти юзтасини эҳсон қилади.

- Орифнинг қибласи висол нуридир “файласуфлашган” ақлнинг қибласи эса хаёл.

- Идрокни ҳирс ва таъма тузоғи деб бил. Покиза инсоннинг шайтондек ақлли бўлиши нимага керак? Ақли, фикри илғор бўлганлар бир санъат билан кифояланадилар. Аммо у қадар илғор фикрли бўлмаганлар санъатни кўриб, санъаткорни топадилар.

- Йигинларда пайғамбарларникидек ақл изла.

## БАЛО

- Бир дарвеш мевалар билан озиқланар, бошқа ҳеч нарса эмас эди. У тоғларда дарахтлар, турли мевалар бор эди. Аллоҳга: “Ёраббий, сенга сўз бераман. Бу дарахтлардан мева узмайман. Шамолда ерга тўкилган мевалардан бошқа мевани емайман, қўлимни ҳеч қайси шохга узатмайман”, - деди. Маълум муддат сўзида турди. Кейинчалик қисматнинг синовлари бошланди. Шунинг учун сўзингизда доимо “Иншооллоҳ” денг, аҳдларингизда эса “Худо хоҳласа” иборасини ишлатинг.

- Очлик ва нафс сабабли тузоқда, қафасда маҳбусликда бўлган қанча қушлар бор. Сув ичида эмин-эркин юрганида нафс дардида қармоққа илинган не-не балиқлар

бор. Нафси-ю шахвати туфайли расво бўлган қанча номусли, хижобли аёллар бор. Нафс дардида пора олиб, уятдан юзи саргайган, билимли ва яхши феълли не-не козилар бор.

- Тақдир тақозоси билан йўқотган нарсаларинг сендан балони даф килади, буни шундай деб бил! Бир улуг зотдан “Тасаввуф нима?” деб сўрадилар. У шундай жавоб қайтарди: “Сиқилган пайтда кўнгилда кувонч, фарахнинг бўлиши!”. Аллоҳ “Йўқотган нарсаларингизга ачинманг, ҳатто бўри келиб эчкингизни еса ҳам”. - деди. Бу бало каттарок балоларни даф этиш, бу зиён даҳшатлироқ зиёнларнинг олдини олиш учундир.

- Бир зиёнга учраш бир қанча зиёнларни даф этади. Жисмимиз, молимиз жонимизга фидодир. Жонимизга келадиган бало жисмимизга, молимизга келади. Ғазабга учрадингми подшоҳларга мол-мулкнингни бериб, бошингни кутқарасан. Иш билмайдиган жоҳилмисан? Фалокатга учрагач подшоҳдан молингни яширишга тушасан.

- Шамол Сулаймоннинг тахтига тескари эсди. Сулаймон: “Эй шамол, тескари эсма”, - деди. “—Тескари иш тутма, тескари ҳаракат қилсанг, менинг терслигимга аччиқланма!”. У кўли билан тожини тузатар, тож яна қийшайиб қолар эди. Нак саккиз марта тўғрилади, саккиз марта эгилди. Деди: “Эй тож, бу нимаси? Бошқа қийшайма!”. Тож жавоб қайтарди: “Мени юз марта тўғриласанг ҳам, яна барибир қийшайман, чунки, имонли киши, сен қийшайяпсан”. Шунда Сулаймон кўнглини тўғри қилди, кўнглидаги шахватни совутди. Тож дарҳол тўғирланди, бошида истаганидек турди. Сулаймон уни атайлаб қийшайтирар, тож эса яна тўғирланар эди. Улуг пайгамбар тожини саккиз марта қийшайтирди, ҳар сафар тож тўғирланди. Хуллас, бошингга қандай дард келса, ўзгани айбдор қилма, ўзингга бок!

- Балони даф қилишнинг чораси ситам ўтказиш эмас. Чора эҳсон, афв, карамдир. Пайгамбар: “Садақа балони даф этар”, - дедилар. Эй йигит, касалингни садақа билан давола.

## БАСИРАТ

(Эҳтиёткорлик, ақл-идрок донолик, узоқни кўриш)

- Эй ўғил! Агар кўзингни очсанг, сабр (мулойимлик) суви ҳам, ғазаб ўти ҳам Ҳақданлигини кўрасан.

- Икки бармоғингни икки кўзинг устига кўй: бирор нарса кўраяпсанми? Сен кўрмасанг ҳам дунё бор. Айб шум нафснинг бармоғида. Ўзингга кел! Кўзингдан бармоғингни ол-да, нимани истасанг кўравер. Инсон кўздан иборатдир. Қолгани тери. Дўстни кўра олган кўзнигина “кўз” дейдилар. Дўстни кўрмаган кўзнинг кўр бўлгани яхши. Бундай киши Сулаймон бўлса ҳам, чумоли ундан афзалроқдир.

- Аччиқ-ширинни кўз билан кўриб бўлмайди. Басират аҳли уларни оқибат панжарасидан кўра олади. Оқибатни кўрган кўз тўғрини кўра олади...

- Кўраяпман дейсан, аммо уни кўришнинг аниқ-тиник нишоналари бор. Денгизнинг кўпигини кўрдингми, мафтун бўлишинг керакки, денгизни ҳам кўрасан. Кўпикни кўрган сирларни айтади. Аммо денгизни кўрган ҳайратда қолади.

- Бири минорани кўради, минорадаги қушни кўрмайди. Минорадаги лочинни кўзи илгамайди. Иккинчиси қанот қоққан қушни кўради, лекин қушнинг оғзидаги укпарни кўра олмайди. Аллоҳ нури билан қараган эса ҳам қушни кўради, ҳам оғзидаги укпарни. Бириси инсонни нақшлар билан безаган лой суратида кўради, бошқаси илм ва амал билан тўла лой шаклида! Бадан минорадир, илм ва ибодат қушга ўхшайди, уни, истасанг, уч юз дона деб ҳисобла, истасанг икки дона. Ўртача фикрловчи одам фақат қушни кўради, унинг олди ёки ортида ҳеч нарса кўрмайди. Пар эса қушда яшириндир, қуш у билан тирик, тумшугида пар бўлган қушнинг доимо жонидан жўшади. На вақтинчалик, на қарзга олинган бўлмайди!

## БИЛИМ

- Одам Атонинг кўзи Аллоҳнинг пок нури билан кўрганидан отларнинг ҳақиқати ва ички томони унга аён бўлади.

- Бир кишини кози қилдилар. Йиғлашга тушди. Ноиб козига: “Йиғлашингиз нимаси? Йиғлаш, фарёд қилиш вақтингиз эмас, қувонадиган, қутланадиган пайтингиз!” - деди. Қози оҳ уриб, жавоб қайтарди: “Кўнглига ҳоким бўлмаган, ишнинг аслини билмаган киши қандай қилиб ҳукм чиқарсин? У ҳақиқатни билган икки киши ўртасидаги жоҳил, холос. У икки ганим нима қилганини билади. Шўрлик кози у иккисининг ҳийласини қайдан билсин? Билмайди, гофил. Шундай экан, жонига, молига қандай ҳукм чиқарсин?”. Ноиб: “Ганимлар билимли, аммо иллатлидир. Сен эса жоҳилсан, аммо шариатнинг шамисан. Чунки сенда қасд ва иллат йўқ. Иллатсизлик кўзларнинг нуридир. У иккаласини ғараз кўр қилиб қўйган. Билимларини ҳам қасдлари-ю иллатлари кабрга тикқандир. Беғаразлик билимсизни олим қилар, қасд ва ғараз илмни зулмга айлантиради. Сен пора олмағунингга қадар кўр эмассан, аммо таъма қилдингми, кўрсан, кўр-у қулга айланасан” - деди.

- Билимнинг қаноти иккита, шубҳаники эса битта. Шу нуқсонни сабабли уча олмайди. Бир қанотли қуш тезда қулайди. Яна, учишга ҳаракат қилади, нари борса икки одимлик йўл босади. Шубҳа қуши йиқилиб-суриниб, умид ошёнига тоқ қанот билан учишга интилади. Аммо бу қуш шубҳадан ҳалос бўлиб, билим соҳибига айланиши билан қаноти жуфт бўлади, қанот қоқади.

- Тунд табиатли кишига илму урфон ўргатиш йўлтўсар қароқчининг қўлига қилич беришга ўхшайди. Сархуш занжигга қилич тутиш одам бўлмасга илм ўргатишдан афзалдир. Билим, мол-мулк, мартаба ва ҳукмронлик ёмон табиатли кишилар қўлида фитнага айланади.



## БОЙЛИК

- Эри деди: “Токайгача фойда ва ҳосил кидирасан, умримизнинг қанчаси қолди ахир? Кўпи кетиб ози қолди. Ақли бор одам ортиқ-камига қарамайди, чунки иккаласи ҳам селдек ўтади. Сел тиниқ бўлса ҳам, лойқа бўлса ҳам... Шундай экан, ундан сўз очма.”

- Бадавий деди: “Эй хотин, сен хотинмисан ёки ғамқайғу уяси? Йўқсиллик мен учун фахрли иш, бошимни қотирма! Мол-дунё бошдаги қулоҳга ўхшайди. Қулоҳга қал юкинади. Чиройли, жингалак сочли кишига эса қулоҳнинг боридан йўғи яхши. Аллоҳ марди мисли кўздир. Кўзнинг юмуқ бўлганидан очик бўлгани яхши. Савдогар қулни сотаётганида камчиликларни ёпиб турувчи кийимни ечади. Қулнинг камчилиги бўлганида кийимни ечармиди? Ечиш у ёқда турсин, бирор хийла ишлатиб, уни кийими билан кўрсатар, “Бу бўлар-бўлмас нарсага уялаверади. Ечинтирсам уялиб сендан қочади”, - деган бўларди. Бой қулоғигача гуноҳга ботган, аммо давлати бор: айбини ёпади. Таъмагир таъма туфайли бойнинг айбини кўрмайди. Таъмагир барча кўнгилларни эгаллайди. Камбағалнинг сўзини ҳеч ким эшитмайди. Камбағаллик сен тушунадиган нарса эмас, камбағалларни камситма. Чунки йўқсилларнинг улуғлик соҳиби Аллоҳдан улуғ ризқлари бордир. Улуғ Аллоҳ одилдир. Одиллар чорасиз бечораларга қандай қилиб зулм этсинлар? Бирига неъмат, мол-мулк бериб, бошқасини “ёнсин” деб ўтга отадиларми? Шундай ишни Аллоҳдан, икки дунёни яратгандан кутса бўладими?”

- Сен ҳам бир-икки кун йўқсил бўлиб кўр-у йўқсилликдаги икки ҳисса бойликка гувоҳ бўл. Йўқсилликка сабр қил, бу ғамни, қайғуни унут. Чунки улуғлик соҳиби Аллоҳнинг юксаклиги йўқсилликдир. Қаноатлари эвазига бол денгизига гарқ бўлган минглаб жонларни кўр. Йўқсилликдан азоб чеккан юз минглаб жонларга бок... Атиргул каби гулбашақарга қоришган, шу лаззатдан лаззатлангандирлар.

- Борлик йўкликдан фарёд этмагандир. Йўклик у борликни ўзидан узоклаштирган, кетказгандир. “Мен йўкликдан кочаяпман”, - дема. Аслида у сендан йигирма маротаба кўп кочмоқда! Сиртдан караганда сени ўзига чорлаётир, аммо кўнглида сени рад таёғи билан итармоқдадир. Бу ишлар қувлаганни чалғитиш учун отга тескари қокилган тақалардир. эй пок киши! Фиръавнинг, Ҳазрат Мусонинг нафратини Ҳазрат Мусодан бил!

- Мол-давлат илондир... Унда захар бор. Одамларнинг давлатмандни улуг санаши, унга сажда қилиши эса аждархога ўхшайди.

- Бой бойлиги туфайли Аллоҳ даргоҳида рад этилди. Чунки қудрати бор, сабрни тарк этди, истаганини қила бошлади!...

- Эшакнинг ярасига бўз боғласанг, бу бўз ярага ёпишса-ю уни тортиб олмоқчи бўлсанг, эшак оғриқдан ирғишлай бошлайди. Шундай ишлар қилмаган одам қандай бахтиёр! Мол-мулк бўзга, бойлик ҳирси ярага ўхшайди. Кимнинг ҳирси кўп бўлса, жароҳати қаттадир. Бойқушнинг мол-мулки фақат вайронадир.

## ВАҚТ

- Бу “Маснавий” бироз кечикди. Қоннинг сут бўлиши учун бироз вақт керак. Бахтинг яна бир гўдак туғдирмагунча қон ширин сут ҳолига келмайди. Буни яхшилаб уқиб ол.

- Қуирузни Аллоҳ марди сирининг акси деб билинг; кўзни ёпган оқшомни эса унинг айб ёпувчилигининг акси. Аллоҳ сахар чоғини хуш кўради дейдилар. Бу ҳам сахар вақти унинг акси бўлганидандир.

- Ўтмиш, келажак сенга боғлиқдир. Аслида иккаласи ҳам бир. Аммо сен иккита деб ўйлайсан. Бир одам унинг отасидир, ўғлимиз Зайднинг остида бўлган том Амрнинг устидадир.

- Хом мевалар қаттиқ ёпишган, у ердан осонлик билан кўчмайди. Чунки хом мева кўшкка, саройга муносиб

эмас. Аммо пишиб ширинлашгач, лаб тишлатар ҳолга келгач шохларда тура олмай тўкилади.

- Бир вақтдан, вақт қайдидан кутулдингми, кайфият қолмайди, кайфиятсиз ҳолда Аллоҳга маҳрам бўласан. Замон бевақтликни билмайди. Замонсизлик оламига бориш учун ҳайратдан ўзга йўл йўқ.

- Биз учун аср билан соат тенгдир... Узун йўл, қисқа вақт биз учун эмас! У узун-қисқалик жисмларга нисбатандир, жонга қандай мос келсин? Асҳоби Қаҳф уч юз тўққиз йил ётдилар. Ухладилар, аммо бу уч юз тўққиз йил уларга бир кундек туюлди. На хафа бўлдилар, на афсусландилар. Бу оламда кеча билан кундуз, ой билан йил бўлмаса зеркиш, кексалик қандай бўлсин?

## ВАФО

- Бир куни хўжайини Лукмонга аччиқ тарвуз берди. Лукмон шундай иштаҳа билан, шундай хурсандчилик билан уни ер эди-ки, кўрганларнинг ҳам иштаҳаси очилиб кетар эди. Хўжайини бир тишлам ейиши билан оғзи оловдек ёнди, бўғзи ловуллади, тили куйди. Бир муддат ўзини йўқотди. Кейин: “Азизим, бундай захарни қандай қилиб роҳатланиб единг, бундай қаҳрни қандай қилиб лутф санадинг?” Бу қандай сабр? Нега бунча сабр қилдинг? Жонингда қасдинг борми? Нега ҳеч нарса демадинг, нега: “Бироз сабр қилинг, ҳозир ея олмайман” - демадинг?” - деди. Лукмоннинг жавоби шундай бўлди: “Сенинг неъматлар бағишлаган кўлингдан шунчалар кўп ризқ едим-ки, ҳижолатдан икки букилдим. Кўлинг билан берган нарсани, эй маърифат соҳиби, “Бу аччиқ” дейишга уялдим. Чунки танамнинг ҳар аъзоси сенинг неъматларингдан баҳраманд бўлди. Мен сенинг тузоғингга, донингга асир эдим, шугина аччиққа чидай олмай фарёд қилсам танамнинг барча аъзолари яксон бўлсин! Шакарлар эҳсон қилган кўлингнинг лаззати тарвуздаги аччиқликни қолдирармиди?”

- Сен ҳам шунча офатларга йўлиқдинг, ҳаммасидан тажриба ортгирдинг... подшоҳтабиат мардлардан нажот

топдинг. Оксоқдингиг неча марталаб тузалди, жонинг не-не азоблардан, машаккатлардан халос бўлди. Сен эса ўзингни ҳам йўқотиб кўймаслик учун оёғингга ип боглаб турибсан, эй гумроҳ! Шукр қилмайсан, муяссар бўлган неъматларингни унутгансан. Кўнгил аҳлининг кўнгли сендан ранжиди, оғринди. Тезда уларни топ, узр тила, тавба қил. Булутдек кўз ёш тўк, нола қил, уларнинг гулзорлари яшнасин, сенга сархил мевалар сочилсин. У даргоҳда қол, Асхоби Кахфнинг ити билан ҳамроҳ бўлсанг, итдан паст бўлма. Итлар ҳам: “Кўнглингни биринчи уйга богла” деб итларга насиҳат қиладилар. Суяк гажиган илк даргоҳингга содик бўл, карзингни уз”, - дейдилар. Одобни ўргансин-у ўша ерга борсин, илк эшикда нажот топсин деб уни тишлайдилар. Эй ит, валинеъматингга исён қилма. Шу эшикнинг халқаси бўл. Шу даргоҳда кўрикчилик қил, сакра, чаккон ҳаракат қил. Бевафолигингни кўрсатма, беҳудага вафосизлигингни намойиш этма. Итларнинг одати вафодорлик. “Кўй, итларнинг отини ёмонга чиқарма”, - дедилар. Улуг Аллоҳ ҳам вафодорлик билан мактанди ва: “Биздан бошқа ким аҳлига вафо қилади?” - деди. Ҳақларни рад этиб ҳисобга олмагандан кейин истаганингча вафодор бўл. Билиб кўй-ки, бу вафо вафосизлигингнинг ўзгинасидир. Чунки ҳеч кимса Аллоҳнинг ҳақкидан ортиқроқ ҳаққа эга эмас. Онанинг ҳақки ҳам Аллоҳнинг ҳақкидан кейин туради. Чунки Аллоҳ онага сенинг она қорнидаги шаклини берди.

Аллоҳ сени унинг жиёмида шаклга келтирган, ҳомиладорлик пайтида унга сен орқали роҳат ва ором, қувонч бағишлаган, уни сенга кўниктиргандир. У ҳам сени ўзининг бир парчаси деб билган. Аллоҳнинг тадбири онага боғланган ўша қисми ажратди. Аллоҳ минг бир йўллар билан онага сенга бўлган меҳр-муҳаббатни сингдирди. Шунинг учун Аллоҳ ҳақки онанинг ҳақкидан олдин туради Аллоҳ ҳаққини билмаган эшакдир. Онани, она кўкрагини, она сутини яратган, уни отангга йўлдош этган Удир. Унга сарқаш бўлма (бош кўтарма)!

## ҒАЙБ

- Умид ва кўркув пардасини йиртдингми... Ғайб бутун салобати, кўркамлиги билан пайдо бўлади. Ўртада бўлмаган нарсанинг хаёли катталашгандан катталашади. Аммо ғойибда бўлган нарса пайдо бўлдим, хаёл чекинади.

- Гарчи бирор нарсанинг ҳақиқатини изҳор этиш, асосан, камолдир ва жонларни хаёлдан халос этар, аммо ғайбга ишонишнинг кўринган нарсага нисбатан минг бир фазилати бор. Буни яхшилаб билиб ол, шубҳа ва иккиланишлардан халос бўл! Менга ғайбга ишонганлар керак... Шунинг учун бу фоний қўналға деразасини ёпдим. Қандай қилиб осмонларни ёраман, агар ҳақиқатларни юзага чиқарсам, қандай қилиб «Бунда бир айб, камчилик кўрдингми?» дея оламан?

- Кул хожасининг ҳузурида бўлмаса ҳам, қулдек юрса, итоатдан чиқмаса, бу қуллик яхши ва ёқимли қулликдир.

- Подшоҳнинг олдида уни мактаган киши қаерда-ю подшоҳ йўқлигида ундан уялиб, тортинган қайда?! Мамлакатнинг бир бурчида, подшоҳдан, салтанатдан узок бир қалъанинг кўрикчиси қалъани душманлардан ҳимоя қилади, ҳисобсиз мол-дунё берсалар ҳам сотилмайди, подшоҳ у ерда бўлмаса-да, ҳудуд бўйларида подшоҳнинг ҳузуридаги каби садоқат кўрсатса, шу кўрикчи подшоҳнинг ёнида, ҳузурида бўлган, жон фидо қилган кишилардан қадрлироқдир. Шу ҳолда ярим зарра миқдори ғойибона амрга бўйсунуш амр этувчининг ҳузурида қуллик қилиш ва амрига бўйин эгишдан юз минг марта устунроқдир. Қуллик ва имон ҳозир яхшидир. Аммо ўлимдан сўнг ҳамма нарса аён бўлгач ишониш наф бермайди. Ҳақиқатнинг ниҳон бўлиши, ғайбга ишониш янада яхши, мақбул бўлгач оғизнинг ёпиқ, лабнинг юмуқ бўлиши, албатта, яхши. Биродар, сўзни тинч қўйки, Аллоҳ қатидаги илмини майдонга чиқарсин!

- Шайтонлар осмон теғрасида айланадилар, кезадилар-у “Лавҳи маҳфуз”даги ғайб сирларини била олмайдилар.

• Кўринган сурат гайб оламидаги суратга далолатдир, у эса бошқа бир гайб суратидан ташкил топгандир. Шу тахлит буларни фикрининг миқдоригача то учинчи, тўртинчи, ўнинчи суратгача санаб тур. Ўғлон, бу шатранждаги ўйинларга ўхшайди... ҳар ўйиннинг фойдасини ундан кейингисида кўр. Бу ўйинни, бу яширин ўйинни ўйнаш учун, уни эса яна бир ўйин учун... ниҳоят у ўйинни ҳам бошқа бир ўйин учун ўйнайдилар. Кўзингни атрофдан олдинга бур-у қаршингдагини мот қилиб, ютунингча қандай ўйинлар ўйнасанг ҳаммасини кўр. Шундай қилиб, ҳар бир киши нигоҳи ва фикри миқдорича гайбни ҳам кўради, келажакни ҳам... яхшини ҳам кўради, ёмонни ҳам. Кўзинг олди-ортида бир парда қолмадими, бутун дунё теп-текис бўлади, кўз гайб лавҳини ҳам ўқийди. Кўзингни ортга бурдингми, ҳаёт бошланган пайтдан бошлаб бўлиб ўтган можаролар, дунёнинг яратилиши кўзига кўринади! Ҳар бир киши кўнглининг равшанлиги нисбатида гайбни кўради. Ким кўнглини кўпроқ жиллолаган бўлса, кўпроқ кўради, унга кўпроқ суратлар кўринади.

## ҒАФЛАТ

• Ҳар бир киши олдин ўз айбини кўрсайди, аҳволини тузатармиди? Одамлар ўзларидан беҳабарлар. Шунинг учун бир-бирларининг камчиликларини кўрадилар.

• Ҳар бири ният қилиб, такбир ўқиб, итоат ва ҳузур билан намоз ўқийдиган эдилар. Шу пайт ичкарига муаззин кирди. Бир ҳинд беихтиёр: “Муаззин, азон ўқидингизми ёки ҳали вақт борми?” - деб юборди. Бошқа бир ҳинд намоз ўқийдиган жойида: “Жим бўлсанг-чи, гапирдинг, намозинг бузилди”, - деди. Учунчи ҳинд иккинчисига: “Уни нега айблайсиз, ота, ўзингизни билдинг, ўзингизни айланг!”. Тўртинчи ҳинд: “Худога шукр, мен учалангизга ўхшаб гуноҳга ботмадим”, - деди. Хуллас, тўртталовининг ҳам намози бузилди. Оламнинг айбини ахтарган, гапирган янада кўпроқ нарсани бой беради. Ўз айбини кўра оладиган киши

қандай бахтли. Ким ўзганинг айбини кўрса, шу айб унга ўтади. Чунки инсоннинг ярми айбдан, ярми гойибдан! Бошингда ўнлаб яралар бор экан, малҳамни бошингга суришинг керак. Ярани айбсентиш унга малҳам суришдир. Мушкул аҳволга тушганда “Бир кавмининг азизи хор бўлдим, унга ачининг, раҳм қилинг” ҳадисига амал қилинади. Сенда айб бўлмаса-да, ишончинг комил бўлмасин. Бирор кун сен ҳам шундай айб қилишинг, сенда ҳам камчиликлар кўрилиши мумкин.

- Сенда олдинда келганларнинг ахлоқи бор. Қандай қилиб сен ҳам улар сингари халок бўлишдан кўркмайсан? Улардаги белгиларнинг ҳаммаси сенда бор. Мадомики улардан экансан, қандай қутулардинг?

- Кўзлари очиқ, аммо кўнгли уйқуда бўлган қанча одамлар бор, зотан сув ва тупроқ аҳлининг кўзи нимани кўра олади? Аммо кўнгли уйғоқнинг бош-кўзи ухлаб ётанда ҳам, кўнглида юзлаб кўзлар очилади.

- Бир куни Ҳазрат Мустафо (а.с.) юксаклардан азон товушини эшитди. Таҳоратини янгилаш учун сув сўради. У совуқ сув билан қўлини, юзини ювди. Оёқларини ҳам ювиб, бошмоғини киймоқчи бўлиб турганида бир қуш келиб, бошмоқнинг бир пойини олиб кетди. У хушсухан пайғамбар бошмоқни эндигина қўлига олган эди қирғий олиб қочди. Қуш шамолдек учиб юқорилади, бошмоқни тескари ўгирди, ичидан бир илон тушди. Қоп-қора илон эди у... Қирғий бу ҳаракати билан пайғамбарга яхшилик қилишни истаган, Аллоҳнинг иноятига сабаб бўлган эди. Қуш бошмоқни келтириб, “Марҳамат, намозга боравер” деб пайғамбарнинг олдига қўйди. “Бу ҳурматсизликни мажбуран қилдим, аслида мен ҳам одоб-ахлоқнинг нималигини биламан” - дерди. Одобсизларча ҳаракат қилган, нафсига эргашиб ноўрин фатволар берганларнинг ҳолига вой! Пайғамбар шукр қилди, дедики: “Биз буни жафо деб билар эдик, ҳолбуки вафoning ўзгинаси экан! Бошмоғимни олиб қочдинг, хайрон бўлдим, сиқилдим, сен мени гамдан қутқараётган экансан, мен эса гамга ботдим! Аллоҳ бизга

барча гамларни кўрсатди, аммо шу тобда ўзим билан овора эдим!”. Қирғий “Сен гофил бўлмайсан, бу сенга бегона. Эй Мустафо, менинг гойибни кўришим сендаги билимнинг аксидан! Осмондалигимда бошмоқнинг ичидаги илонни кўришим ўзимдан эмас, сендан маълум бўлди менга”, деди.

- Одамнинг юраги Аллоҳ учун эрса, шаҳидлар каби икки оламда ҳам лутф-эҳсонга сазовор бўлади. Гофиллик ҳам хикматдир, бу кўр бўлишнинг ҳам бир хикмати бор, аммо нега бу даражада бўлсин? ...Сармоя тез кўлдан кетмаслиги учун гофиллик ҳам хикматдир, ҳам неъмат. Фақат тузалмас яра ҳолига келмаслиги керак... ақл ва жоннинг захри бўлмаслиги, одамга азоб бермаслиги керак!

- Дарё ёқасида лабларинг какрок, ётиб ухлайсан, сув кидириш учун саробга қараб югуриб кетаясан! Узокларда саробни кўриб унга томон югурмайсан, ўз фикрингга махлиё бўлиб, уйкуда ўртоқларингга: “Кўнгил кўзи очик бўлган менман, пардаларни йиртиб, ҳамма нарсени кўраман мен. Мана қара, ҳозир ана у томонда сув кўрдим, қани, югурайлик, ўша ерга борайлик” деб қўймас эдинг. Ҳолбуки кўрганинг сароб эди. Ҳар қадамда бу жонбахш сувдан бироз узоклашасан, елиб-югуриб сени алдаган ўша саробга гўёки яқинлашгандек бўласан, аммо ҳақиқий сувдан узоклашасан. Азминг сенга келган, оқиб ётган ҳақиқий сувга парда қабидир.

- Не-не кишилар бор-ки, боришни истаган жойларидан ҳаракатланиб, ўша ерга бориш учун йўлга тушадилар. Ухлаган кишининг на кўрган нарсаси ишга ярайди, на айтган сўзи! Кўрган нарсаси-ю айтган сўзи ҳаёлдан бошқа нарса эмас, ундан кўлингни юв. Уйқунг келган бўлса, йўлда ухла. Худо ҳақки учун фақат Аллоҳ йўлида ёт. Баъзан бўлади-ку, балки бирор йўловчи учраб сени ҳаёллардан, уйқудан қутқарар. Ухлаган кишининг фикри қилни қирқ ёрса ҳам фойдаси йўқ. У кишлоқ йўлини топа олмайди. Уйқудаги кишининг фикри хоҳ икки қат бўлсин, хоҳ уч қат... Яна хато устига хатодир, хато устига хато.



- Унга тўлқинлар тап тортмасдан келиб урилади-ю у яна бепоён чўлларда югургилайди! Сув унга қон томирдап яқинроқ жойда-ю у ташналикдан ёнади!

- Гафлат ҳурматсизликдан пайдо бўлади. Ҳурмат кўзнинг қуруқ оғриғини даф қилади. Гафлат ва ёмон одат бўлган паришонлик ҳурмат оловида ёнади. Унинг ҳайбати инсонга бедорлик, ҳушёрлик беради, одамдаги унутувчанлик ва хато бартараф бўлади. Яғмо маҳали ҳеч кимнинг уйқуси келмайди. “Хирқамни ўғирламасинлар”, - деб ҳеч ким ухламайди. Хирқа ташвишидан-ки, уйқу қочса, жон ва нафс дарди, ҳадиги билан ким ухлай олади?

- Давроннинг жафоси билан оламдаги барча азиятлар Аллоҳдан узоқ бўлиш ва гофил қолишдан осонроқдир. Чунки булар ўтади-ю улар ўтмайди. Давлат деб инсон жонининг бедор бўлишига айтилади!

## ДУНЁ

- Бу дунё зиндондир, биз эса зиндондаги маҳкумлармиз. Зиндонни буз, ўзингни халос қил! Дунё нима? Аллоҳдан хабарсиз қолишдир. Мато, пул, тижорат, аёл дунё эмас. Дин йўлида сарфлаш мақсадида топилган молни Пайғамбаримиз (с.а.в.) “Қандай ажойиб мол!” деганлар. Кема ичида сувнинг бўлиши кеманинг ботишидир. Кема остидаги сув эса кеманинг ҳаракатланишига ёрдам беради.

- Дунёнинг лутфи-ю ялтоқланиши ёқимли лўқмадир, аммо оз е. Чунки бу оловли лўқмадир.

- Офатсиз, фалокатсиз жой йўқдир. Аллоҳнинг хилват жойидан бошқа ҳеч қаерда дам олиш, ором топиш мумкин эмас. Қутулишга чора бўлмаган бу дунё зиндонининг қадам ҳақи олинмайдиган, қалтак ишлатилмайдиган бирор жойи йўқ. Сичқоннинг инига кирсанг ҳам бирор мушук панжасига дуч келасан.

- Бу олам бир туш кабидир, сен ўйга ботма. Тушда бир қўл кесилса ҳам зарари йўқ. Тушда тананинг бир аъзоси кам бўлса, нима бўлибди? Юз бўлакка бўлсалар ҳам

нимадан кўркасан? Бу дунё хақида Пайгамбар (с.а.в.) “ухлаётган одамнинг туши” деганлар.

- Ялангоч киши этагининг кесилишидан кўркади, аммо ялангочда этак бўлсаки, кессалар! Дунёга берилган ҳам кўрқок, ҳам касоддир. Ҳолбуки ўғрилардан ҳеч ҳам кўркмаслиги керак. Зотан дунёга ялангоч келди, ялангоч кетади. Шундай бўлгани ҳолда ўғрилардан кўркиб, юраги кон бўлмоқда! Бу кўркув этагига тувак синикларини тўлдириб, ўзини бой ҳисоблаган, уларни йўқотиб кўйишдан кўрккан, уларнинг устида титраб-қақшаган боланинг ҳадигига ўхшайди. Ахмоқ ҳам вақтинчалик молни ўзиники деб ҳисоблаб, жон ҳовучлайди. Эй пасткаш одам! Тушида ўзини бадавлат кўриб, қопни ўғри олиб кетади деб кўркади! Аммо қулоғи буралиб уйғониши билан ўз ҳадиги устидан кулади. Бу дунёнинг аклига, бу оламнинг илмига эга олимларнинг кўркуви ҳам шунга ўхшайди. Ялангоч одам этагимни судраб келаяпман, уларнинг чангалидан этагимни қандай қутқараман, дейди!

- Дунё шахвати ўтхонага ўхшайди. Такво ҳаммоми у билан ёришади. Аммо такводорлар бу ўтхонада қайғусиз ва беғамдирлар. Чунки улар ҳаммомга кириб, ювиниб покланганлар. Бойлар эса ҳаммомни иситиш учун тезак ташиганларга ўхшайдилар. Аллоҳ ҳаммом иситсин, тобига келсин деб уларга хирс бергандир. Бу ўтхонадан воз кеч ва ҳаммомга кир... ўтхонани тарк этиш ҳаммомга киришдир. Ўтхонада қолган дунё шахватига сабр қилувчи киши дунёдан этак силккан кишига хизматқордир. Ҳаммомдаги киши юзидан, юзининг тозалигидан маълумдир. Бадавлат киши шундай дейди: “Бугун кечқурунгача нақ йигирма сават тезак ташидим”. Худди шундай сенинг хирсинг ҳам бу дунёда оловга ўхшайди... ҳар зарраси юзлаб оғизлар очади! “Мол тўпладим”, - деган нима дейди яъни? “Шунча тезак, шунча гўнг келтирдим” дейди-да! Бу сўз шармандалиқни орғтиради, аммо ўтхонадагилар ўзаро бу билан мактанадилар.

- Бу дунёнинг ҳар қандай мулкидан воз кеч... Яна не-не мулклар бор! Сен тахт деб улуглайдиган нарса тахтадан

ясалган тузоқдир. Ўтирган жойингни тўр деб ўйлаяпсан, аслида пойгакда қолгансан!

• Қобуллик жодугар шаҳзодага шундай сеҳр-жоду қилди-ки, бобиллик сеҳргарлар ҳам бармоқ тишлаб қолдилар. Шаҳзода ўша кекса жодугарга ошиқ бўлди, келиндан ҳам воз кечди, куёвликдан ҳам. Подшоҳ бу ерда бир сир, бир ҳикмат борлигини, бундан ялиниб-ёлвориш билан қутулиш, нажот топиш мумкинлигини англади. Саждага эгилиб, “Ё Раббий, амринг вожибдир, Аллоҳ салтанатида Аллоҳдан бошқа кимнинг ҳам ҳукми ўтарди? Бу бечора куйиб адо бўлди, эй марҳаматли Аллоҳ, мадад бер”, - дея бошлади. Ниҳоят унинг “Ё Раб, ё Раб” дейиши, фарёду фиғон қилиши қабул бўлди, йўлдан моҳир афсунгар ўтиб қолди. У шаҳзоданинг кекса аёлга асир бўлганини эшитган эди. Бу аёлнинг кучли сеҳр-жодуга эгаллигини, унинг тенги йўклигини ҳам билар эди. Мардим, қўл қўлдан устундир: ҳунарда ҳам, кучда ҳам. Қўлларнинг охири Аллоҳнинг қўлидир... шубҳа йўқки, денгиз селлар куйиладиган сўнгги манзилдир. Булутлар ҳам сувни денгиздан олади, селлар оқиб ниҳоят унга боради. Подшоҳ: “Бу ўгил қўлдан кетди”, - деди. Меҳмон йўловчи деди: “Дардингизга дармон бўлиб келдим-ку! Афсусларнинг ҳеч бири у жодугарга бас келолмайди... фақат мен у томондан келдим, менинг сеҳрим қувватли, унга бас кела оламан! Ҳазрати Мусонинг қўли каби Аллоҳнинг изни билан унинг сеҳрини даф қиламан. Чунки бу билим менга Аллоҳ томонидан берилди, хор-зор афсунгарларга шогирд тушганим йўқ. Кампирнинг сеҳрини бузиш, шаҳзоданинг юзидаги сарикликни кетказиш учун келдим. Йигит ўзига келгач минг бир истиҳола билан отасининг тахти ёнига борди. Подшоҳ зиёфат берди. Бутун халқ шодиёнада иштирок этди. Умиди узилган келин ҳам муродига етди. Биродар, билиб ол, сен шаҳзодасан, бу дунёга энди келдинг! Қобуллик афсунгар бу дунёдир, не-не мардларни ранги-ю ҳидига асир этгандир. Бу соҳир дунёга кирдингни, ҳар лаҳзада “Қул аузу”ларни ўқи, ўзингни бу изтиробдан, бу

жодулардан кутқар. Тонгда Аллоҳга сажда қил, ундан мадад сўра”.

- Эй ўткинчи дунёдан ажралганига сабр қила олмаган дўст, Аллоҳдан ажрлишга қандай таҳаммул қиласан!

- Дейлик, бутун Шарку Ғарбни эгалладинг, барча худудлар сеники бўлди. Аммо бу салтанат вақтинчалик, уни чакмок деб бил, фараз қил: чакмок чакди-ю сўнди. Абадий қолмайдиган мулкни кўнгил, туш деб ҳисобла!

- Пайғамбар (с.а.в.): “Аллоҳдан жаннат тиласанг, ҳеч кимдан ҳеч нарса сўрама. Ҳеч кимдан ҳеч нарса сўрамасанг, мен қафилман, жаннатга ҳам кирасан, Аллоҳга ҳам етасан”, - деди.

- Гўзалим, охири жағимиз боғланади, бас, жағимни камрок кимирлатганим маъқул. Эй зарбоф либослар кийишга, олтин камарлар тақишга ўрганган одам, ниҳоят сенга ҳам тикилмаган кийим кийдирилади.

- Дунё Аллоҳнинг қаҳридир. Қаҳрни танлаган бўлсанг, ундан баҳраманд бўлавер.

- Тимсоҳ оғзини очади, тишлари атрофида узун-узун қуртлар бор. Бу емишдан ўзгалар фойдаланадилар. Қушлар қуртларни, бу ризқни кўриб, у тобутни ўтлоқ деб ўйлайдилар. Оғзи қушларга тўлиши билан тимсоҳ шартта уни ёпади. Егуликларга тўла бу оламни ўша тимсоҳнинг очик оғзи деб бил. Ҳайвонларда юзлаб хийлалар бор экан, ҳайвонлардан устун бўлганларда қандай хийлалар бўлади.

- Шу охири бўлмаган дунё мулкнинг ҳирқаси нима? Беш қурушлик (чақалик) сархушлик ва бош оғриғидир.

## ДУО

- Эй Аллоҳ, фарёдимишни тишгла: сен нақадар ажойиб мададқорсан! Эй Аллоҳ, юз минглаб тузоқ ва хўрак бор, биз эса емсиз қолган қушларга ўхшаймиз. Сен бизни доимо тузоқдан қутқарасан. Эй ғани(й) ва мустағний (қаноат қилувчи) Аллоҳ, биз яна бир тузоқ томон бормоқдамиз!

- Аллоҳ ёрдам беришни истаса, бизда илтижо қилиб ёлвориш майлини пайдо қилади.

- Эй айбларни ёпувчи Аллоҳ! Пардамизни кўтарма, синов пайтида бизга мадад бер, бизни халос эт! Эй мадад тилаганларнинг мададкори, бизга ҳидоят бер. Илм-у бойлик билан мақтаниш имконсиз.

Карам қилиб ҳидоятга бошлаган қалбингни йўлдан адаштирма, ёмонликларни биздан узоқлаштир. Фалокатлардан фориғ эт, бизни Аллоҳдан ризо бўлган дўстлардан айирма. Сендан айрилишдан изтироблироқ нарса йўқ. Сенга сизгинмасак, сен асрамасанг ҳолимиз харобдир.

- Бир ўғри морбоз (илон ўйнатувчи)нинг илонини ўғирлади. Ахмоқлигидан уни “ўлжа” деб ҳисоблади. Морбоз илон захридан қутулди. Ўғри эса шу захар дастидан инграб-синграб жон берди. Морбоз ўлик одамни таниди. “Уни менинг илоним ўлдирди, жонидан жудо қилди. “Ўғрини топай-да, ундан илонимни олайин”, - деб дуо қилдим, илонни топишни истадим. Худога шукрки, бу дуойим қабул бўлмабди. Дуонинг қабул бўлмаганини зарар деб ҳисобладим, аслида фойда бўлган экан”, - деди. Шундай дуолар борки, зиён-у ҳалокатдан ўзга нарса эмас. Пок Парвардигор карам қилиб, уларни қабул қилмайди.

- Йиглаб нола қилиш катта сармоядир, кулли раҳмат, моҳир энагадир. Энага ва она “Бола қачон йиглар экан?” деб баҳона излайдилар. Аллоҳ ҳам сизнинг исталган фарзандларингизни “Йигласин-у сут бўлсин” деб яратди. “Аллоҳни чорланг”, - деди, йиглаб нола қилишни кўймаки, Аллоҳнинг марҳамат сутлари жўшсин.

- Пайғамбар беморга шундай деди: “Сен қуйидагиларни такрорла: Аллоҳ, мушкулларимизни осон қил. Бизга бу дунёда ҳам, охиратда ҳам яхшилиқни раво кўр. Йўлимизни гулзордек латиф ҳолга келтир, Эй Қодир Аллоҳ, паноҳимиз сенсан!”.

- Ҳар дуода эзгу нафасга эга бўлмасанг юр, ўзи-ю сўзи тўғри бўлганлардан дуо ол. Аллоҳ: “Эй Мусо, менга гуноҳ қилмаган, ёмон сўз айтмаган оғиз билан ибодат қил.

дуо кил”, - деди. Ҳазрат Мусо “Менда ундай оғиз йўк”, - дегач, Аллоҳ: “Бошқанинг оғзи билан дуо кил. Бошқанинг оғзи билан қандай гуноҳ қилишинг мумкин? “Ё Раббий” деб бошқанинг оғзи билан чақир”, - деди. Сен ҳам шундай муомала қилки, оғизлар кеча-кундуз сенга дуо қилсинлар. Гуноҳ қилмаган оғиз бошқаларнинг узр сўраган оғзидир. Ёхуд ўз оғзингни тозала, руҳингни тетиклаштир, покла. Чунки Аллоҳнинг номи покдир, поклик келдими, ифлослик даф бўлади. Ҳар нарса зиддидан қочади. Ёруг тушса тун қолмайди. Оғизга, тилга покиза бир ном келгач на кир қолар, на гам-у қадар.

- Аллоҳ: “Мени чақирдингми, гуноҳкор бўлсанг ҳам, бутпараст бўлсанг ҳам, дуоингни ижобат этаман. Шунинг учун дуодан тўхтама. Дуо сени очкўз нафсининг чапғалидан қутқаради”, - деди.

- Бир вонз бор эди, минбарга чиқдими карокчиларни дуо қилишни бошлар, кўлларини кўтариб: “Ё Раббий! Ёмонларга, фасодчиларга, исёнкорларга марҳамат қил! Яхши кишиларни қалақа қилувчиларнинг барчасига, барча кофир кўнгиллиларга шафқат, черковдагиларга марҳамат қил!” - дер эди. Яхшиларни асло дуо қилмас, ёмонлардан бошқани дуо қилай демасди. Унга: “Ҳеч қаерда бундай одат кўрмадик, йўлдан озганларни дуо қилиш мурувват эмас”, - дедилар. У шундай жавоб қайтарди: “Мен улардан яхшилик кўрдим, шунинг учун уларни дуо қилишга одатландим! Менга шундай кўп ёмонликлар қилдилар, жабру зулм ўтказдиларки, натижада мени ёмонликдан халос қилдилар, эзгуликка етказдилар. Қачон дунёга юз тутсам, бойинсам, улардан азият кўрдим, машаққат чекдим, қалтак едим. Шунинг учун яхшилик томонга қочдим, ўша бўрилар мени тўғри йўлга солдилар. Яхши бўлишимга сабабчи бўлдилар. Эй эли-хушли одам, шунинг учун уларни дуо қилиш менинг қарзимдир!”.

- Банда дарддан, аламдан Аллоҳга нола қилади, машаққатларни айтиб шикоят ҳам қилади. Аллоҳ эса шундай жавоб қайтаради: “Кўриб турибсанки, машаққат ва дард сени тўғри йўлга бошлади: менга илтижо қилдирди.

Сен сени йўлдан адаштирганлардан, бизнинг даргоҳимиздан узоқлаштириб қувганлардан шикоят қил. Аслида ҳар бир душман сенинг доринг, малҳамингдир, сенга фойда келтиради, қувонтиради!”.

- Минглаб оқиллар дард ва эҳтиёж замонида фақат Аллоҳга нола қиладилар. Осмон ҳар лаҳза “Ё Раббий мени асло пасайтирма”, - деб илтижо қилади. Ер “Мени сув устида барқарор қилган сенсан, оромим бузилмасин”, - дея ўтинади. Барчалари чўнтақларини унинг неъматлари билан тўлдирганлар, ҳаммалари ҳожат чиқаришни ундан ўрганганлар.

- Ҳамма пайгамбарлар “Сабр ва намоз масалаларида ундан ёрдам сўранг”, - деб ундан барот ва фармон келтирганлар. Ўзингизга келинг, ундан мадад сўранг, бошқадан эмас. Сувни денгиздан кидиринг, қуриган дарёдан эмас. Бошқадан сўралгани хам у беради, ўша кимсанинг сенга марҳамат билан чўзилган қўлига саҳийлик эҳсон этган яна Аллоҳдир.

- Ҳадисда таҳорат олаётган ҳар бир тана аъзоси учун алоҳида дуо ривоят қилинган. Бурунни юваётганда, бурунга сув тортаяётганда гани(й) Аллоҳдан жаннат ҳидини сўра. Сўра ва бу ҳид сени жаннатга етакласин, атиргул ҳиди гулзордан далолатдир.

- Таҳорат бузилгандан кейин ювинаётиб шундай дуо ўқилади: “Ё Раббий мени бу ифлосликдан тозала, Менинг қўлим шу ерга етди, мана бу ерни ювди, қўлим танамнигина тозалай олади. Раббим, мен теримнигина ювдим, тозаладим, ичимни Сен юв, тозала!”.

- Эй ўзигагина сизинилган Аллоҳ, эй ўзидан мадад тиланган Рабб, аяма, эҳсон эт-у эркак-аёл сенинг шаробингдан ичсин! Эй дуоларни айтилмасидан олдин эшитувчи, Сен кўнгилга юзлаб эшиклар очасан!

- Кексайганда, Аллоҳим, кофирга ҳам ҳирс бермасин. Бу ҳирсени Аллоҳ кимга берган бўлса, у қулдир.

- Ё Раббий бизга таклиф қилдинг, лутф қилгин: саждага раббатимизни орттир, бизга танбаллик бериб, шавқимизни сўндирма.

- Эй ҳикматига мафтун бўлган Аллоҳим, мадомики, дуо қилишимизни амр этдинг, бу буюрилган дуони сен қабул қил!

- Биродар, қўлингни дуодан айирма. Қабул қилинган-қилилмагани билан нима ишинг бор сенинг?

- Мусулмон ҳам улуғ подшоҳга юзланади, насроний ҳам, яҳудий ҳам, зардуштий ҳам. Ҳатто тош, тупроқ, тоғ ва сувнинг ҳам Аллоҳга яширин дуоси, илтижоси бордир.

- Ё Раббий, нуримизни қиёматда ҳам орғтир, тўқис қил. Бизни азобловчи ёмонликлардан асра.

- Шундай ихлос эгалари борки, йиғлайди, нола билан дуо қилади. Дуодаги ихлос тутуни кўкка етади.

## ДУШМАН

- Сенинг душманларинг кимлар? Билмайсан. Оловдан яралганлар тупроқдан яратилганларнинг душманидир. Олов сув ва болаларнинг душманидир. Сувнинг ва болаларнинг душмани бўлганидан сув оловни сўңдиради, ўлдиради.

- Нафсингни ўлдирсанг узр сўрашдан қутулдасан, ўлкада ҳеч қандай душманинг бўлмайди. Бир киши пайгамбарлар ва авлиёлар ҳақида ўйлаб шубҳага тушади. “Пайгамбарларнинг нафслари ўлмаганмиди? Уларга нега ҳасад қилишар, душман бўлишар эди?”, - деса, эй ҳақиқат ахтарувчи, қулогингни оч! Бу шубҳага, бу иккиланишга берадиган жавобимиз шундай: “У Худони танимаслар ўзларининг душманлари эди, улар ўзларига жароҳат етказаётган эдилар. Душман деб жонга касд қилганларни айтадилар. Ўз-ўзича жон талашгани душман демайдилар. Кўршапалак қуёшнинг душмани эмас, хижобга кирган ўз-ўзига душман бўлгандир. Қуёшнинг нури уни ўлдиради, аммо қуёш кўршапалакдан зарар кўрадимиз? Кўршапалак унга ёмонлик қила оладими? Бир азоб, азият етказувчини душман дейиш мумкин. Қўлидан келган тошнинг қуёш



таъсирида лаълга айланишига тўсқинлик қилсин! Ҳолбуки, кофирларнинг ҳаммаси ҳам пайгамбарлар жавҳарларидаги нурдан ўзларини бебаҳра қолдирадилар! Халқ шу биттагина одамнинг кўзига қандай парда бўлсин? Билъакс ўз кўзларини кўр қилади, ёмон аҳволга солади. Хўжайинига ўчакишиб ўзини ўлдирган араб кул каби! Кул хўжайинига зиён етказиш учун ўзини томдан ташлайди, ҳалок бўлади! Бемор шифокорга, бола уни улгайтирганга душман бўлибди, бундан кимга зарар?! Аслида бемор ҳам, бола ҳам ўзининг йўлини тўсаяпти”.

- Бургут денгиз билан олишиши мумкинми? Олишса аҳмоқ бўлади, ўз соч-соқолини юлади. Ҳийласи соч-соқолидан нарига ўтмайди. Қандай қилиб оининг хонасидаги пардани йирта олади? Қуёшга ганим бўлган шундай кўйга тушади: Эй қуёшнинг қуёшига душман бўлган, сен шундай бир қуёшга душмансанки, унинг зиёсидан қуёш ҳам титраёттир, юлдуз ҳам! Сен унга эмас, ўзингга душмансан. Сен ўтин бўлсанг, оловга не гам, у нима қилсин? Таажжуб, сенинг ёнганинг билан унинг ёлқини, унинг ҳарорати камаядими? Ёки сен ёниб адо бўлаясан деб гамга ботадимми?

- Банда дард-аламдан Аллоҳга зорланади, чеккан заҳматларидан шикоятлар қилади. Аллоҳ дерки: “Кўрдинг-ку, дард ва заҳмат сени менга илтижо қиладиган ҳолга келтирди, сени тўғри йўлга солди. Сен сени йўлдан адаштиргандан, бизнинг даргоҳимиздан узоқлаштиргандан шикоят қил! Аслида ҳар душман сенга доридир... сенга малҳамдир, сенга наф келтиради, кўнглингни олади! Чунки ундан қочиб, узлатга чекинасан, Аллоҳдан мадад тилайсан. Дўстларинг эса аслида душманларингдир, улар сени Аллоҳга ибодат қилишдан узоқлаштиради, сени банд қиладилар.”

## ДЎСТЛИК

- Ҳар ким ўзича менга дўст бўлди, аммо ҳеч ким кўнглимдаги сирлар билан кизикмади.
- Дилдошдан айрилган юз хил нағмаси бўлса ҳам дилсиздир.
- Эй овчи, дўст сенинг кўзингдир. Уни хас-чўпдан тоза тут. Асло тил супургиси билан унга гард кўндирма. Кўзга чанг-тупрокни ҳада қилма. У ёш дарахт севгилиси билан топишгач, яхши ҳаво туфайли бошдан-оёқ гуллади-яшнади. Аммо кўзларинг ўзга дўстни кўргач бошини, юзини кўрпага буркади.
- Сакраб уларга тош ёғдиришга, таёк отишга тушди. Ҳаммаси жароҳатланишдан кўркиб қочди.
- Дўстга дўстнинг заҳмати малою келадими? Заҳмат ичдир, руҳдир. Дўстлик эса унинг терисига ўхшайди. Дўстлик нишонаси балолардан, офатлардан, азоблардан хурсанд бўлиш эмасми? Дўст олтинга ўхшайди. Бало эса оловга. Ҳақиқий олтин олов ичида соф ҳолга келади.
- Мунофиқлар билан дўст тутинишнинг касофати мўминни ҳам осийлаштиради, тубанлаштиради.
- Танишдан, дўстдан, қариндошдан келган бир жафо душманинг уч юз минг жафосига тенгдир. Чунки инсон кадрдонларнинг жабру жафо қилишини қутмайди, табиати унинг лутфи, вафосига кўниккан.
- Ким дўстлар билан ўтириб-турса, жаҳаннамда бўлса ҳам, гулзордадир. Аммо душман билан ош-катик бўлган кимса гулзорда бўлса ҳам дўзахдадир. “Биз, мен” деб дўстни ранжитмаки, ҳеч ким душманинг бўлмасин! Аллоҳ йўлида халққа хайр қил ва доимо кўзингга дўст кўринсин... адоват туфайли кўнглингга ёмон гап келмасин! Бирор кишига душман бўлдингми, ундан узок юр, сени кадрловчи дўст билан кўриш, у билан маслаҳатлаш!

- Аллоҳдан бошқа ҳамма душман, фақат У дўстдир. Шундай экан, дўст ҳақида душманга шикоят қилиш яхшими?

- Ҳамма ўзига муҳтож бўлган, эҳтиёжи бўлмаган пок Аллоҳга қасам бўлсинки, ёмон илон ҳам ёмон дўстдан яхшироқдир. Чунки ёмон илон инсоннинг жонинигина олади. Ёмон дўст эса инсонни дўзахга тикади, ўша ерни макон қилади.

- Фейл-атворга эътибор бер, яхши табиатлига ҳамроҳ тутиш. Гулзорга қара, атиргулнинг табиатини қандай ўзлаштирибди.

## ЖАМОЛ

- Арш ҳам ўша нури-ю кенглиги билан Одам Атони кўргач ўрнидан кўзгалди.

- Поклар кимларники? Покларники. Шу нарса тайин: гўзал гўзални севади, истайди. Шунин билки, гўзал гўзални жалб этади. “Поклар поклар учундир”.

- Шундай юзлар борки, шайтонлар уларни пашшадек макон тутадилар, қоровулдек қимир этмай ўтирадилар. Шундай одамларни кўрдингми, ё қарама ёки қарадингми, хушланиб қулма. Бундай тубан ва осий суратлилар ҳақида Аллоҳ “Кокилидан ушлаб тортамин”, - дейди.

- Аллоҳ “Ниятлари юзларидан кўриниб туради”, - деди. Чунки юз ичдаги сирни сиртга чиқаради.

## ЖАННАТ

- Сўфи йўқсилликдан оғрингач, йўқсиллик унга энага ва озик бўлади. Чунки жаннат ёқмайдиган нарсалардан ташкил топган. Марҳамат кўнгли синиқ ожизларнинг насибасидир.

- “Жаннат ўралгандир”. Нима билан ўралган? “Инсон хушламайдиган нарсалар билан”. Чунки экин шулар билан кўпаяди, ривожланади.

- Шайх деди: “Эй мени яратган! Мен сенга ошикман. Сендан бошқа бирор нарса тиласам гуноҳкор бўламан. Саккиз жаннатни кўришни истасам ёхуд сенга жаҳаннамдан кўркканим учунгина хизмат қилсам, фақат таннынг роҳатини ўйлаган мўмин бўламан. Чунки жаннат ҳам тана учун, дўзах ҳам”.

- У дунёгина бокий, маъмурдир, бошқача бўлиши имконсиз. Чунки таркиби карама-қарши нарсалардан эмас. Бу дунё эса йўқ бўлиш, тугаш, зиднинг зиддини йўқ қилишига асосланади. Зид бўлмадими, абадийликдан бошқа нарса бўлмайди. Қодир Аллоҳ жаннатдан зиддиятини кўтаради. У ерда қуёш ҳам йўқ, ой ҳам. Рангларнинг аслари рангсизлик, урушларнинг асли тинчликдир.

- Аллоҳ жўмард, аммо гўзал жаннатнинг неъматлари жаҳаннамга ҳаромдир. У абадий аҳдга вафо қилганлардан эмасдир, жаннатнинг боли унинг оғзига аччиқ туюлади.

## ЖАҲАННАМ

- Ҳазрат Мустафо (а.с.) жаҳаннам сўзини тилга олиб, шундай марҳамат қилдилар: «Жаҳаннам кўркканидан мўминга ёлвориб: “Подшоҳим, тезроқ ўт, нурунг оловимни ўчиради”, - дейди. Чунки ҳар бир нарсани унинг зиддигина бартараф эта олади”.

- Нуруни сув деб бил, сувга ёпиш, сувга етдингми, оловдан кўркма. Оловни сув ўчиради.

- Эй қассоб! Олдин семиртир, кейин сўй. Чунки жаҳаннам иглари оч! Дунёда душманлар бўлмаганида одамлардаги ғазаб пасаяр, ўтиб кетган бўлар эди! Жаҳаннам шу ғазабдир, уни душманлик довуллатади. Шафкат уни ўчирган бўлар эди!

## ЖОН

- Жон очик бўлгани, жуда яқин бўлгани учун кўринмайди. Инсон ичи сув билан тўлдирилган, сирти қуқурук идишга (хумга) ўхшайди.

- “Қуръон”нинг ҳукмларига амал қилиб, қиссадан ҳисса чиқарсанг, жон қушига тан қафаси торлик қилади. Қафасдаги тутқун қушнинг қутулишни истамаслиги жоҳилликдандир. Қафасларидан қутулган руҳлар Аллоҳга муносиб, халққа раҳбар бўлган пайгамбарлардир.

- Агар сен орқа-олдингни ўйласанг, жисмга боғлиқсан, жондан маҳрумсан. Ост, уст, олд, орт жисмнинг васфларидир. Нурли жон эса булардан йироқ ва бетарафдир.

- Кўнгил қуши унинг навоси билан учмоқда: жоннинг ақли, овозига мафтун бўлмоқда эди.

- Жон тупроққа мансуб танага ёмон кишиларни ранжитиши, Аллоҳнинг синовини кўриши учун берилди, шунинг учун жон-у танни ранжитган кишини Аллоҳ ҳам ранжитишидан уларнинг хабарлари йўқ.

- Жон Иброҳимнинг жони бўлиши керак-ки, нури билан оташ ичида жаннатлар, кўшклар кўрсин.

- Фалак – қобик, руҳнинг нури – ич. Бири кўринади, иккинчиси йўқ. Оёгинг тоймасин, гандираклама, ўзингга кел! Бадан зоҳирийдир, руҳ эса пинҳон. Жисм (тана) – енг, руҳ – кўл. Ақл руҳдан ҳам ниҳонроқ. Туйғу, руҳни дарҳол ёдга олиш керак. Ваҳий қабул қилган руҳ эса ақлдан ҳам яширин. Чунки у гайбдир, гайб олаmidандир. Аҳмаднинг ақли ҳеч кимдан яширин эмас эди, ҳамма унинг ақл ва камол соҳиби эканлигини билар эди. Аммо ваҳий руҳини ҳар жон ҳам англай олмади. Ваҳий руҳига муносиб нарсалар ҳам бор, лекин уларга ақл етмайди. Чунки у жуда юксак руҳдир. Ақл бу руҳнинг ишларига гоҳ телбалик дуб қарайди, гоҳ ҳайрат деб. Чунки уни англаш у бўлишга боғлиқдир.

- Улуглик захардир. Факат азалдан панзахарга эга бўлган рух буцдан мустасно.
- Сен танасиз тананинг эгасисан, ўзга жонининг танангдан чикишидан кўркма.
- Жонларнинг озиги ишқдир. Рухларники эса очлик. Акл асарни рух хисоблайди, аммо куёшнинг нури куёшнинг жисмидан айридир.
- Жон ҳикматга, билимларга, тан эса бокка, узумга майл кўрсатади. Жон юксалиш дардида бўлади, тан эса манфаатга, егуликка, ичимликка талшинади!
- Барча рухлар унинг ҳукмида, барча жасадлар унинг ихтиёридадир. Имонлилар озми-кўпми, имон биттадир, жисмлари кўп-у жонлари биттадир. Бу ҳайвоний жон, нон эса инсоний рухнинг қорни тўймайди, бу юк тортса, у азоб чекмайди! Ҳатто бу ҳайвоний рух унинг ўлмидан завкланади, хурсанд бўлади, инсоний рухнинг бирор нарсага эга бўлганини кўрса ҳасаддан ўлади! Бўрилар, итларнинг жони айри-айридир. Бир бўлган Аллоҳ арслонларининг жонларидир. Жонлари деб жамлаб айтдим, чунки у бир жонга нисбатан юзта бўлади.
- Ҳақларида “Ҳузуримиздадир” дейилганлар йўқ бўла олмайдилар. Диккат қил ва рухларнинг боқийлигини англаб ол! Боқийликдан маҳжуб бўлган рух азобдадир, Аллоҳга восил бўлган рух эса абалият оламида хижоблардан халос бўлган холдадир. Мана, бу ҳайвоний туйғу қандилидан мақсад нималигини сенга айтдим... ўзингга кел ва бу ҳайвоний туйғу билан рух орасида бирлик бор деб асло ўйлама. Тезда рухнингни йўловчиларнинг қутлуғ рухларига етказ. Юзта қандилинг бўлса, хоҳ ўчсин, хоҳ ёнсин, хар қайси айри-айридир ... битта бўла олмайдилар! Шунинг учун саҳобаларимиз мудом курашдалар... аммо пайгамбарларнинг бир-бири билан урушганларини ҳеч ким эшитмаган. Чунки пайгамбарларнинг нурлари куёшдир, туйғу нуримиз эса қандил, шам ва ис! Бирни ўчади, бошқаси тошгача қолади.

Ҳайвоний жон озик билан тирилади, ҳар яхши-ёмон билан ўлаверади. Лекин бу қандил ўчса, йўқ бўлса, қўшнининг уйи нега қоронгу бўлсин? Мадомики, у уйнинг нури бунисининг ёруғи бўлмаса ҳам турибди, шу ҳолда ҳар уйнинг туйғу нури алоҳидадир. Бу ҳайвоний жонга ўхшайди. Раббоний жонга эмас. Қора тунда ой чиқдимми, нури ҳар бир деразадан киради, ҳар бир томонни ойдишлатади. Бу юзлаб уйлардаги нурни битта деб ҳисобла... чунки ой ботса, бир уйдаги нур йўқолиб, бошқасиникидаги қолмайди.

- Мунаввар қуёш чикқач, нурлари ҳар уйга меҳмон бўлади. Жон қуёши ботганида барча уйлардаги нур ғойиб бўлади. Бу сўз нурга ўхшайди, аммо айниси эмас... сенга тўғри йўлни кўрсатади, душманни ҳам тўхтатади.

- Тан бу юксакликдан бенасиб... тан жон денгизи қаршисида қатра кабидир! Тан жон билан кун сайин ортади... аммо жон кетгач танга боқ, қай аҳволга тушади? Таннинг ҳадди бир-икки аршиндан ортик эмас... аммо жонники кўкларга қадар етади!

- Дарё суви бўлсагина дарёдир. Одам жони бўлганида одамдир. Булар инсон эмас; суратдан иборатдирлар. Булар нафс қурбонлари, буларни шаҳват ўлдирган.

- Ерда ҳам, кўкда ҳам инсон руҳидан пинҳонроқ нарса йўқ. Аллоҳ ҳўл-у куруқ, ҳар нарсани билдирди ва руҳни “У менинг Ишим (асарим)дир” деб муҳрлади, яширди. Олий зотнинг кўзи руҳни кўрдими, унга ҳеч бир нарса пинҳон бўлиб қолмайди.

## ЖОҲИЛЛИК

- Насронийларнинг жаҳолатини кўр-ки, чормих қилинган Аллоҳдан мадад кутадилар.

- Пайғамбар (с.а.в.): “Ақлнинг душманлиги жоҳилнинг меҳридан афзалдир” - дедилар.

- Тақлиддан иборат билим жонимизнинг заволидир, сунъийдир, вақтинчадир. Биз эса “У – бизнинг мулкимиз”

деб эмин-эркин бўламиз. Бундай оқилликдан жоҳиллик афзал, девоналик яхшироқдир!

- Сўз англамас жоҳилга бир нарсалар ўргатиш учун ўз тилингни тарк этишинг, унинг тилида гапиришинг керак. Фақат шу тарздагина сендан бирор нарса ўргана олади.

- Билимсизлигимиз, кўрлигимиз сабабли Аллоҳнинг азизларини ранжитишга касд қиламиз.

- Ҳазрат Мустафо, ўша муҳтарам Қутб, ўша подшоҳлар подшоҳи, ўша поклик денгизи бизга нақадар тўғри марҳамат қилганлар: “Жоҳил охирида кўрадиган нарсани оқиллар олдиндан кўрадилар”.

- Сен гўдаклигингдан буён сабабларни кўрасан, билимсизлигингдан сабабларга ёпишасан. Сабабларни кўрасан-у уларни яратгандан беҳабарсан...

- “Жоҳилман, менга ўргат”, - дейишинг, шундай инсоф эгаси бўлишинг номус ва шарафни кўзлашингдан яхшироқдир! Эй нур чеҳрали бола, “Роббимиз, биз нафсимизга зулм ўтказдик”, - дейишни Отангдан ўрган!

- Оқил дунёнинг гамини эмас, неъматини ейди. Билимсизлар эса надомат ичида ҳар нарсадан беҳабар қоладилар.

- Билимсиз одам маълум фурсат дилдош бўлса-да, сенга жоҳиллик юктиради. Ширинсўз жоҳилнинг сўзларига учма. Бу сўзлар йиллаб ётган эски захарга ўхшайди.

- Жоҳилнинг азиятларига сабр қилиш жилодир. Ҳар бир кўнгил сабр билан жилоланур.

- Билимсиз, кўр ҳолда юз йил юрса ҳам, унинг йўли йўл саналмайди.

## ЗИКР

- Ҳар мева ва япроқ куртак тили билан Аллоҳнинг шукрини қилади.

- Аллоҳни улуглаш қандай бўлади? Ўзингни, борлигингни хор тутиш, тупроқ билан тенг билиш орқали.



Аллоҳни бир деб билишни ўрганиш нима? Ўзингни ягона Аллоҳ олдида ёқиб, йўқ қилиш.

- Насиба тилаган йиллаб Аллоҳ дейди, аммо сомон учун “Қуръон” ташиган эшакка ўхшайди. Лабингдаги кўнглингдан яралса, кўнглингни ёритсайди, бадани зарра-зарра бўлар эди.

- Банданинг “Ё Раб” сўзига Аллоҳнинг “Лаббайка” жавоби келгандан кейин ҳам “Ё Раб” дейишда қандай тараддуд этар? Аммо бу “Лаббайка” шундай “Лаббайка”-ки, уни эшита олмайсан, балки бутун вужудинг билан ҳис қиласан.

- Улар мени эслаб тасбеҳ ўгирганлари билан мен пок, муқаддас бўлмайман. Бу тасбеҳ доналарини санаш билан ўзлари покланадилар.

- Ўзингга кел, ўзингга! Аллоҳни мақтасанг ҳам бу мақтовни чўпоннинг нолойиқ мақтови деб бил. Сенинг мақтовинг чўпонникига нисбатан яхшироқдир. Аммо Аллоҳга нисбатан унинг ҳам кадри йўқ. Токайгача “Мен Аллоҳга ҳамд ўқийман” дейсан? Парда кўтаришгач бўлди деб ҳисобланган қанча нарсаларнинг бўлмагани аён бўлади.

- Ҳазрат Юнус балиқ қорнида пишди. Юнус пайгамбар (а.с.) бу балодан тасбеҳ ўгириш (зикр) билан қутулди. Балиқ қорнида тасбеҳ айтмаса (зикр қилмаса) эди, ўша қамоқда, ўша зиндонда қиёматга қадар қолган бўлар эди. Юнус балиқдан Аллоҳ ёди билан халос бўлди.

- Аллоҳ номи покдир, поклик келдими, ифлослик лаш-лушларини кўтариб чекинади. Зидлар зидлардан қочади. Нур порладими – тун қолмайди. Тилга пок бир исм келгач, на гам-қадар қолади, на ёмонлик.

- Бир киши ҳар кеча “Аллоҳ” дер, бу зикрдан завқ олар эди. Шайтон: “Эй кўп гапирувчи, шунча “Аллоҳ” деганингга яраша унинг “Лаббайка” дегани қани? Аллоҳ салтанатидан бир жавоб йўқ. Уялмай, зерикмай токайгача “Аллоҳ” деб тура-сан?” - деди. Одамнинг кўнгли синди, бошини ерга қўйди, ётди. Тушида яшил либос кийган Ҳазрат Хизрни кўрди.

Ҳазрат Хизр: “Ўзингга кел, нега зикрни бас қилдинг, чакирган исмдан қандай зерикдинг, зикрингдан қандай пушаймон бўлдинг?” - деди. Одам жавоб ўрнида: “Лаббайка” деган овоз келмаяпти, даргоҳдан қувилишдан кўрқаяпман”, - дегач, Хизр: “Сенинг “Аллоҳ” дейишинг бизнинг “Лаббайка” дейишимиздир. Сенинг у ниятинг, дардга тушишинг, ёниб-куйишинг бизнинг хабарчи аскаримиздир. Сенинг хийлаларга ишонишинг, чоралар излашинг сени ўзимизга тортишимиздан, оёгингни кўйиб юбормаганимиздандир. Кўркув-хавотиринг эса лутфимиз камандидир, ишқинг ҳам. Ҳар “Ё Раббий” дейишингда бизнинг “Лаббай, афандим” дейишимиз яширин!” - деди.

- Яланғоч одам ари чақишидан қутулиш учун сувга сакрайди-ку, Аллоҳни ёд этиш шудир, у аёл, бу эркакнинг эсланиши эса ари! Аллоҳни ёд этиш сувига шўнғи, нафас олма, сабр қил ва эски тушунчалар, васвасалардан қутул!

- Фаришта қаби Аллоҳни зикр этишни ўзингга озик қил ва фаришталар қаби азобдан қутул.

- Аллоҳ аҳдига вафо қилсанг, Аллоҳ ҳам қарамидан сенинг аҳдингни саклайди. Сен эса Аллоҳга вафо қилишдан кўз юмгансан. “Мени эсланг-ки, сизни эслайин” оятини эшитмаганмисан?

- Шунчасини мен айтдим, қолганини сен ўйла. Фикринг қотиб қолган бўлса, ўйлай олмайсан, юр, зикр қил. Зикр фикрни титратади, ҳаракатга келтиради. Зикрни бу қотган фикрга офтоб қил.

## ЗУЛМ

- Золимлар зулми қоронғу қудуқдир, барча олимлар шундай дедилар: “Эй зулм билан қудуқ қазиган? Сен ўзингга тузоқ тайёрлаясан”.

- Зулм нима? Бир нарсени лойик бўлган жойга қўймаслик.

- Шукр қилки, мазлумсан, золим эмассан. Фиръавнликдан ва синалишдан озодсан.

## ИБОДАТ

- Ҳар кўнгилга сажда учун изи йўқ, ҳар ёлланганининг мукофоти раҳмат эмас. Бандаларга “Ибодат қилинг” деб буюрган бўлсам, бирор фойда, манфаатга эга бўлай” деб эмас, бандаларга эҳсон қилай, дедим.

- Пасткашлар жафога, дардга учрадиларми, покланадилар. Вафо кўрдиларми, жафокор бўладилар. Шу ҳолда улар ибодат қиладиган жой жаҳаннамдир, бегона қушнинг оёғини боғловчи тузоқдир. Зиндон ҳам ўғрилари, пасткаш кишиларнинг ибодат жойидир. Ўша ерда доимо Ҳақни эслаб турадилар. Мадомики, инсоннинг яратилишидан мақсад Аллоҳга ибодат қилиши эди. Шундай бўлгани ҳолда ибодатдан бош тортган, ибодатга яқинлашмаган кишининг ибодат қилар жойи жаҳаннамдир. Инсон ҳамма ишни қила олади, аммо унинг яратилишидаги мақсад ибодатдир. “Мен инсонларни, жинларни фақат менга ибодат қилсинлар деб яратдим” оятини ўқисанг-чи. Оламнинг яратилишидаги мақсад ичидаги билимдир, аммо истасанг, унинг ёстик бўлиши эмас, билим, фан, иршод ва фойдадир. Қилични михга айлантурсанг галабадан мағлубиятни афзал кўрган бўласан. Инсондан мақсад илмдир, тўғри йўлни топишдир, аммо ҳар инсоннинг бир ибодат (қиладиган) жойи бор.

- Карам соҳибига эҳсон кўрсатдингми, бу илтифот учун ибодат жойидир, шукр қилади. Пасткашни хўрладинг, ёмонлик қилдингми, ибодатга тутинади. Олчоқларнинг бошига урки, ерга бош қўйсинлар... карам соҳибларига берки, эҳсонингга сазовор бўлгач шукр қилсинлар! Хуллас, Аллоҳ икки масжид яратгандир: жаҳаннам – уларнинг масжиди, жаннат буларнинг! Ҳазрат Мусо шу бевурд қавм бошини эгсин деб Қуддусда пастгина эшик қилдирди. Чунки улар жаббор, мағрур одамлар эди. Уларга бу кичиккина, пастгина эшик ниёз эшигидир, жаҳаннамдир!

- Ҳазрат Сулаймон масжид кура бошлаганида жинлар-у инсонларнинг барчаси ишга киришди. Бир қисми истаб... бир қисми эса хоҳишсиз иш бошлади. Гўё бандаларнинг Аллоҳнинг ҳукмига бўйин эгганлари, ибодат қилганларидек!

- Бу намоз, рўза ва уруш ҳам ишонишга далилдир. Бу закот, ҳадя, ҳасадни тарк этиш эса ўз сиридан хабар беришдир.

- Ҳадя бериш, тўйдириш, меҳмонга таклиф қилиш “Эй улуғлар, биз сиз биланмиз, сизга тўғри кўнгиш билан ишондик” дейишдир. Совғалар, тақдим этилган нарсалар “Мен сен биланман, сени севаман”, - деб гувоҳлик беришдан иборатдир. Кимдир мол ё афеун учун ҳаракат қилса, банд бўлса, бу нимадир? “Ичимда гавҳарим бор” демакдир; Аллоҳдан чекинмаслигим ёхуд жўмардлигимдан бир гавҳарим борки, бу закот билан рўза иккисига ҳам шохиддир. Рўза дейди: “Бу ҳалолдан чекинди, билки, ҳаромга етишига энди имкон йўқ”. Закот дейдики: “Ўз молини ҳам бераяпти, энди ўзи билан бир динда, бир йўлда бўлганлар қандай тунайди?”. Аммо бу ишларни риё ва ёлгон билан қилса, у икки гувоҳ Аллоҳнинг адолат маҳкамасига қабул қилинмайди. Овчи дон сочади, аммо ачинганидан эмас, ов қилиш учун. Мушук ҳам рамазонда рўза тутади, аммо ўлжани овлаш учун ўзини ухлаганга солади. Шундай кинғирликдан юзлаб кавм ёмон ҳисобланган. Бу ёмон киши мардона рўза тутганларнинг номини ёмонга чиқарган.

## ИБРАТ ОЛИШ

- Аллоҳга шукрлар бўлсинки, бизни ҳалок бўлганлардан кейин дунёга келтирди. Ҳақнинг олдин келиб-кетган кавмларни қандай ҳалок қилганини билдик. Аллоҳнинг ҳақ пайгамбари, ўша сўзи тўғри пайгамбар бизга шу сабабдан

“Раҳм қилинган уммат” номини берди. Эй улуглар, у бўриларнинг суякларини, тоғларини кўринг ва бу ҳолдан ибрат олинг!

- Иблис йиллар давомида яхши ном билан тилга олинган ҳолда, қара, қандай расво бўлди, оти нима бўлди? Ишончинг қомил бўлмаса, танилишини ихтиёр этма. Юр, юзингни кўркув билан юв, кейин кўрсат. Азизим, соқолинг чикмаётган бўлса, бошқа соқолсизларни айблама. Шу ишни қара: шайтон балюларга тушди-ю сента ибрат бўлди. Сен балогога учраб унга ибрат бўлмадинг. У заҳарни ичди, сен шарбатини ич (ибрат ол!).

Энди сен ҳам Аллоҳнинг қарамини кўрки, биз охир замонга келдик. Замонларнинг охириси олдиниларидан устундир. Ҳадисда “Охирунас сабиқун” дейилади. Марҳамат соҳиб Аллоҳ Нух ва Ҳуд қавмларининг ҳалокатини бизга кўрсатди, бизнинг кўркишимиз, ибрат олишимиз учун уларга қаҳр қилди. Аксинча бўлганида ҳолимизга вой эди!

- Эй сайланган киши, қабристонга борда, уларнинг суякларидан бошидан кечирганларини сўра! У кўр сархушларни қара, рие қудугига боши билан қандай йиқилдилар, аниқ кўр!

- Олдин келганларнинг ҳолларига боқинг ёки кейин келганлар томон эҳтиёт бўлиб учинг!

- Ибрат олиш, уйғонишни Аллоҳдан сўра; китобдан, сўздан, ҳарфдан, нутқдан эмас!

- Бир ориф попдан сўради: “Сен кексароқмисан, соқолингми?”. Поп жавоб берди: “Мен ундан олдин тутилганман. Анча вақтим соқолсиз ўтган”. Ориф деди: “Соқолинг оқарибди, олдинги ҳолатини ўзгартирибди. Шундай бўлса-да, афеуски, ёмон феълингни ўзгармабди! У сендан кейин тутилса-да, сендан ўзибди. Сен эса нафс дардида қолиб кетгансан. Ҳамон тутилган пайтдаги тусингдасан. Ундан бир қадам ҳам узоклашмагансан. Ҳамон идишдаги ачиган айронсан. Ҳали катикнинг ёгини ажрата

олмагансан. Ҳали сопол кўзадаги ҳамирсан, умр бўйи кизиган тандирдасан, аммо ҳамон пишганинг йўк. Ҳавас ели бошингни айлантиради, аммо тепадаги ўтдек оёгинг тупроқда. Ҳазрат Мусо қавми каби чўлнинг кимсасиз бурчакларида, турган жойингда, нақд қирк йил қолиб кетгансан, эй аклсиз одам!”

## ИЛМ

- Билим Сулаймон мулкнинг мухридир, бутун олам жасаддир, илм жондир.

- Ҳазрат Одам Атога исмларини шахсан кўрсатди (Ҳазрат Одамни исмларига мушарраф этди), бошқа мавжудотларга исмлар Ҳазрат Одам орқали билдирилди.

- Юз минглаб тақлид ва мушоҳада аҳлини кичкинагина ваҳима ҳам шубҳага солади. Чунки тақлидлари ҳам, хулосалари, ҳатто бутун қўл-қанотлари ҳам тахминга асосланган. Пасткаш шайтон шубҳа пайдо қилади. Бу кўрлар лакка тушадилар.

- Кўнгил аҳлининг илмлари уларни ташийди. Тан аҳлининг илмлари эса ўзгаларга юқдир. Кўнгилга ўрнашган, одамни кўнгил аҳли қилган илм инсонга фойда келтиради. Фақат танга таъсир қилиб, инсонга нафи тегмаган илм юқдан иборатдир.

- Товус деҳқоннинг уйида яшамаганидек, ҳақиқат илми ҳам ҳар анойининг мулки бўла олмайди!

- Ит ҳам илм ўргангач тўғри йўлга киради, ўрмонларда ҳалол ҳайвонлар овлайди. Ит ҳам олим бўлгач жангда чапдастлашади, ит ҳам ориф бўлгач асҳоби қаҳф бўлади. Ит ҳам овчиларни танийди, билади. Ёраб, ҳамма нарсани билдирувчи бу нур нимадир? Кўрнинг таний олмаслиги кўзи юмуклигидан эмас, билимсизлик туфайли сармастлигидандир.

- Бу билимни эшитган киши ёқтирмаса, қабул қилмаса, фарёд чекса, бу тақлидий билимдир, ўрганиб

эгаллагандир (сохибига “юкмаган”, сингмаган). Чунки манфаат кўрилган-у қалб ёришмаган. Бу илм ҳам, толиби сингари ўткинчи дунё илмидир. Баъзи кишилар ҳавасга ёки одамлар кўзи учун илм ўрганишни истайдилар, бу оламдан нажот топиш учун эмас. Бундай одам сичқонга ўхшайди, ҳамма томонни тешади, аммо висол нурларидан бебахра. Саҳрога йўл топа олмагани сабабли бу зулмат қудуги унга хуш маскан. Аммо Аллоҳ унга ақл қанотини эҳсон этса, сичқонликдан қутулиб, қушдек қанот қоқади. Бундай илм жонсиздир, харидорларнинг юзига ошиқдир. Баҳс-тортишув пайтида бу илм улуғдек кўринади, аммо харидор бўлмагач, йўққа чиқади. Ҳолбуки менинг харидорим, талабгорим Аллоҳдир. Мени у юксакка кўтаради, сотиб олади. Менинг қонимнинг бадали улуғлик соҳиби Аллоҳнинг жамолидир. Мен ўз қонимнинг бадалини еяпман, бу менга ҳалолдир.

- Огдан кеч, сифатига қараки, сифатлар сени зотга етказсин. Кишилар ўртасида исмлар туфайли ихтилофлар келиб чиқади. Маънога етганларидан сўнг эса тинчланадилар.

- Кулол кўзани синдирса, истаган пайтида яна ясаши мумкин. Кўр ҳар қадамда қудуққа, чуқурга тушишдан кўрқади, минг бир хавотир билан йўл босади. Кўзи очик киши эса йўлни аён кўради, паст-баландни фарқлайди. Ҳар қадамда тиззалари қалтирамайди.

- Не-не олимлар ҳақиқий илмдан, ҳақиқий ирфондан бенасиблар. Бундай олим илмнинг ҳофизидир, ошиғи эмас.

- Дори дори ҳолида турганида таъсирсиздир. Аммо ейилгач, ичилгач ўзидан кечади-ю таъсир кўрсатади.

## ИНСОН

- Ҳазрат пайгамбар инсонларни фарқлаш хусусида: “Инсон сўзида ниҳондир”, – деди.

- Одамларнинг кўпчилиги одамхўрлардир. Уларнинг салом беришларига ишонма! Барчасининг кўнгли шайтон инидир. Инсон шайтонининг сўзига қулоқ тутма!

- Бошқаларни эмас, ўз ичингни бил! Бошқалар ким? Сенинг тупрок тананг. Сенинг ғамга, аламга кўмилишинг у туфайлидир.

- Инсон вужуди ўрмонга ўхшайди. Агар огоҳ бўлсанг, бу вужуддан чекин! Вужудимизда минглаб бўрилар, тўнғизлар..., яхши-ёмон, ҳалол-ҳаром минглаб сифатлар бор. Қайси атвор устун бўлса, шунинг ҳукми ҳукмдир. Маъдан таркибида олтин мисдан кўпроқ бўлса, олтин ҳисобланади. Вужудингда қайси табиат устун бўлса, шунга мослашишинг керак. Инсон баъзан бўри бўлса, баъзи лаҳзаларда Юсуфдек хушсурат бўлади. Кўнгилда ҳар лаҳза бошқа бир туйғу бош кўтаради... Инсон баъзан шайтонлашади, баъзан малакка айланади, баъзан тузук бўлади, баъзан йирткич ҳайвон!

- Инсон ёзда кишни истайди, аммо киш келиши билан ундан ҳам воз кечади, истамайди. Бирор ҳолатга қатъиян рози бўлмайди. На борлик, на йўқлик, на иссиқ, на совуқдан хушланади.

- Инсон тоққа ўхшайди, тоғ қандай алданади, қандай қилиб илонга мафтун бўлади? Шўрлик одам ўзини танимади, билмади, фазилат мақомидан нуқсон оламига кулади. Инсон ўзини арзон сотди. Шоҳи эди, ўзини хирқага ямоқ қилди!

- Нафс ва шайтон азалдан бир бўлганидан Одамга душман, унга ҳасад қилади. Одам Атони танадан иборат деб билган, унга сажда қилмаган эди. Аммо уни ишончга муяссар нур деб билганлар унга сажда қилдилар. Малак ва ақлнинг кўзлари одам Атони кўриб мунаввар бўлди. Шайтон ва нафснинг кўзлари эса Одам Атони тупрок сифатида кўрди.

- Мўминлар асалари сингари асал қони бўлдилар. кофирлар эса илон каби заҳарга қон! Чунки мўмин ҳалол нарсаларни ейди, тупуги ҳам асалари каби ҳаётбахш! Кофир эса йиринг шарбати ичади, оғзидан ҳам заҳар яралади!



Илоҳий марҳаматга ноил бўлганлар ҳаёт топадилар, ҳою-ҳавасларга банди бўлганлар ажал захрини ичадилар! Яхшилик қилганлар ўз ихтиёрлари билан эзгу ишлар қиладилар, шундай ҳаракатлари билан ўзларини ҳимоя қиладилар, шу сабабли мақталадилар, рағбатлантириладилар... Гумроҳлар зиндонда Аллоҳдан ҳайикадилар, зоҳид бўлиб, Аллоҳни эсга оладилар! Аммо кўп ўтмай иш касодга учрайди. Ўзингга кел, ажал сармояни қўлдан олмасин!

- Одамнинг сири дарахт илдизига ўхшайди. Япроқлар илдизлардан куч олиб, қуп-қуруқ танадан кўкариб чиқади. Япроқлар илдизларга монанддир. Дарахтда илдизлар бўлганидек, нафс ва ақл ҳам ўзаро алоқадордир. Вафо дарахтларида кўкка бўй чўзган шохлар бор, илдизлари ўз ўрнида, нурлари кўкда.

- Кўринишдан сен кичик бир оламсан, аммо аслида энг улкан олам сенсан. Сиртдан қараганда шох меванинг ўзидир, аммо аслида, шох мева учун яралгандир. Мева олиш нияти бўлмаганида боғбон дарахт экармиди? Шундай бўлгач, мева дарахтдан пайдо бўлгандек кўринса-да, аслида дарахт мевадан бино бўлгандир. Шунинг учун Ҳазрат Мустафо “Одам Ато ва барча пайгамбарлар менинг ҳимоямда ва байрогим остида келган, аммо энг олдинга чиққан ва пешқадам бўлганлардир”, - деди. “Кўринишдан мен Одам Атодан тугилдим, аммо, аслида, унинг отасиман мен! Малаклар менга сажда қилдилар. Одам Ато менинг ортимдан юрди, етти қават осмон устига чиқди. Аслида отам мендан тугилди: дарахт мевадан пайдо бўлди”.

- Инсон аввало нонга муҳтож, чунки озиқ ва нон жонга тиргакдир.

- Ҳайвон ўт билан семиради, инсон эса олижаноблик, шараф билан юксалади. Инсон қулоғи орқали, яъни эшита-эшита улғаяди.

## ИТОАТ

Ҳазрат Пайғамбар (с.а.в.) кофирлар билан жанг қилиш, бекорчи нарсаларни йўқ қилиш учун кўшин жўнатаётган эдилар. Ҳузайл, қабиласидан бир йигитни кўшинга бош қилиб тайинладилар. Аскарнинг асл зўри кўмондондир: кўмондонсиз қавм бошсиз танадир! Ишқирозинг, ҳалокатинг раҳбарни тарк этганингдандир. Ноқаслигинг, худбинлигинг туфайли уларга итоат қилишдан бўйин товлаб, ўзингни хўжайиндек ҳис қилаясан! Гўёки юқдан қочган ҳачир сингари... у ҳам бошини олиб тоғларга кетишни кўзлайди! Манманликни тарк эт, бош бўлиш дардидан қутул! Бир бош кидир, унга итоат эт, бош бўлишга уринма! Ҳазрат Пайғамбар Аллоҳ мададига ноил бўлган кўшинга ҳузайл қабиласидаги йигитни кўмондон этиб тайинлагач, бир ҳасадгўй чидай олмади, исён байроғини кўтарди. У шундай эътироз билдирди: “Йўқ, йўқ, эй Аллоҳнинг элчиси. Кўшинга ёши улуг бирор кишини кўмондон этиб тайинла! Эй Аллоҳнинг Расули, бу ёш йигит шернинг боласи бўлса, ҳам кўшинга ёши улуг киши бош бўлсин! Ўзинг айтганингдек: “Эргашиладиган киши пир бўлиши керак, пир!” Эй Аллоҳ элчиси, бу йигитга қара! Ундан ёши ҳам, тажрибаси ҳам катта бўлган қанча одамлар бор! Озиқсизлик озиғи – ҳар нарсадан воз кечиш орифлик нишонасидир. Олтиннинг сариғи, саррофнинг юзини қизартиради, юзига қон югуртиради. Гул юзли, сокол-мўйлови эндигина чиқа бошлаган бу йигит ҳали мактабда ўқиш-ёзишни ўрганаяпти. Ёзуви, ҳарфлари эгри-бугри; ўзи девкомат, аммо у ёш, ақли кам унинг! Кексанинг оёғи тез юрмаса-да, ақлининг икки қаноти бор, юксакларда учади! Исабот истасанг Жаъфарга қара! Аллоҳ унга кўл-оёқ ўрнига бир жуфт қанот берди!”. У ёғини кўяверинг, кўнглим изтиробга тўлди. Кўнглимизда гўзал сўзли, гўзал саели юзлаб сукут бармоғини лабига босиб: “Етар энди!” демоқда! Пайғамбар

ҳузурида одобсизларча совуқ сўзларни айтмоқда. Устун кишининг ҳукми ҳукмдир; халқнинг кўпчилиги ёмонлар, шу сабабли килични қароқчилар кўлидан олдилар. Ҳазрат Пайгамбар дедиларки: “Эй ишнинг сиртинигина кўрувчи, сен уни ёш ва тажрибасиз деб ўйлама. Қара, соқолли не-не кексалар, оқсоқолли қариялар борки, кўнгиллари мумдай қора. Мен уни кўп маротаба синадим... бу ёш йигит ишларда кексалик қилди”.

## ИХЛОС

- Боязид замонида бир кофир бор эди. Ҳурматли мусулмонлардан бири унга: “Мусулмон бўлиб, нажот топсанг, улуғликка эришсанг нима бўлади?” - деди. Кофир жавоб қайтарди: “Агар мусулмонлик олам шайхи Боязиднинг мусулмонлиги бўлса, динга, имонга ишонмайман. Унинг эътиқодига жуда ишонган эдим. Ишонаманки, у ҳаммадан улуғ, жуда латиф ва нузли. Оғзим маҳкам муҳрланган, имон келтира олмайман, аммо яширинча унинг имонига эргашаман. Агар сизнинг имонингиз имон бўлса, унга на майлим бор, на рағбатим. Имонга юзлаб майли бўлганлар сизни кўриши билан совуйди. Чунки сизнинг имонингизда одам биргина исмни кўради, маъноси йўқдир. Қандай қилиб чўлни “нажот макони” дейиш мумкин? Сизнинг имонингизга қараган кишининг имонга бўлган ихлоси пасаяди, совийди”.

- Бир муаззин бор эди, овози жуда хунук эди. Кофирлар юртида азон айтар эди. “Азон айтма, уруш чиқади, душманлик кучаяди” десалар ҳам ўжарлик қилди, азон айтишни давом эттираверди. Бир куни қарасалар, кофирлардан бири кўлида кийим билан чиқиб келаяпти. Дўстлар сингари кўлига шам ва ҳолва ҳам олган эди. “Айтинг-чи, муаззин қаерда? Унинг азони менга ором берди”, - деди. “Ё тавба, қанақасига? У бад овоз инсонга

ором бериши мумкин?”. Кофир деди-ки: “Менинг жуда гўзал, бебаҳо бир кизим бор, кўпдан буён мусулмон бўлишни истарди. Бу фикр миясидан чикмас эди ҳеч. Қанча одам насихат килди, нафи бўлмади. Имон туйғуси кўнглига шундай чуқур ўрнашган эди-ки, чорасиз эдим... У лаҳза сайин имонга интилар, мен дард-у азобда эдим. Муаззин азон айтгач кизим: “Бу хунук овоз нима? Қулогимга эшитилиши билан мени нохуш килди. Умрим бино бўлиб, на черковда, на ибодатхонада бундай ёкимсиз овозни эшитмагандим”, - деди. Синглиси: “Бу – азон, мусулмонларнинг даъвати, мўминларни ибодатга чакиради” деди. Қизим бу сўзларга ишонмади, бошқа кишидан сўради, у ҳам шундай дегач ишонди, юзи саргайди, мусулмонлик истагидан асар ҳам қолмади. Мен ҳам азобдан кутулдим, кеча тунда ором олиб ухладим. Унинг овози менга ором бағишлади. Шунинг учун унга ҳадя келтирдим, қани у”. Муаззинни кўргач: “Совғамни қабул қил, мени азобдан халос қилдинг. Менга шундай марҳамат кўрсатдингки, бир умрлик қулингга айландим. Моъ-дунёси беҳисоб киши бўлганимда оғзингни олтин билан тўлдирган бўлар эдим” - деди.

Сизнинг ишончингиз ҳам шундай ўткинчи, ёлгон. Ўша азон каби йўлдан қайтарувчи. Аммо Боязиднинг имонига, унинг тўғрилигига қойилман. Боязид имоннинг барча шартларини ўрилатди... Офарин бундай тенгсиз асрлонга! Унинг имонининг бир қатраси денгизга тушса, денгиз шу қатрага гарк бўлади. Бир зарра учқуни ўрмонларга тушса, барча ўрмонларни қуйдиради. Подшоҳнинг ёхуд лашкарнинг кўнглидаги ҳаёл каби. У ҳаёл ҳам ҳаёл, аммо жангда душманларни яқсон этади. Муҳаммаднинг юзида бир юлдуз порлади, кофирларнинг, яхудийлар ва найрангбозларнинг гавҳарлари йўқ бўлди. Имонга эришган нажот топди, имонга келмаганларнинг шубҳаси икки қатла ортди. Олдин келганларнинг холис қуфри қолмади ёки унинг ўрнини мусулмонлик ёхуд кўрқув эгаллади.

## ИШҚ

- Бу найнинг саси оташдир, ҳаво эмас; кимда бу оташ бўлмаса йўқ бўлсин!

- Бу ишқ туфайли кийими йиртилган ҳиредан, гуноҳдан фориг бўлди.

- Ҳар нарса маъшукдир, ишқ эса парда. Тирик маъшукдир, ошиқ эса – ўлик.

- Ошиқлик кўнгил ингрогидан маълум бўлади, ҳеч қандай касаллик қалб касаллигидек эмас. Ошиқнинг дарди барча дардлардан фарқлидир. Ишқ Аллоҳ сирларининг устурлобидир. Ишни шарҳлаш ва тушунтириш учун нима десам дейман-у ҳақиқий (асл) ишққа келганда у сўзлардан хижолат бўламан. Кўнгил тафсири жуда нурли, аммо тилга кўчмаган ишқ янада мунаввардир. Чунки қалам ёзишда югурик, аммо ишқ таърифига келганда ожиз қолади, ёрилади. Ишқ шарҳида ақл лойга тикилган эшакдай ётди-қолди. Ишқни, ошиқликни яна ишқ шарҳ этди.

- Ташқи гўзалликка боғлиқ ишқлар ишқ эмас. Улар нари борса ор бўлади.

- Илм ва ҳикмат ҳалол луқмадан ҳосил бўлади, ишқ ва марҳамат ҳам ҳалол ризқдан пайдо бўлади.

- Сенга фидо бўлай, чунки сени севаман. Севги инсонни кўр-у кар қилиб қўяди.

- Ўзи тасвирлаган нарсага, ўз ваҳмига ошиқ бўлган киши қандай қилиб неъмат ва эҳсон соҳиби – Аллоҳга ошиқ бўлсин?

- Ваҳмга ошиқ бўлган ҳақиқатгўй бўлса, мажозий севгиси уни ҳақиқатга бошлайди.

- Ошиқ, яхшилаб қидир, маъшуқинг ким?

- Севги туфайли аччиқ нарсалар ширин бўлади, мис олтинга айланади. Севги сабаб лойқа сувлар тиниқ тортади, дардларга дармон топилади. Севгидан ўлик тирилади, подшоҳлар қул бўлади.

- Ошиқ ва мафтун одамларнинг оёқ излари бошқаларнинг изларидан фарқ қилади, дарҳол маълум бўлади.

- Ишқ шариати барча динлардан фарқланади. Ошиқларнинг шариати ҳам, мазҳаби ҳам Аллоҳдир.

- Кўнгилда бир сабр бор эди, энди у ҳам қолмади. Сабрнинг ўрнини ишқ забот этди. Ишқим тугилган кечада сабрим ўлди. У ўлиб кетди, Аллоҳ сизларга умр берсин.

- Бир сўфи миҳга осилган дастурхонни кўриб қолди. Ўзини йўқотар даражада ҳаяжонланганидан айланишга, ўйнашга тушди, кийимларини йиртиб, “Мана озиқларнинг озиғи! Мана очарчиликнинг, дардларнинг давоси” - деб ҳайқирар эди. Бошидан тутун чиқиб, хурсандчилиги, завқи ортгандан-ортди. Бошқа сўфилар ҳам унга эргашдилар, само рақсини бошладилар. Қих-қих қилиб кулишни, ҳай-ё-ҳуйт қилишни давом этгирдилар. Неча марта лаб ўзларидан кетиб – ўзларига келдилар. Бир киши сўфига: “Миҳга осилган, ичида нон ҳам бўлмаган бўм-бўш дастурхон сени бунчалик хурсанд қилмасан?” - деди. Сўфи жавоб берди: “Бор жўна, сен маъносиз бир суратдан иборатсан, сен тирикчилик пайида бўл, ошиқ эмассан-ку. Ошиқнинг озуқаси нонсиз нонга ошиқ бўлишидир. Холис ошиқ моддиятга боғланмайди. Ошиқлар моддиятга аҳамият бермайдилар. Улар фойдани сармоясиз қўлга киритадилар.

- Бир гўзал ошиғидан сўради: “Мардим, ғарибликда кўплаб юртларни кездинг. Қайси шаҳар сенга кўпроқ ёқди?” Ошиқ: “Севгилим ўтирган шаҳар” деб жавоб берди.

- Ишқ даъвога ўхшайди, жафо чекиш эса шохидга. Шохиднинг бўлмаса, ютиб чиқолмайсан.

- Ошиқларнинг майл-муҳаббатлари ошиқларни заиф ҳолга келтиради. Маъшукларнинг меҳр-муҳаббатлари эса уларни гўзаллаштиради. Севишганларнинг муҳаббати уларнинг ёноқларини яширатади, ошиқларнинг ишқи уларнинг жонларини қуйдиради!

• Ҳақни фақат ҳақ учун севган, гаразлардан, мақсадлардан холи ошиқ қайда? Истаса ундай севсин, истаса бундай. Аллоҳни истар экан, уни Ҳаққа йўналтирган ҳам Ҳақдир.

• Деди: “Ошиқ маҳбубани астойдил излайди, у келиши билан ошиқ йўқ бўлади, ўзидан кетади! Сен – Ҳақнинг ошигисан. Аллоҳ деганлари шундайки, у келиши билан сенда қилдек ҳам ўзлик қолмайди. Унинг назари қаршисида сендайларнинг юзтаси фонийдир. Хожам, сен ўзингни йўқ қилишга ошиқ эмишсан! Сен кўланкасан, қуёшга ошиқсан. Шамс келди, соя, албатта, дарҳол йўқолар!

• Ошиқ икки оламга ҳам бегонадир, ишқда етмиш икки хил девоналик бор!

• Ошиқсан, сармастсан, кўнглинг очилган, Аллоҳ, Аллоҳ... сен сув устидаги туясан! Тил унинг сирлари ҳақида гапира бошладими, осмон: “Эй ҳақиқатини пинҳон тутувчи Аллоҳ” дея бошлайди. Ишқни пинҳон тутиш нима дегани? Оловни пахта ва жўн ичига яшириш! Яширишга қанча уринсанг, шу қадар ошқор бўлаверади! Мен уни яширишга уринишим билан у байроқдек бошини кўтаради, “Мана бу ердаман”, - дейди.

• Ҳақиқат шаробини ишқ қайнатиб-жўштиради. Тўғри сўзли, тўғри кўнгилли ошиққа соқийлик қилувчи ишқдир. Аллоҳнинг инояти билан ишққа восил бўлишни истасам, шароб жон шарбатидир, тан эса қадах! Ҳидоят шароби ортдими, шаробдаги қувват қадахни синдиради.

• Ишқ ҳаддан ошса барча гўзаллар кўзга хунук кўринади. Ишқ гайрати зумрадни инсон кўзига кўк пиёздек оддий қилиб кўрсатади.

• Кўпроқ зоҳид оёғи билан юришга ҳаракат қилади. Ошиқлар эса чакмоқдан ҳам, елдан ҳам тез учадилар!

• Ишқ шундай оловки, севиклисидан бошқа ҳамма нарсани куйдиради. Қувон, завққа тўл, эй иккиликни ёндириб-куйдирган шиддатли ишқ!

• Сен бир хўрланиб-хўрланмай ишқдан қочаяпсан. Ишқнинг номидан бошқа нимани биласан сен? Ишқнинг

юзлаб ноз-у адоси, улуглиги бор. Ишкка юзлаб ноз билан эришилади. Ишк содик бўлгани боис вафодорни сотиб олади. Бевафога кайрилиб ҳам карамайди.

- Ишк бўлмаганида борлик бўлармиди? Нон қандай қилиб танангдан жой оларди? Нон нега борликка кўшилди? Ишк ва истак сабаб. Ишк жонсиз нонни тирилтириб, фоний жонни боқий қилмоқда.

- Ишк Аллоҳнинг сифатидир. Кўркув эса шаҳватга берилган банданинг сифатидир. “Қуръон”да “Улар Аллоҳни севадилар” деган жумлани ўқидинг, бу “Аллоҳ ҳам уларни севади” жумласига баробардир. Шундай экан, ишк-муҳаббатни ҳам Аллоҳнинг сифати деб бил. Азизим, кўркув Аллоҳнинг сифати бўла олмайди. Аллоҳнинг сифатларини баён қила бошласам, юз киёмат кўпар-у чаласи қолар. Ишкнинг беш юзта қаноти бор. Ҳар қаноти аршдан ер остига қадар бутун қонлотни қоплайди.

- Ишк денгизни қайнатади. Ишк тоғни қумдек емиради, эритади. Ишк осмонни чакнатади, юзлаб ёриқлар, дарзлар очади. Ишк сабабсиз ер юзини титратади. Пок ишк Муҳаммадга йўлдош эди. Аллоҳ ишк сабаб унга: “Сен бўлмаганингда...” - деб марҳамат қилди.

- Сен ҳам ўша гайб ошиқларига ошиқ бўл, бу беш кунлик ошиқларга парво қилма.

- Ишк айрилик оламида суратлар чизар. Лекин инсон ҳақиқий ишкни топиши билан тасаввур ҳам қилинмаган, тасвирга ҳам синалмайди ҳақиқат майдонга келади. Ахмоқлар омилликларидан Мажнунга шундай дедилар: “Лайли жуда хурлико эмас. Шаҳримизда ундан гўзал юз минглаб юзлар бор”. Мажнуннинг жавоби шундай бўлди: “Сурат – қадах, гўзаллик – шароб, Аллоҳ менга унинг суратидан шароб ичирмоқда. Сизга эса шу қадахда сирка берди, шунинг учун унинг севгиси сизни роҳатсиз қилмоқда. Қадахни кўра оласиз, аммо у шароб тўғри бўлмаган кўзга кўринмайди. Кўнгил ўз аҳлидан ўзгага бокмайди, нишона бермайди”.



• Ишк денгиздир, осмон – шу денгизнинг кўприги. Ишк Юсуфга мубтало Зулайхо каби инсонни мафтун этади. Кўнгилнинг яйраши ишкдандир. Ишк бўлмаганида дунё тўхтаб қолган бўлар эди. Ишк бўлмаганида жонсиз бир нарса қандай қилиб ўсимликка айланар, унда маҳв бўлар эди: барқ уриб ўсган наботот ўзини жонлиларга қандай фидо қилган бўлар эди?

• Ошиқлар кучли селнинг олдига тушдилар. Улар ишк қисматига ризолар. Кеча-кундуз тегирмон тоши каби тинимсиз айланиб, инграйдилар, нола чекадилар.

• Тавба қуртга, ишк эса аждаҳога ўхшайди. Тавба инсонларнинг, ишк эса Аллоҳнинг сифатидир.

• Ошиқдан телбароқ кимса йўқ. Ақл унинг севгилиси олдида кўр-у қардир.

• Эй ишк мазҳабига кирган, юзингни ўзингга бур. Сенга мафтун бўлган сендан ўзга эмас.

• Ошиққа бир лаҳзалик айрилиқ бир йилдек туюлади. Бир йиллик висол эса хаёлдан иборатдир. Ишк ташнадир, ташнани излайди. Булар кеча ва кундуз каби бир-бирининг изига тушган. Кундуз кечага ошиқ, усиз туролмайди. Лекин қарасанг кўрасан-ки, кеча унга ундан зиёда ошиқдир.

• Жон нима-ки, унга суянасан? Аллоҳ ўз ишки билан сени тирилтиради. Ундан ишкнинг боқийлигини тила, жон тилама. Ўша ризкни сўра, нон сўрама.

• Ишк катталарга бол, кичикларга сурдир. У кемага ортилган, белгиланган огирликдан ортиқча бўлганлиги учун кеманинг чўкишига сабаб бўлган сўнгги юкдир.

• Ишк тирик, туйғуси ва ақли бўлган юзлаб тананинг хирқасига бадалдир.

• Барча беморлар шифо топишни умид қиладилар. Ишк билан хасталанган жон эса “Эй вох, дардимни зиёда қилинг” - деб бўзлайди.

## ЙИГЛАШ

• Булут кўз ёш тўкмаса, майсалар қандай кўкаради? Гўдак йигламаса, сут қандай оқади? Бир кунлик мурғак ҳам буни билади. “Йиглай-да, меҳрибон энагам келиб карасин” – дейди. Сен эса билмайсан, энагалар энагаси текинга сутни оз беради. Қулок сол. “Кўп йигланг” деди. Йигланг-у яратганининг эҳсон сути оқсин. Дунёнинг устуни булутининг йигиси-ю куёшнинг куйдиришидир. Сен шу икки ипни маҳкам тут. Куёшнинг ҳарорати ва булутнинг кўз ёши бўлмаганида тана ва унинг аъзолари қандай ривожланган бўлар эди? Шу ҳарорат ва йиғи бўлмаганда тўрт мавсум бўлармиди? Куёшнинг тафти ва олам булутининг кўз ёши дунёнинг оғзини лаззатлантиргани, жаҳонни кўркамлаштирганидек, сен ҳам ақл куёшини ишга сол, кўзингни йиглаган булут ҳолига келтир. Мурғак бола каби сенинг ҳам кўзларинг ёшли бўлсин.

• Бир киши муфтидан яширинча сўради: “Одам намозда фарёд килиб йигласа, намози қазо бўладими-йўкми? Намозда йиглаш жоизми?” Муфти шундай жавоб қайтарди: “Бу кўз ёши нима учун оқди? У нимани кўрди, нима учун йиглади? Даставвал шунга аҳамият бериш лозим. Ажабо, яширин нимани кўрди-ю кўз ёши чапмаси оқди? Агар ибодатдаги киши нариги дунёни кўрган бўлса, йигиси ва намози мақбул бўлади. Агар йиғига тандаги захмат сабаб бўлса, ип ҳам узилади, игна ҳам синади, (барчаси бекор бўлади)”.

• Юнус пайғамбар бошига бало келди. Осмондан оловли булут тушди. Чакмок чақиб, тошларни ёндирди. Момақалдирок овозидан одамлар саросимга тушдилар. Уларнинг ҳаммаси томда эди. Тунда осмондан бало ёғилди. Ҳамма пастга тушди. Текислик томон отланилди. Оналар болаларни ўзларидан ажратдилар. Барча оҳ-фарёд чекишга, йиглашга тушди. Бу кавм тонггача бошларига тупрок сочди. Наъра тортиб йиглади, ялиниб-ёлворди. Бу қайсар кавмга Аллоҳ раҳм қилди. Умидсизлик, сабрсиз оҳ-фарёдлардан

сўнг оловли булут секин-аста таркай бошлади. Йиглаб-сикташ, ялиниб-ёлворишдаги кадр-киммат, қудрат яна қаерда, нимада кул? Эй, умид, дарҳол оёкка тур, белниги маҳкам боғла, тур, эй, кўзлари ёшли, доимо кул. Чунки қодир Аллоҳ кўз ёшини шаҳидлар қони билан тенг тутди.

- У ҳам шунча давлати, шунча қудрати, шунча улугворлиги бўлса-да, Аллоҳ карамидан кўз ёши нелади. Энди мендек кўли бўш, коса яловчи бир банда қандай қилиб қоли ёшларини маржондек тизмасин? У шундай кўз билан кўз ёшига мафтун бўлса, менинг кўз ёшларим юзлаб дарёларни тўлдириши керак. Унинг бир томчи ёши менинг икки юз дарё кўз ёшимдан афзалроқдир. Чунки шу бир томчи билан инсонлар ҳам қутулди, жинлар ҳам. Шу жаннат боғи ҳам ёмғир истагач қуруқ ва кир тупроқ қандай истамасин? Агар нон бу кўз ёшига монелик қиладиган бўлса, ундан ҳам воз кечмоқ керак.

## ЙЎҚСИЛЛИК

- Халқнинг барча қурашлари яхшилик ва гўзаллик учундир. Аммо аёл саодат нишонаси йўқсилликдир.

- Эй йўқсил, бойга закот бер. Барча олтинлар, ипак матолар йўқликда, йўқсилликдадир.

- Усталарнинг устаси Аллоҳнинг дастгоҳи ҳам йўқликдир. Қаерда йўқлик кўп бўлса, шу жой Аллоҳ дастгоҳидир. Аллоҳ иши ўша ердадир. Йўқлик энг юқори даража бўлганидан йўқсиллар у ерга бордилар, мукофот олдилар. Тани-ю молини йўқотган дарवेश ҳаммадан илгаридир. Аммо гап тана йўқлигидадир, тиланчиликда эмас. Тиланчи моли тугаган кишидир; каноат эгаси эса танини фидо этгандир.

- Энди дарддан шикоят қилма. Чунки дард инсонни йўқликка бошловчи тулпордир.

## КИБР

- Биродар, сенга окиб турган ҳикмат Аллоҳнинг хос бандасидан сенга омонатдир. У ўзига бир нур кўрди, аммо бу нур подшоҳларнинг остонасидан тушгандир. Шукр кил, гурурланма, кибрланма, кулок сол ва асло ўзингни кўрма. Юз минглаб ох-ки, бу ҳолат умматларни умматликдан узоклаштирди. Дунё халки Бобур ўгли Балъамга; замоннинг Исосига мағлуб бўлганларидек, мағлуб ва забун бўлган эди. Ундан бошқа ҳеч кимга сажда этмас эдилар. Афсуни хасталарга шифо эди. Ўзини буюк санагани учун Мусо билан курашди. Ахволи эшитганингдек бўлди. Дунёда юз минглаб Иблис ва Балъам бор-ки, очик-пишхон шу ҳолга тушгандир.

- Тўфон дарахтларни илдири билан сугуриб ташласада, пастаккина ўтга раҳм қилади. Қудратли шамол унинг заифлигига ачинади. Кўнгли, энди сен қувватдан лоф урма. Болта дарахтларнинг, шохларнинг кўчилиги, калилигидан кўркадими? Ҳаммасини чопади, парчалайди. Аммо ўтга, майсага тегмайди.

- Сен қилган хизматингни унга лойиқ ҳисобладинг, байрогини у учун кўтардинг. Сенга уни эслашга, чакиришга изн бердилар, шунинг учун кўнглинг гурурга тўлди.

- Бир ўйинни кўрган ўйин учун шундай гурурландики, кибр туфайли устозларидан узоклашди. Самирийга ўхшаб... У ўзида бир ҳунар кўргач, хаволаниб Ҳазрат Мусодан юз ўгирди. Қолбуки у ҳунарни Ҳазрат Мусодан ўрганган эди. Шундай бўлгани ҳолда устози хизматидан кўз юмди. Натижада Ҳазрат Мусо бошқа бир ўйин қилди: унинг ўзини ҳам, ўйинини ҳам йўқ қилди! Бошда тўлиб-тошган қанча билимлар, қанча ҳунарлар бор-ки, уларни ўрганамаи дегунча бош кўддан кетади!

- Улуғлик заҳардир. Фақат азалдан панзаҳарга эга бўлган рух бундан мустасно. Миянга кибр ўрнашган,

шунинг учун ким сени ранжитса, уни азалий душман ҳисоблайсан.

- Фиръавнининг мақоми, раҳбарлик ва кўмондонлик бўлмаганида жаҳаннам қаердан бошланар эди?

- Оловнинг озиги теридир. Аллоҳнинг қаҳри кибрнинг пардасини йиртади, сидиради. Кибр терининг натижасидир. Кибрнинг мавқеи, моли шу севгилидан, теридан пайдо бўлади. Кибр нима? Ботиндан беҳабарлик. Музлаган сув қуёшдан беҳабар бўлганидек. Қуёшдан хабар топгач музи қолмайди, юмшайди, исиб, оқиб кетади. Ичми (ботинни) кўриш бутун танани хўрлаш, ошиқ бўлишдир. Чунки бундай ҳолатда бутун тана таъмадан иборат бўлади. “Таъма қилган пастлашар”, - дейдилар. Аммо ичми кўрмаган тери билан кифояланади. “Қаноат қилган юксалар” ҳикмати унга зиндон бўлар. Бу ерда юксалиш кофирликдир, пастлашиш-дин. Тош тошликдан кечмагунча узукка тақилладими? Ҳамон тошсан, аммо мен дейсан-у бойлик кутасан. Ҳолбуки сенинг камбағаллашишинг, йўқ бўлишингнинг айни пайтидир. Бу икки энага: мол ва мавқе терини шиширади, ёғ билан, гўшт билан, кибр ва манманлик билан тўлдиради. Мол илонга ўхшайди, мавқе эса аждарҳодир. Аллоҳ дўстларининг сояси бу иккисига зумраддир.

## КИН – АДОВАТ

- Ичингда писиб ётган нафс кибр ва адоват жиҳатидан барча душманларингдан баттардир.

- Тинчлик тўлқинлари кўнгиллардаги адоватни кеткизади. Уруш долғалари эса севгиларни остин-устун қилади. Севги аччиқни ширин қилади. Чунки севгиларнинг асли тўғри йўлга келтиришдир. Қаҳр эса ширинни аччиқ қилади. Аччиқ билан ширин бир жойда бўла оладими? Келиша оладими?

- Пирни танлаб, унга эргашдингми, сабрсиз бўлма, балчиқдек бўшашма, ялпайма, ҳар қандай кийинчиликдан жаҳлинг чиқса, адоват туйсанг жилоланмасдан қандай ойна бўласан?

- Мол-уруғ, уни қурғок ерга экма, қилични дуч келганининг қўлига тутқазма! Дин аҳлини кин аҳлидан фарқла! Ҳақ томон бўлгани изла, у билан ўтир!

- Тоза нарсалар покларга тегишли, кирлари ифлосларга... Ўзингга кел! Адоват туфайли йўлдан озганларга адоват сақлама. Чунки уларнинг қабрларини адоват сақлаганларнинг ёнидан казийдилар. Киннинг асли жаҳаннамдир. Сенинг кининг ўша кулнинг жузъидир, диннинг душмани.

- У одам фиръавнга ўхшайди, танаси Ҳазрат Мусога. Шундай бўлгани ҳолда ташқарида “Душман қаерда?” деб югурмоқда. Нафси тана уйида эътибор билан парваришланмоқда, ўзи бошқаларга адоват сақлаб, бармоқ тишлаётир.

- Яхшиликлар-у адоватлар яширин йўллар билан кўнгиллардан кўнгилларга ўтмоқда.

- Ким бўлса ҳам, хоҳ пиёда, хоҳ отлик бўлсин, йўловчилар билан учрашишни, уларнинг ҳолини сўрашни зарур деб бил. У одам душман бўлса ҳам эҳсон қилган яхшидир. Чунки эҳсон туфайли душман дўстга айланади. Дўст бўлмаса ҳам, ҳеч бўлмаса, адовати камаяди. Чунки эҳсон адоватнинг малҳамидир.

- Лаънат шайтоннинг кўзини боғлади, шунинг учун хийлани Одам Атога зиён санади. Лаънат деганлари инсонни ана шундай терс фикрлайдиган қилиб қўяди. Ҳасадгўй ўзини тенгсиз ҳисоблайди, адоваткорга айланади.

- Кибр ва кин шахватдандир. Шахватнинг кучайиши феъл-атвор ва одат туфайлидир. Ёмон одат кучайиб боради. Ундан воз кечишни маслаҳат берганлар жаҳлингни чиқаради.

- Бу ёмон киши бошқага наф келтирди, аммо ўзи қувғин бўлди. Имондан келган марҳамат ундан олинди. Шайтоннинг сифати бўлган адоват унга ёпишди! Ғазаб ва адоват дастгоҳи бўлди... Билки, адоват йўлдан озишнинг, кофирликнинг тамалидир!

- Аллоҳ йўлида халққа хайр қил ёки ўз жонинг учун ҳаммага яхшилик қил-у доимо кўзингга дўст кўринсин... кўнглингга адоват туфайли ёмон ўйлар келмасин! Аммо кимгадир душманлик қилдингми, ундан узоқлаш... қадрдон дўстинг билан кўриш, у билан маслаҳатлаш!

- Эй малъун, сенинг душманинг ўзингдан бошқа ҳеч ким эмас, адоватга берилиб, беғуноҳларга душман бўлма.

- Дўстинг сенга душманлик қилса, ҳасади, адоватини ошкор қилса, сендан юз ўгиргани учун фарёд чекма. Ўзингни аҳмоқ ва онгсиз ҳолга туширма. Аллоҳга шукр қил, йўксилларга нон бер...

- Туғишганлари кўнглида адоват борлиги учун Юсуфнинг қудук тубида қолгани яхши.

## КЎНГИЛ

- Кўнгил қатрасига бир инжу тушди, бундай инжу денгизлар-у фалакларга ҳам берилмагандир. Кўзнинг нурининг нури ҳам кўнгил нуридир. Кўз нури кўнгилларнинг нуридан яралади. Кўнгил нурининг нури эса ақл ва туйғу нуридан бўлмаган, улардан айри бўлган Аллоҳ нуридир.

- Кимнинг қалбида эшик очилса, кўнгил осмонида юзлаб қуёшларни кўради.

- Эй гофил! Сен нафс қулисан, тунроқ ичида қон еб тургин! Аммо кўнгилга соҳиб бўлган киши заҳар еса ҳам, ўша заҳар асал бўлади.

- Кўнгилга соҳиб бўлган киши ўлдириши тайин бўлган заҳар еса ҳам зиён кўрмайди. Чунки у соғайган, парҳездан қутулгандир.

- Шу ҳолда, эй кўнгил! Нашъа ва сафони жафо ва балодан фарқласанг, шубҳага тушган бўласан. Эй ошиқ! Ошиқларнинг ҳаёти ўлим эвазигадир. Кўнгилни кўнгил беришдан бошқа йўл билан забт эта олмайсан.

- Ҳар фикрнинг, ҳар саснинг оҳанграбоси кўнгилдир. Илҳом, ваҳий ва сир лаззати ҳам ўша кўнгилдан иборатдир.

- Ҳазрат пайгамбар: “Аллоҳ: “Мен ер-у кўкка ҳам, ҳатто аршга ҳам сизмайман. Буни, эй азиз, яхшилаб билиб ол. Таажжублисн шунда-ки, имонли кишининг қалбига сизгаман. Мени изласанг, имонли кўнгиллардан изла” деб буюрди” деди.

- Кўнгил қай томонга ишора қилса, 5 сезги ҳам этагини йиғиштириб, ўша томонга кетади.

- Ҳазрат Мусонинг кўлидаги асо соҳибига қандай тобе бўлса, оёқ ҳам кўнгилнинг амрига шундай мутедир.

- Кўнгил тиласа, бармоқлари билан ҳисобга киришадн ёхуд китоб ёзади.

- Ҳар истак, ҳар зарра бир деразадир, аммо кўр кўнгил негандир “Шу ерда эшик бор” дейди. Назоратчи бир эшик очмагунча кўнгилга у ерда эшик бўлиши эҳтимоли ҳам келмайди. Аммо бир эшик очилдими, шошиб қолади. Таъма умидининг қуши учиб кетади.

- Кўнгил ойнаси соф ва пок бир ҳолга келгач, гайриодатий сураглар кўрасан. Накшни ҳам ўйлайсан, наққошни ҳам. Давлат поёндозини ҳам, уни тўшаганини ҳам.

- Кўзингни юмдингми, ғамга, қайғуга тушасан. Кўзинг нури кундузнинг нуридан айриллолмайди. Сенинг ғам-ғуссанг кундузнинг нурига қовушишни истаган кўз нурининг жозибасидандир. Кўзинг очиклигида ҳам ғам чексанг, билки, кўнгил кўзини юмгансан, уни оч! Билиб қўй, сиқилиш ва азоб кўнглингнинг иккала кўзи ҳам юмуклигидандир. Кўнгил кўзи таърифга сизмас даражада зиёга мухтождир.



- Эгри оёқ кийими эгри оёққа мос бўлганидек, шайтоннинг афеун ва афсонаси ҳам тўғри бўлмаган кўнгилларга мосдир.

- Кўнгилга келган биргина фикр сабабли юзлаб салтанатлар бир онда қулайди.

- Кўнгил ойнаси тоза бўлиши керак, токи унда хуш суратни зиддидан фарқлай олинлар.

- Бу ерда молнинг фойдаси йўқ. Ишқ, дард, тутун билан тўлган кўнгил керак.

- Барчанинг саждагоҳи бўлган авлиёларнинг кўнгил масжидларида Аллоҳ бордир. Аллоҳ валийсининг кўнгил дардга тушмагунча Аллоҳ ҳеч бир миллатни шарманда қилмаган.

- Кўнгил хасталарининг дардларини тинглаб, олий жоннинг эҳтиёжини англасанг, бу бир закотдир. Дардди одамнинг тараддуд ва тутун билан тўлган кўнгил уйи бордир. Дардини эшитсанг, шу уйга бир дераза очган бўласан.

- Сутнинг, асалнинг гўзаллиги кўнгилнинг уларга акси нағижасида ҳосил бўлади. Ҳар гўзалнинг гўзаллиги кўнгилдандир. Шу ҳолда кўнгил жавҳардир, олам – жилоси. Кўнгилнинг кўланкаси қандай қилиб кўнгилга мақсад бўлсин? Молга, мавкега ошиқ бўлган кўнгил ё шу тупроққа тобе ёхуд қора сувга! У нур денгизидан бошқаси кўнгил бўлмайди. Кўнгил ҳам Аллоҳнинг назаргоҳи бўлсин, ҳам кўр... Бунинг имкони борми?

- Пайғамбарлар дедиларки: “Кўнгилдаги иллат сабабли инсон тўғрини англамайди, янглишади. Шунинг учун неъматлар, аксарият ҳолларда иллат бўлади. Хасталик билан ейилган таом инсонга куч бағишлайдими? Бундай кайфиятда кўнгилни яйратувчи озуқа ҳам сенинг вужудингда нохуш бўй таратади”.

- Кўнгилдан кўнгилга дарча борлиги аниқ. Икки кўнгил икки вужуд каби бир-биридан айри ва узок қола олмайди. Икки қандилнинг ёғ қуйилган идишлари битта

эмас, аммо шуълалари коришик, биттадир. Бу кўнгилда севги чакмоғи чакдими, билки, у кўнгилда ҳам муҳаббат бордир. Кўнглингда Аллоҳ севгиси ортдими, шубҳа йўкки, Аллоҳ сени севади. Якка кўлдан сас чикмас. Яна бир кўл бўлмагунча, икки кўлинг бир-бирига урилмагунча на сас чиқар, на садо.

- Кўзада нима борки, нахрда бўлмасин... уйда нима борки, шаҳарда бўлмасин! Бу олам кўзадир. Кўнгил эса дарё сувига ўхшайди. Бу олам хонадир, кўнгил эса қурилмаган ва ҳайратомуз нарсалар билан тўла шаҳар!

- Тан меъдаси инсонни сомонхонага етаклатди. Кўнгил меъдаси эса гулзорга.

- Кўнгил нури бўлмаган кўнгил кўнгил эмас. Танада рух бўлмаса, у тупроқдан иборатдир.

- Кўнгил маҳбубдан мастдир. Йўлнинг узок-якинлигидан нима хабари бор? Йўлнинг яқин-узоклиги танинг васфларидир. Рухларнинг юриши ўзгача юришдир.

- Икки оламда ҳам Аллоҳнинг қарайдиган жойи кўнгилдир. Подшоҳ доим кўнгилга қарайди.

- Аллоҳ демишки: “Мен кўкларга, бўшлиқларга, юксак ақлар-у нафсларга сиғмадим, меҳмондек бориб, мўминнинг кўнглида қайфиятсиз, моҳияти тушунарсиз бўлган бир шаклда макон тутдим, ўша ерда меҳмон бўлдим”.

- Тупроқда унган гуллар маҳв бўлди. Кўнгилда унган гуллар доимийдир, накадар хушдир!

## ҚИЁМАТ

- Ҳадисда келтирилишича, қиёмат куни ҳар танага “Тур!” деган буйруқ берилади. Сурнинг чалиниши пок Аллоҳнинг “Эй зарралар, ердан бош кўтаринг!” деб буюришидир. Ҳар бир кишининг жони эрталаб турганимизда аклимиз бошимизга қандай келса, худди шундай ўз танасига киради. Жон қиёмат куни ўз танасини танийди, хазина каби

Ўзига тегишли вайрона ерга киради. Ҳар жон ўз баданини танийди, шу баданга киради. Заргарнинг жони тикувчининг танига қандай киради? Олимнинг жони олимнинг танасига, золимнинг жони золимнинг танасига.

- Оёқ коронгуликда ҳам оёқ кийимини танийди-ю жон танасини қандай танимасин? Эй Аллоҳга топинувчи, тонг кичик қиёматдир. Катта маҳшар ҳам бор, уларни қиёс эт. Жон тупроққа учганидек, амал дафтари ҳам ўйига, чапга учади.

- Кеча қилинган яхши-ёмон ишларнинг сарҳисоби ёзилган нокаслик ва жўмардлик дафтарини инсоннинг кафтига кўядилар.

- Сахар чоғи уйқудан уйғондимиз, яхшилик ва ёмонликка дуч келади. Нафсини тарбиялаган бўлса, уйғонганида ёнига у келади.

- Кеча хомлик қилиб, ёмон ишлар қилган, йўлдан озган бўлса, чап томондан берилган дафтари мотам мактубига айланади. Кеча ёмонликдан ҳазар қилиб, покиза имон билан яшаган бўлса, қимматбаҳо дурни кўлга киритади. Бизнинг уйқумиз ва уйғонишимиз ўлим билан маҳшарга икки гувоҳдир. Кичик қиёмат катта қиёматни кўрсатади, кичкина ўлим катта ўлимни эслатади. Аммо бу дафтар хаёлийдир, пинҳондир. Қиёматда бу дафтар пайдо бўлади. Бу хаёл бу ерда яшириндир, асари кўринади. У ерда эса бу хаёл суратларга бурканади. Муҳандисга қара, ерга уруғ эккандек, кўнглига уй қуриш хаёлини кўяди. У хаёл ташқарида зоҳир бўлади, гўёки ердан уруғ унғандек. Кўнгилини макон тутган ҳар хаёл маҳшар кунда бир шаклга киради. Муҳандис кўнглидаги хаёлни уруғ ундиришга кодир жойга экилган, ўша ерда ўсган маҳсул деб бил.

- Қиёмат кунининг қуёши чиқдими, чиройли-хунук ҳар нарса дарҳол туради. Ҳамма қазо ва қадар девонига чопади, ҳақиқий пул ҳам, қалбаки пул ҳам ичида маъдан эритилган идишга киради. Ҳақиқий пул хурсанд бўлиб,

нозлана-нозлана: қалбаки пул эса куйиб-эриб. Ҳар лахзада бир синов, танада кўнгил сирлари бўй кўрсатмоқда. Қандил сув ва ёғ билан кўришиб, ёришиб тургани: тупрок маҳсулотлари билан сирларини ошкор қилгани каби. Баҳорнинг кўли пиёзни, заъфаронни чиқаргани, кишининг сирини фош қилгани каби.

• Бири “Биз Аллоҳдан чекинганлармиз” деб ям-яшил, бошқаси бинафша каби боши эгик. Таҳликага учраш даҳшати кўнгилларга ўрнашган. шунинг учун булоқлар қайнаб, ўнта дарё бўлаяпти. Кўзлар дафтарлар чап томондан келмасин деб очилган, кутиб турибди! Амал дафтарининг ўнгдан келиши осон эмас. Шунинг учун кўзлар ўнг-у сўлга қарайди. Бир банданинг кўлига коп-қора, гуноҳларга тўла дафтар берилади. Дафтарда бирорта хайрли иш йўқ. Фақат яхшиларнинг кўнглини ранжитиш бор. Дафтар бошидан-охиригача ёмонлик, гуноҳ, хидоят аҳлига қилинган мазахлар, калакалар билан тўла. Ҳийлалари, ўғриликлари, фиръавнлар каби “мен”, “биз” дейишлари дафтарни тўлдирган. У ёмон амалли банда дафтарини кўриши билан англайдик, зиндондан бошқа жой йўқ. Гуноҳ аён кўришиб турибди, узр йўли тўсилган. Энди ўғрилардек дор томон юра бошлайди. Минглаб далиллар, минглаб қабих сўзлар қирланган миҳдек оғзини ёпади. Уйдан, ёнидан ўғирланган моллари чиқади, эртақлари ҳам ўтмай қолади. Жаҳаннам зиндони томон йўл олади. Чунки оловдан қутулишнинг имкони йўқ. Малаклар маъмурлар каби олди-оргини эгаллайдилар. Олдин яширин эдилар, энди сокчилардек пайдо бўладилар. Уни найзалари билан турткилаб, “Юр эй ит, сомонхонангга кир”, - дейдилар. У оёгини тирайди, “Балки у чоҳдан қутуларман” деб умид қилади. Жимгина кутиб туради, умид билан ортга термулади. Куз ёмғирлари мисол кўз ёшлари тўкилади, умиди сўнади. Кўлидан нима ҳам келарди? Ҳар лахза юзини ортга буради. Аллоҳнинг муқаддас маъбудига юзланади. Шу пайт Аллоҳдан садо

келади: “Эй нур ўлкасининг малаклари, унга “энг яхши феъллардан маҳрум дангаса” денглар”. “Эй ёмонликнинг кони, нимани кутаяпсан? Нега ҳайрон бўлиб, ортга термуласан? Мана дафтаринг кўлингда-ку, Аллоҳни ранжитган, шайтонга сизинган! Қилган ишларинг ёзилган дафтарни кўрдинг-ку. Нега қараб турибсан, энди қилганларингнинг жазосини ол. Бехудага эмаклаб юрибсан? Бундай чоҳда ёруглик умиди қайда? На кўринишда ибодатинг бор, на ичингда яширин эзгу ниятинг. На тунлари муножот қилдинг, намоз ўқидинг, на ҳаромдан ҳазар қилдинг, рўза тутдинг! На одамларни ранжитмаслик учун тилингни тийдинг, на ибрат олиш учун олд-орқангга қарадинг. Олдинда ўлим ҳақидаги ўй билан жон талашидан, ортда дўстларингнинг ўлимидан бўлак нима бор? Тарозинг эгри эди, нотўгри эди. Мукофот тарозисининг тўгри бўлишини нега умид қилаяпсан? Хиёнатда, кам тортишда гўё сўл оёқ эдинг, қандай қилиб тарозинг ўнг томондан келсин?”. Аллоҳдан шундай катъий хитоблар келади. Бу сўзларни тоғ эшитса, эриб кетарди. Банда дейди: “Ё Раббий, айтганингдан юз марта ёмонман, юз маротаба ёмон, юз ҳисса ёмон. Сен ёмонликларимни биласан. Яхши-ёмон ишларимни, куфримни, хатти-ҳаракатларимни, ожизлик билан сенга ёлворишимни, менинг, мен каби юзлаб бандаларнинг хаёлини бир четга қўяйлик. Фақат сенинг лутфингга умид боғладим. Менинг тўгри бўлишим ёхуд қайсарлигим ҳам бир ёқда турсин. Эй беғараз қарам соҳиби, холис лутфингга, эҳсонингга умид боғлаган эдим. Шунинг учун ўз ишларимга қарамаяпман, ортга ўгирилиб, сенинг беғараз қарамингга қараяпман”.

Банда ўз гуноҳи-ю эҳсонини санагач, Аллоҳнинг эҳсони ва афви етиб келади. Дейди: “Эй малаклар, уни яна мен томон юборинг, чунки кўнгли илтимос, узр ва илтижога. Мен уни озод қилай, хатоларини ўчирай. Бирор нарсага бефарво бўлиш бировнинг яхшилиги ёки

ёмонлигидан ўзига зиён келмаган кишига мубоҳдир. Карамимиз оловини ёкайлик, унинг ҳеч бир гуноҳи қолмасин. Инсонлар бор жойда олов ёкайлик, тиканни рухий гулзорга айлантирайлик”.

- Тупроқлар ларзага келадиган қиёмат кунида ер юзи инсонларнинг ахволига шохид бўлади. Яширганларини ошқор қилади. Ер юзи ва тиканлар тилга киради.

- Пайгамбар: «Қиёмат куни гуноҳкорларни инграган, йиғлаган ҳолида қандай ташлаб кетамиз? Ўша куни мен жон-жаҳдим билан уларнинг гуноҳларини афв эттираман, уларга шафоат қилиб, азоб-укубатлардан халос қиламан. Айбдорларни, гуноҳи қатта бўлганларни Аллоҳнинг қаҳридан қутқаришга ҳаракат қиламан. Умматларимнинг яхшилари нажот топадилар, менинг шафоатимга муҳтож бўлмайдилар. ҳагтоки, улар ҳам гуноҳкорларга шафоат тилайдилар, уларнинг ҳам сўзлари ўтади. ҳеч ким ўзганинг гуноҳини олмайди, уларнинг гуноҳларини оладиган, уларни енгиллатадиган Аллоҳдир, мен эмас” - дедилар.

- Бир тўда одамлар «Қибла қаерда?» деб изландилар, ҳаёлга берилиб, турли томонларга йўналадилар. Тонг отиб, Каъба юз кўрсатгач кимнинг йўлдан адашгани аён бўлади. Ғаввослар каби ҳаммаси денгизга шўнғийди, денгиз тубида қўлига нима илинса, шоша-пиша тўплайди. Улар қимматбаҳо дур илинжида тўрваларини ул-бул билан тўлдирадилар. Улкан денгиз қаъридан чиққанларидан сўнг қимматбаҳо, сара дур қимдалиги аниқ бўлади. Қайсидир Ғаввоснинг ўртача, бошқа бирининг майда дур тошганлиги маълум бўлади. Уларни уйқудан уйготувчи, қаҳр қилувчи, ёмонликларни фош қилувчи қиёмат ҳам шунга ўхшайди. Одамлар бир шам атрофида парвонадек айланадилар. Ўзларини оловга урадилар, аммо аслида ўз шамлари атрофида айланадилар. Оловидан дарахт янада яшнаган омадли Ҳазрат Мусонинг оловини умид қиладилар. Ҳар тўда ўша оловнинг эҳсонини ҳис қилди, ҳар бир киши

учқунни ўша олов хаёл қилди. Аммо сахар чоғи абадият нури оламни ёритгач, ҳар бири атрофида айланган нурнинг қандай шам эканлигини кўради. Кимки ўша зафар шами билан қанотини куйдирган бўлса, унга саксонта қанот ҳадя этади. Шундай парвоналар борки, кўзларини чирт юмиб, ёмон шамга ўзларини урадияр, қанотларини куйдириб, қулайдилар. Кўзларининг ёпиқлигидан, кўр-кўрона шу аҳволга тушганларидан оҳ чекадилар.

## ҚИЗҒАНЧИҚЛИК

- Аллоҳнинг ғайрати бугдойга ўхшайди, хирмондаги сомон эса инсонларнинг қизғанчиқлигидир. Қизғанчиқликнинг асли ҳақдандир. Одамларнинг қизғанчиқликлари, шубҳасиз, Аллоҳнинг қизғанчиқлигининг нуридир.

## ҚУДРАТ

- Дунё сенинг қаршингда ҳайбатли ва бепоён бўлсада, қудрат қаршисида зарра ҳам эмас.

- Фиръавннинг юз минглаб найзаларини Мусонинг биргина ҳассаси билан синдирди. Юз минглаб Жолинуслининг юз минглаб ҳақимлик хунарлари бор эди. Исонинг ва нафасининг қаршисида бекор бўлди. Юз минглаб шеър дафтарлари бор эди, биргина Уммининг китоби қаршисида номус ва ор қилгулик ҳолга келди.

- Денгиз суви доимо фармон остидир; ё Раббий сув ҳам сеники, олов ҳам. Сен истасанг олов сувга айланади, истамасанг, сув ҳам олов бўлади. Бизнинг шу ниятимизни ҳам сен кўнгилга солдинг. Зулмдан қутулишимиз сенинг эҳсонингдир. Сен бизга бу истакни биз сўрамасимиздан бердинг, ҳадсиз-ҳисобсиз эҳсонлар қилдинг. Яхшиликлар Ҳақдан келади, аҳволнинг ўзгариши ҳам ундандир. Ҳақ бу қудрати, кучини тафаккур аҳлига кўрсатмоқда.

- Аллоҳ авлиёларга шундай қудрат ато этганки, отилган ўкни ортга қайтара оладилар. Шаҳар-кишлоқларнинг соҳиби жисмларнинг шоҳидир. Кўнгил эгаси эса қалбларимизнинг султонидир.

- Ҳавога тарқалган ёки ерга тўкилган қатра сенинг қудрат хазинангдан қандай қоча олади? Қоча олмаса ёхуд йўқликнинг юз қават тубига кирса ҳам сен уни чақиргач бошини оёқ қилиб югуради. Юз минглаб зидлик зиддини маҳв этади, кейинчалик сенинг фармонинг уларни яна борлик оламига келтиради.

- Йўқликларга камол бериб, уларга эриштириш қудратига фақат сен эгасан. Чунки сенга йўқлик ва эҳтиёж йўқдир; йўқни бор қилган, уларни муҳтожликдан қутқарган сенсан. Аллоҳдан бошқа ҳар нарса ботилдир. Аллоҳнинг эҳсони тинимсиз ёғувчи булутдир.

- Аллоҳ гўзалликдан, камолдан, жилвадан қай бирини истаса, шуни кўзга кўрсатади: ёқимли овоз, хушхабарлар, жўшқин, пурмаъно сўзлардан қайсини истаса қулоққа шуни эшиттиради.

- Абобил қушларида Аллоҳнинг қуввати бор эди. Акс ҳолда ожизгина қуш қандай қилиб филни енгиши мумкин эди? Улкан қўшинни бир неча қуш тор-мор келтирди. Бу Аллоҳнинг қудрати эканини англа. Агар бундан шубҳалансанг, бор, “Асҳоби фил” сурасини ўқи.

- Сенинг қувватинг Аллоҳ қувватидан сизиб чиқаётир, уриб турган томирларингдан эмас. Мунаввар қуёш пилик, пахта ёки ёғ туфайли нур сочмайди-ку. Шундай улкан осмон куббасининг на ипи бор, на устунни. Жаброилнинг қуввати ошхонадан эмас, борлиги яратганнинг жамолидир.

- Ҳар бир киши бошқа бир кишига бир лукма егулик бериши мумкин, аммо насиба улашиш фақат Аллоҳнинг ишидир. Аллоҳ жисмга ҳам озик беради, руҳга ҳам. Ҳар аъзога алоҳида озик беради.



- Чўпон ухладими, бўри эмин-эркин бўлади. Чўпон ухлаши билан эътибор йўқолади. Аммо ҳайвонга Аллоҳ чўпонлик қилса, бўри у ерга қандай йўл топади, кўйни қандай олиб қочади? Аллоҳнинг сеҳри ҳақдир, ўринлидир. Бу сеҳрни сеҳргарлик дейиш хатодир. Аллоҳ чўпонлик қилса, бўри у ерга қандай йўл топади, кўйни қандай олиб қочади? Аллоҳнинг сеҳри ҳақдир, ўринлидир. Бу сеҳрни сеҳргарлик дейиш хатодир. Аллоҳ Ҳазрат Мустафога лутф этди: “Сен ўласанг ҳам бу дин, бу имон ўлмайди. Сенинг китобингни, мўъжизангни мен азиз қиламан. “Қуръон”даги бирор нарсани камайтиришга ёки унга бирор нарса қўшишга ҳаракат қилган кишига мен қаршиман. Мен сени икки дунёда ҳам ҳимоя қиламан. Сўзингни мазах қилганларни хор-ҳақир ҳолга соламан”.

- “Қуръон”ни ўзгартиришга ҳеч кимнинг кучи етмайди: унга на бирор нарса қўша оладилар, на ундан бирор нарса камайтира оладилар. “Қуръон” Ҳазрат Мусонинг ҳассасига ўхшайди, куфрларни аждарҳодек ямлаб ютади. Сен тупроқ остида ухлайсан, аммо у покиза сўз ҳасса каби ҳар нарсадан огоҳдир. Қасд этганларнинг қўллари у асога етмайди. Ухла эй подшоҳ, ухла... уйқунг муборак бўлсин! Тананг ухлайди, аммо нуринг осмонни ёритади, душманларни йўқ қилиш учун ёйини тортиб, ўқини жойлади.

- Дарвеш деди-ки: “Бутун олам Худонинг амридадир. Шу подшоҳнинг амрисиз дарахтдаги япроқ ҳам тўкилмайди. Аллоҳ лукмага: “Ичкарига кир” – деб буюрмагунча лукма томоқдан ўтмайди. Инсонларнинг жилови бўлган, уларни истаган жойига элтувчи истақлар ҳам ғани(й) Аллоҳнинг амри билан майдонга келади. Ерда ҳам, кўкда ҳам... бирор зарра Унинг ҳукмисиз қанот қокмайди, ҳаракатланмайди; Унинг олий фармониенгиз кимирлай ҳам олмайди. Буни тушунтиришнинг алоҳиди ҳам, кераги ҳам йўқ. Дарахтларнинг япроқларини ким санай олади? Ниҳояси

бўлмаган нарса сўзга қандай сигади? Шунини билиб кўй: барча ишлар Аллоҳнинг измида. Аллоҳнинг амри бўлмагунча ҳеч нарса бўлмайди. Аллоҳнинг тақдирига банда рози кутади. Банда Аллоҳ берган қисматга рози бўлади, унинг ҳукмини тилайди. Мажбуран ёки савоб учун эмас, ўз-ўзидан бу розилик пайдо бўлса, унга маъқул кўринса бу банда ҳаётдан завқ олиш учун яшайди. Ҳаёти ўзи учун исталган нарса бўлишдан чиқади. Азалий фармон қандай бўлса, шунга итоат этади, ҳаёт ва ўлим унинг учун баробар бўлади. Яшаса Аллоҳ учун яшайди, мол-мулк ва бойлик учун эмас... Ўлса Аллоҳ учун ўлади, кўркув ёки касалликдан эмас!”.

- Ҳазрат Исо қарами билан ўликни тирилтирди... Қолбуки Ҳазрати Исонинг нафаси билан тирилган қайта ўлди... Аммо Исога жон бағишлаган нақадар бахтиёр!

- Аллоҳнинг қудратини ҳис қилган банда жаннат билан жаҳаннамнинг қаердалигини сўрамайди. Аллоҳ қаерни истаса, шу ерни жаҳаннам қилади... осмонни кушлар учун тузokka, елимга айлантиради. Тишларингга шундай оғрик беради-ки, “Бу тиш оғриғи жаҳаннам, аждарҳо”, - дейсан. Ёки тупукни болга айлантиради... “Бу жаннат ва жаннатий либослар”, - дейсан. Тишларингнинг тагидан шакар ундиради, шу тахлит тақдирнинг ҳукмини биласан, англайсан!

## ҚУРЪОНИ ҚАРИМ

- “Қуръон”нинг нури ҳам ҳақ билан ботилни зарра-заррасига қадар ажратиб бизга кўрсатади. У дурнинг нури кўзимизнинг нури бўлсайди, саволни ҳам биз берар эдик, жавобни ҳам.

- “Қуръон” тўла сандик бўш сандикдан яхши, албатта. Бўш сандик сичкон ва илонлар тўла сандикдан яхшироқдир.

- Ҳамманинг ақли етадиган, фикрингни тушунадиган тарзда гапир. Гапираётган инсон камолга етган бўлса, суҳбат дастурхонини ёйдими, дастурхони турфа неъматларга тўла бўлади. Ҳеч кайси меҳмон неъматлардан бебаҳра қолмайди. Ҳар бир киши бу дастурхондан ўзига лойиқ егулик топади. Бу дастурхон “Қуръон”га ўхшайди: “Қуръон”нинг ҳам етти маъноси бордир, оддий кишилар ҳам, илм-у ирфон соҳиблари ҳам ундан тўядилар.

- “Қуръон” бошдан-охиригача сабабларни, иллатларни йўқ қилади, вассалом.

- Йўлдан адашганлар “Қуръон”да сўздан бошқа нарсани кўрмасалар ҳайрон бўлманг. Кўрнинг кўзларига қуёшнинг заррин нурлари эмас, фақат ҳароратигина етиб келади. Билиб қўйки, “Қуръон”нинг зоҳири бор... зоҳирнинг ҳам яширин ва қувватли ботини бор. У ботининг ҳам бир ботини, унинг эса учинчи ботини бор-ки, уни ақллар англай олмайдилар, ҳайрон бўладилар. Ўғлон, сен “Қуръон”нинг сиртига боқма... Шайтон ҳам Одам Атони тупроқдан иборат деб билди, аслини идрок эта олмади! “Қуръон”нинг зоҳири инсонга ўхшайди: сурати (шакли) кўринади, жони эса пинҳон!

- Эй ҳурувчи ит, сен вовуллаб, “Қуръон”ни камситиш, айблаш билан ҳукмидан ўзимни қутқараман деб, ўйлаяпсанми?

- Бу арелон эмаски, жонингни ҳалос қилишга муваффақ бўлсанг ёки қаҳри панжасидан имонингни қутқарсанг! “Қуръон” қиёматга қадар: “Эй ўзини жаҳолатга фидо қилганлар!” - деб нидо қилади. “Сиз мени эртак санаб, таҳқир ва куфр уругини эқдингиз! Масхаралаб: “Бўлмаган (йўқ) нарса, эртак”, - дедингиз, аммо кўрдингиз-ки, сиз йўқ бўлдингиз, эртак бўлдингиз. Мен Аллоҳнинг каломиман, Аллоҳ билан барҳаётман. Жонинг жон озиғиман, покиза, жилвақор ёқутман. Мен қуёшнинг нуриман... сизнинг устингизга ёғилдим, сизни файзиёб этдим, аммо қуёшдан

айро тушганим йўқ. Қаранг, мен ошиқларни ўлимдан қутқариш учун оқиб турган оби ҳаётман. Ҳирсингиз, ҳасадингиз илдиз отиб кетмаганида Аллоҳ сизнинг қабрингизга ҳам бундан бир қатра сочган бўлар эди. У ҳокимнинг, у ҳакимнинг насиҳатига амал қилмаслигим мумкинми? Турли найранглар сабаб кўнглимни бузмайман, сўзимдан, ишимдан қолмайман.

- “Қуръон”нинг маъносини фақат “Қуръон”дан ёки ҳою-ҳавасни унутган, “Қуръон” ҳузурида хоксорлашган, қурбон бўлган, руҳи “Қуръон”га айланган одамдан сўра.

- Ваҳийдан келмаган сўз ҳою ҳавасдандир. Тупроқдан яралганлар каби ҳавога аста-секин сингиб кетади. Агар бу сўз сенга янглиш туюлса “Ваннажми” сурасининг бошидан бир неча сатр ўқиб кўр. Ўқигин-у Муҳаммад пайгамбарнинг (с.а.в.) ҳавасга гапирмаганини, унинг ҳар сўзи ваҳий орқали келганини англа.

## ҚЎРҚУВ

- Бошқалар кўрқадиган нарсалар сенга ишонч бағишлайди. Сувда яшайдиган қуш денгиздан қувват олади, хонаки қуш эса паришон бўлади.

- Юсуфлар пасткаш кишилар ҳасадида кўрқиб яширинадилар. Гўзаллар душман хавфи боис ўт ичида яшайдилар. Хуллас, мулойим табиат Ҳазрат Ёқуб Юсуфга бирор нарса қилмасин деб бу бўридан мудом хавотирда яшайди.

- Бир томондан кўрқувга, бир томондан умидга тушдингми, икки қанотинг бўлади. Бир қанотли қуш асло уча олмайди, ожиздир.

- Ҳамма пайгамбарларнинг юзи ёруғдир. Улар биргина суворий бўлгани ҳолда ҳам подшоҳларнинг кўш-инларига ҳужум қиладилар, уларни тор-мор келтирадилар.

- Бирор нарсадан кўркмайди, қайғу чекмайди; шунинг учун ҳеч нарсадан юз ўгирмайди... ёлғиз ўзи бутун дунёни махв этади.

- Тошнинг юзи қаттиқ, кўзи тўқ... дунё тўла гишт бўлса ҳам кўркмайди. Чунки гишти уста, тошни эса Аллоҳ яратган, шунинг учун қаттиқ! Қўйлар санаб бўлмас даражада кўп бўлса, қассоб уларнинг кўплигидан кўркадими? Ҳаммангиз ҳам чўпонсиз, пайғамбар ҳам чўпон. Халқ эса сурувга ўхшайди... пайғамбар уларнинг чўпонидир, уларни олға бошлайди.

- Кўрқоклар жангдан қочиш пайида бўладилар. Жасур, мардлар эса жон қайғусида душман сафларига ҳужум қиладилар. Кўрқув ва қайғу Рустамларни олға ундайди, кўрқок эса ваҳимадан турган жойида ўлиб кетаверади. Бало ва жон қайғуси маҳакдир... Шунинг учун мардлар таҳликали дақиқаларда кўрқоклардан ажраладилар.

- Баъзан ҳамроҳнинг жасурдек кўриниши, аммо аслида кўрқок бўлиши мумкин. Бир мушкул иш бошга тушиши билан қайтиш ҳақида дарс бера бошлайди. Кўрқоклигидан дўстини ҳам кўркитади. Бундай ҳамроҳ дўст эмас, душмандир. Бу йўл ўта хатарлидир. Ҳар ўрмонда, ҳар тепада нозик қалб эгаларини ортга қайтаргувчи офат бор. Дин йўли ҳар қандай одам юра оладиган йўл эмас. У таҳликаларга тўладир. Йўлдаги бу кўрқув уни кепакдан ажратган элак каби инсонларнинг жасурларини кўрқокларидан ажратади.

- Аллоҳ кўрқувни бу оламга тиргак қилган. Ҳар бир киши жон қайғусида бирор ишга ёпишади. Аллоҳга ҳамд бўлсинки, шундай кўрқувни яратган, у билан ер юзини тартибга келтирган. Кўзлар кўрқувнинг аслини кўрмаганидан турли хаёллардан кўркади инсон.

- Қандай қилиб сичқонлар тўпланиб, мушукнинг қаршисига чиқадилар? Уларда бундай юрак йўқ-ку! Бир-галик шаклдагина бўлса, бефойда. Ўзингга кел, Аллоҳдан

маънавий бирлик сўра. Биргалик тананинг кўплигидан пайдо бўлмайди. Жисм ҳам исм каби ўткинчи! Сичқонларнинг юракларида жамоанинг кудрати бўлганида эди, жаҳллари чиқар, бир нечаси бир бўлиб, мушукка бешафқатларча ташланган бўлар эди. Аммо уларда бундай журъат, юрак йўқ. Мушукнинг овозини эшитиши билан ҳуши бошидан учеди.

## МАҚТОВ

- Сен “Мен у мақтовларни ермидим? У таъма туфайли мақтаяпти. Мен буни тушуниб турибман”, - дема! Сени мақтаётганлар кўнгилларида сенга қарши бўлсалар-да, унинг таъсирида неча кунлаб юрагинг ёнади. У сендан умид қилганини қўлга кирита олмай зиён кўрганидан сенга қарши бўлса-да, у сўзлар кўнглингга тегеди, унинг таъсири остида қоласан. Мақтов инсоннинг улугланиши, алданишига сабаб бўлади. Аммо бу таъсир сиртдан сезилмайди, чунки мақтов ёқимлидир. Танқид аччиқ бўлганидан дарҳол ёмон кўринади.

- Танқид қайнатилган дори ва хапдори кабидир: ичсанг ёки ютсанг бироз муддат изтироб ва аламда қоласан. Ширинлик есанг, лаззати бир лаҳзаликдир, таъсири ҳам узок давом этмайди. Зоҳиран узок давом этганидан таъсири ҳам яшириндир. Ҳамма нарсани зидди воситасида англа! Мақтовнинг таъсири ширинликнинг таъсирига ўхшайди: яширинча таъсир қилади ва бироз вақт ўтгач танада ёрилиши лозим бўлган чипқон чиқади. Нафс кўп мақталаверганидан фиръавинга айланади. Камтар, хокисор бўл, улугликка, кибрга юзланма!

- Аллоҳ сизга эҳсон этган нарсаларга севининг, хурсанд бўлинг. Сизни забт этган нарса алдайди, Аллоҳни қуттиради. Аллоҳ севинувчи, мақтанувчи кишиларни ҳушламайди.

- Мақтанган кишида адоват бўлса, унинг фикридан туғилган мақтовлар инсонга ёкинқирамайди! Огзинг билан мактаяпсан-у кўнглинг буни инкор этаяпти. Дилингдаги ҳамд ё шайтонлик, ё афсун!

- Одамлар кимга сажда қилса, уни заҳарляптилар демақдир.

- Бу улуғлик, билиб кўйки, заҳарли шаробдир. у шаробдан аҳмок киши маст бўлади. Давлати бўлмаган заҳарли шаробни ичдими, бир муддатгина кувончдан бошини чайқатади, кейин заҳар жонига таъсир қилади; жон бериб, жон ола бошлайди! Унинг заҳарли эканига ишонмасанг қара, кўр: Од қавмини у заҳар нималар қилди?

## МАСЛАҲАТЛАШИШ

- Маслаҳатлашиш инсонга идрок ва ақл беради, ақллар эса ақлларга қувват улашади. Ҳазрат Пайгамбар (с.а.в.): “Эй тадбир соҳиби, маслаҳатлаш, маслаҳат сўралган одам ишончлидир”, - дедилар.

- Одам Ато азалий нурнинг кўзи эди. Танланган қил баҳайбат тоққа айланади. Агар Одам Ато бу ҳақда кенгашиганида эди, пушаймон бўлиб узр сўрамасди. Чунки бир ақл бошқа бир ақл билан бирлашдими, ёмон ишга, ёмон сўзга моне бўлади. Аммо нафс бошқа бир нафс билан ошно тутинса, жузъий ақл ҳеч нарсага ярамайдиган ҳолга келади. Ақл бошқа ақл билан туташганда нур ортади, йўл очилади. Аммо нафс бошқа бир нафс билан хуш-хандон бўлса, зулмат ортади, йўл йўқолади.

- Бир одам ким биландир маслаҳатлашишни, тараддудлардан халос бўлишни, қамокдан қутулишни истар эди. Маслаҳат сўралган одам деди-ки: “Мендан бошқа бирор кишини топиб маслаҳатлаш! Мен сенинг душманингман, менга ишонма, душманинг маслаҳати холис бўлмайди! Бор, сенга дўст бўлган бирортасини топ.

дўст, шубҳа йўқки, дўстга яхшилик тилайди. Мен душманман, менга ўхшагандан нажот йўқ. Қингирлик билан сенга душманлик қиламан. Бўрининг чўпон бўлишини исташ тўғри эмас. Аслида йўқ нарсани кидириш қидирмасликдир. Бирор кишига ғаним бўлдингми, ундан узоқ тур... сени қадрлайдиган дўст билан кўриш, у билан маслаҳатлаш”.

- Кенгашиш қаёқда-ю ақл қаёқда? Ҳирс сели одамга вайроналарни қаздиради.

- Яхшилар билан учраш, кенгаш. Пайғамбар (с.а.в.): “Ишларини маслаҳат билан қилади улар”, - дедилар, шуни билиб кўй! Маслаҳат билан иш қилиш шунинг учун керак: маслаҳатлашиб қилинган ишда хато ва қингирлик кам бўлади. Балки ораларига осмон нуридан ёқилган қандил тушар.

## МУНКИР

- Аллоҳни инкор этувчи қора кўнғизлар каби атиргулнинг бўйига тоқат қила олмайдилар ёхуд довул овозидан кўркқан руҳий хасталарга ўхшайдилар. Улар руҳларини уйғотадиган ҳақиқатларни эшитмаслик учун ўзларини ишга берилган қилиб кўрсатадилар, авлиёнинг юзларидаги нурга орқа ўгирадилар. “Нур қаршисида кўзларини юмадилар”, - дедик, аммо, аслида, уларда кўз йўқки, юмсалар! Кўз деб уни лол қолдирадиган нарсаларни кўрганга айтилади.

- Шайтонлар ва жониворлар инсон хавфи ва ҳасадидан ҳадиксираб, кимсасиз ерларга, оролларга қандай қочган бўлсалар, мункирлар (инкор этувчилар, Аллоҳнинг борлигига ишонмайдиганлар) ҳам пайғамбарларнинг мўъжизаларидан кўрқиб, бошларини ўтлар ичига шундай тикдилар.

- Эй Ҳақ зиёси Ҳусомиддин, сен ҳасадгўй кўзининг кўрлигига қарамай бор, унинг иллатини давола! Сенинг



малхаминг тез таъсир этувчи улуглик тўтиёси, натижаси албатта кўриладиган, зулматни бартараф этгувчи доридир. Бу малхам кўрнинг кўзига куйилса, бир асрлик зулматни дарҳол даф қилади. Ҳасадгўйдан бошқа барча кўрларни давола, шифо бер! Фақат сени тан олмаган, инкор этган ҳасадгўйни даволама. Қуёшга ҳасад қилгувчи, унинг борлигидан оғрингувчи киши бор-ку?! Оҳ, мана сенга давосиз дард. У одам кўрдир, кўр! Мана сенга умрбод қудук тубига тушган одам! У азалий қуёшни йўқ қилишни истади, аммо айт-чи, бу ният қандай амалга ошиши мумкин? Бунинг иложи борми? Лочин деб такрор подшоҳ бошига келган лочинни айтадилар. Йўлини йўқотган кўр лочиндир.

- Икки-уч аҳмоқ сени инкор этса нега аччиқланасан, сен шакар конисан-ку! Икки-уч аҳмоқ сени айбласа-да, сенга Ҳақ гувоҳлик беради.

- Одам Атонинг бир белгиси азалдан шу эди: у саждага лойик бўлгани учун фаришталар бош эгдилар. Бошқа бир белгиси эса иблисининг “Шоҳ ва буюк менман” деб бош эгмаслиги эди. Агар шайтон ҳам Одам Атога сажда қилганида Одам Одам эмас, бошқа киши бўлар эди. Ҳамма фаришталарнинг унга сажда қилиши Одамнинг Одамлигига исбот бўлганидек, у душманининг, шайтоннинг ўжарлиги ҳам бир далилдир. Фариштанинг икрори унга гувоҳ бўлганидек, ўша итнинг инкори ҳам гувоҳликдир.

- Олам қуёш туфайли нурга гарқ... сен кўрдек зулматга юз тутгач ундан узоқда бўласан, маҳрум қоласан, албатта! У қарам соҳиби ойга деразангни ёпсанг, у улуг нурдан бенасиб қоласан! Сен кўшқдан чиқиб қудукқа киргансан. Бу кенг оламларнинг нима гуноҳи бор? Тасдиқланг: улар туғилган қуёшлардир... улар сизни қиёмат азобларидан қутқарадилар. Тасдиқланг: улар қиёмат кўпишидан, у ерга боришингиздан олдин сизни ҳам, оламини ҳам нурга белаган тўлин ойдир. Тасдиқланг: улар

зулматларни ёритган нурлардир. Улуғланг, эъзозланг... улар мурод калитларидир. Сизга яхшиликдан ўзга нарса тиламаганларни тан олинг, ўзингиздан ўзгани йўлдан урманг, ҳеч кимга тажовуз қилманг!

- “... Ҳамма гап сиз айтган сўзларда, сиз келтирган мисолларда, сизнинг шарҳингиз, таъбирингизда. Ниятингиз дунёни гамга ботириш” дедилар. Пайгамбарлар дедиларки: “Ёмонга йўйиш сизнинг руҳингиздан келиб чиққан нарса. Қабоҳат бизда эмас, сизда. Нотинч бир жойда ухласанг, аждарҳо сен томон кела бошласа-ю инсофли бир киши: “Тезда тур, бўлмаса, аждарҳо ютади”, - деб сени уйготса: “Нега ёмон ният қиласан?” - дейсанми? Нимаси ният, тургин-у яхшилаб қара! Мен сени ёмон таъбирдан қутқариб, давлат салтанатига жўнатаяпман.

- Чунки пайгамбар пинҳон нарсани билиб, сени ҳам ундан огоҳ этувчидир. У дунё аҳли кўрмаган нарсаларни кўрувчидир.

- Жаҳаннамнинг тутунини, оловини, мункирларга ҳужумини узоқдан кўраяпмиз. Сен эса: “Жим бўлсанг-чи, бас қил бу сўзни, ёмонга йўйиш бизга зарар беради”, - дейсан. Эй насиҳатгўйларнинг ўғитини тингламаган, ёмон ният, қаерга борсанг ҳам сен биландир!

- Пасткашлик ёмонликларнинг одатидир. Сен унга яхшилик қилдингми, у сенга ёмонлик қилади. Сабр билан нафснинг белини бук. У пасткашдир, ёмондир, унга яхшилик қилиш ярамайди! Карам соҳибига эҳсон қилсанг арзийди. Сенинг бирингга етти юз беради.

- Бу пасткашга жафо қилсанг, қаҳрингни кўрсатсанг сенга вафо қилади, қулинг бўлади. Кофирлар неъматга эришишлари билан жафо уругини экадилар, кейин дўзахда “Ё Худо” деб бақирадилар.

- Жонсизлигингда инсон бўлмишни инкор этар эдинг, энди эса қиёмат йўқ деб оёқ тирайсан! Сенинг ҳолинг шу манзарани эслатади: “Бир киши келиб эшикни

такиллатади. Уй эгаси ичкарида туриб: “Уй эгаси уйда эмас”, – деб бакиради. Эшик такиллатган киши бу сўздан уй эгасининг уйдалигини англайди! Сенинг инкоринг ҳам Аллохнинг жисм оламида юзлаб жонлар яратганини кўрсатади, хабар беради!”

- Кимки Аллохнинг шамини пуфласа, бу шам ўчмайди, пуфлаганинг огзи куяди. Сенга ўхшаган кўршанпалаклар туш кўраверадилар, лекин бу олам куёшдан бебахра қолармиди? Ой ёғду сочади, ит вовуллайди. Бирорта ит ойни ўзига шерик кила оладими?

## МУНОФИҚ

- Одамлар билан яхши муносабатда бўлган пайгамбар “агар” дейишни ман этди. “Агар дейиш мунофиқликдан”, - деди. Мунофиқ “агар” деб, ишни шартга боғлар экан, ўлди, бундан нариги дунёга фақат хасрат олиб кета олади!

- Мунофиқ қаттами-кичикми, кўрқинчли ёки мардми сен уни овозининг оҳанги ва сўзидан танийсан, фахмлайсан.

- Аллох тўғри йўлни топмаган мунофиқлар ҳақида: “Уларнинг ўзаро қурашлари кучаяди”, - деди. Ўзлари қолганларида мардга айланадилар. Гайб кўшини кўмондони – Пайгамбар (с.а.в.) дедиларки: “Эй йигит, жангдан олдин мардлик бўлмас!”. Сархушлар урушдан сўз очишлари билан огизларини кўпиртирадилар, аммо жанг қизигач кўпикдек бўлиб қоладилар, ҳеч нарсага ярамайдилар. Бундай одамнинг қиличи “уруш” сўзини эшитганда узаяди. Ҳақиқий жангда эса пиёзга ўхшаб кават-кават қинларга кўмилади! Жанг ҳақида ўйлаганида кўнгил яраларни излайди, сафларни оралайди, қахрамонликлар кўрсатади. Жанг маҳалида эса пана-пасткамларга бикинади...

- Булар ўзларини танқид, мазах қилганларни жангдан қайтарадилар... ниҳоят шундай уятли ҳолда қоладилар.

Вайсакиларнинг тутуруқсиз гапларини, ёлгон гурур ҳақидаги сафсаталарини кам эшит, бундай кишилар билан бирга жангга кирма. Аллоҳ улар ҳақида: “Улар сизга эргашиб, сонингизни ортгирмайди, аммо орангизга нифок солади, ҳийла ва фасодни кўпайтиради”, - деди.

- Сўзида тура олмайдиган дўстларга эргашманг, улар билан алокани узинг! Чунки улар сизга ҳамроҳ бўлса, гоийлар сомондек ини бўш аҳволга тушади. Улар сизга йўлдошдек кўринадилар, сиз билан бирга жангга кирадилар, аммо кейин қочадилар, кўшин сафини ҳам бузадилар. Бу тоифа одамлардан... мунофиқлардан кўпининг сизга эргашганидан кўра озгина аскар яхшироқ.

- Кофир у дунёнинг борлигига шубҳа қилади, қайта тирилишига ишонмайди. Шунинг учун юрагида кўрқув бор. Йўлга чиқади-ю бирор қароргоҳни билмайди. Кўнгли кўр бўлган одам кўрқа-писа қадам ташлайди. Йўлни билмайдиган йўловчи қандай йўл босади? Иккилана-иккилана, юраги қонга тўлиб! Бирор киши: “Эй, биродар... бу ер йўл эмас-ку!” деса кўрққанидан таққа тўхтайдн. Аммо қалбан ҳақиқатни ҳис қилган, йўлни билган кишининг қулоғига бундай хой-хуйлар кирадимми? Шундай экан, бу кўрқоқларга ҳамроҳ бўлма. Чунки улар хатарли, машаққатли дамларда ғойиб бўладилар. Улар оғизда Бобил сеҳрига эгадирлар, ҳамма нарсани қойил қиладилар, аммо мушкулот бўлиши билан сени ёлғиз ташлаб қочадилар!

## МУРШИД

- У шамдан ёқилган чироқдан бошқа бир чироқ, ундан бошқа бир шам ёқилса охир шамни кўриш ҳаммасининг асли бўлган илк шамни кўришдир. Истасанг у нурни охириги чироқдан ол, истасанг биринчи чироқдан, ҳеч фарқи йўқ. Нурни, истасанг, охирида келганларнинг шамидан кўр, истасанг, ўтганларнинг шамидан.

- Нафсни пирнинг соясидан бошқа ҳеч нарса ўлдирмайди. Нафсни ўлдирганининг этагига маҳкам ёпиш. Бу пасткаш нафе сендан ўткинчи манфаат истайди. Токайгача бундай беҳуда ишлар билан овора бўласан, етар, бас!

## МУСИҚА

- Сурнай, ногора садолари киёмат кунда чалинувчи сур овозига ўхшайди. Донолар: “Бу музикий нағмаларни осмонларнинг айланишидан олдиқ”, - деган эдилар. Танбурда чалинган, оғизда айтилган бу кўшиқлар, оҳанглар осмоннинг ҳаракатидан олингандир. Мўминлар дейдиларки: “Жаннатнинг таъсирида хунук, ёқимсиз овозлар ҳам латифлашади. Биз барчамиз Одам Атонинг ёнида ўша куйларни тингладик, ҳис қилдик! Гарчи сув ва тупрок бизни шубҳага солган бўлса-да, ўша оҳангларни бироз эслаймиз. Аммо мушибат тупроғи билан қоришгандан сўнг бу куйи пардалар у оҳангларни қандай берсин? Сув пешоб ва нажас аралашганда бузилади. Инсон танасида ҳам озрок сув бор... Сен уни пешоб деб ҳисобласанг ҳам оловни ўчиради-ку! Сув ифлос бўлса ҳам табиати боқий, шу табиат билан ҳам оловни ўчиради! Шунинг учун ёқимли овозни тинглаш ошиқларга озикдир... Чунки ёқимли овозда қалб ҳузури ва Аллоҳ ёди билан бўлиш завқи бордир. Одамнинг кўнглидаги хаёллар қувват олади, ҳатто хаёллар ўша ажойиб овоздан, ўша хуш оҳангдан тусланади. Сувга ёнғок отганининг қуввати қандай кўпайса, ишқ ўти ҳам ёқимли овозлардан шундай қуч олади!”

## НАМОЗ

- Қароқчиликдан бойлик тўплама. Аллоҳнинг бандаларини намоздан чалгитма.

- Мен йўқман, йиғлаб-сиктаб эртаққа айландим. Шу залда сажда қилувчилар орасига кўшилмай, улар билан бирга эгилай ҳеч бўлмаса.

• Ҳақ: “Сенга шунча вақт муҳлат бердим, Менга нима келтирдинг? Умрингни нима билан ўтказдинг, берган озиғимни, бағишланган кучни нимага сарф қилдинг, кўзингни, қулогингни, ақлингни, аршга тегишли барча жавҳарларингни ишлатдинг... буларнинг эвазига нима сотиб олдинг? Сенга чўкмор ва куракдек қўл ва оёқ бердим. Уларни сенга шахсан Мен берган эдим, нима қилдинг уларни?” - дейди. Ҳақдан сени ўйга соладиган шунга ўхшаган юз минглаб хабарлар келади. Қиём ҳолидаги бандага келган бу хабарлардан банда уялади, икки букилади, рукуга боради. Оёқда туришга мажоли қолмайди, рукуда Аллоҳни ёд этади. Аллоҳдан: “Бошингни кўтар, рукудан қиёмга қайт ва Аллоҳнинг саволларига бирма-бир жавоб бер”, - деган фармон келади. Хижолат бўлган банда рукудан бош кўтаради. Аммо маъқул бирор иш қила олмаганидан бу сафар юзтубан йиқилади. Яна фармон бўлади: “Бошингни кўтар, саждадан тур, қилган ишларингдан гапир!”. Яна уялиб-уялиб бошини кўтаради, аммо яна илондек юзтубан йиқилади! Аллоҳ такрор: “Бошингни кўтар, гапир. Ҳамма ишларингни билишни истайман”, - дейди. Энди оёқда туришга кучи қолмаганидан, Аллоҳнинг ҳайбатли хитоби таъсир қилганидан шу оғир юк остида ерга ўтиради. Аллоҳ: “Менга айтчи... сенга неъмат бердим, қандай шукур қилдинг? Сармоя бердим, фойдангни кўрсат-чи”, - дейди.

• Банда ўнг томонга бурилиб, пайғамбарларга, ўша улуғларга салом беради. “Подшоҳлар, бу ёмон кишига шафоат қилинг, оёғим ҳам, гиламим ҳам балчиқда қолди”, - дейди. Пайғамбарлар: “Чора изланадиган кун ўтиб кетди. Бу ўша пайтда қилинадиган иш эди, вақт ўтди! Эй бахтсиз киши, кет бу ердан, сен бемаҳал қичқирган хўрозсан. Бизни тинч қўй!”, - дейдилар. Шунда у чап томонга бошини буриб, қариндош-уруғларидан мадад тилайди. Улар ҳам: “Жим бўл! Аллоҳга ўзинг жавоб бер. Биз киммиз ахир? Биздан қўлингни торг!” - дейдилар. На у томондан, на бу ёндан

нажот бўлади. У шўрликнинг жони эса юз бўлак бўлади! Ҳар кимдан умидвор бўлиб кўлларини чўзади, дуо қила бошлайди: “Ё Раб, ҳаммадан умидим узилди. Аввал ҳам, охир ҳам сен, сендан бошқа аввал-охир бўлмаган, йўк”, - дея тавалло қилади. намоздаги бу хуш ишоратларни кўринг-у охир-оқибат шундай бўлишини билиб кўйинг!

• Бир киши ҳаммомга бормокчи бўлди. Сахар пайтида кулига: “Сунгур, тур, бошингни кўтар. Тогора, лунги, сочик, гилни ол, ҳаммомга борамиз”, - деди. Сунгур айтилган нарсаларни олди. Биргаликда йўлга чиқдилар. Йўлда бир масжид бор эди. Азон айтилаётганди. Сунгур намозга берилган эди. Хўжайинига: “Эй кулига илтифот-у эҳсонлар килгувчи хўжам, мана бу дўконда бироз ўтирсангиз, намоз ўкиб чиксам”, - деди. Хўжайини рози бўлди. Одамлар намоз ўкиб бўлиб ташқарига чиқдилар. Сунгур қуёш чиққунича масжидда қолди. Хўжайини бироз кутди-ю: “Сунгур нега ташқарига чикмаяпсан?” - деб сўради. Сунгур ичкаридан: “Хўжайин кўйиб юбормаяптилар. Бироз сабр килинг, ҳозир бораман. Мени кутаётганингизни биламан, унутганим йўк”, - деб жавоб берди.

Хўжайини етти марта чақирди, кутди, кутди, яна чақирди. Ниҳоят Сунгурнинг бу қилигидан жаҳли чиқди, сабр косаси тўлди. Сунгур хўжайини чақирганида: “Хўжайин, ташқарига чикмокчиман, аммо мени кўйиб юбормаяптилар”, - дер эди. Хўжайини жаҳл билан: “Масжидда ҳеч ким қолгани йўқ-ку, кўйиб юбормаётган ким, ким сени у ерда ушлаб турибди?” - деб бақирди. Сунгур жавоб қайтарди: “Сизни ичкарига кўймаётган ким? Ўша мени ташқарига чиқармаяпти. Сизга ичкарига киришга изн бермаётган менинг ташқарига чиқишимга моне бўлмоқда. Сизнинг бу томонга одим ташлашизга руҳсат бермаган менинг ташқарига қадам босишимга монелик қилапти!”. Балиқларни курукликка чиқармаган денгиз курукликдагиларни ҳам денгизга кўймапти.

• Сендаги яхшилик ва ёмонлик илҳом ва васвасалар билан бир экан, ўн бўлади, ўн кишининг ихтиёрига соҳиб

бўласан. Эй яхши одам, намоздан бошқа ишлар ҳалол бўлиши учун намоздан кейин фаришталарга салом бериш керак. Бу салом “Сизнинг дуойингиз шарофати билан ихтиёрий равишда шу намозни ўқидим”, - деганингиздир.

## НАСИҲАТ

- Пайғамбар (с.а.в.): “Дин насиҳатдир”, - дедилар. “Насиҳат” лугатда “хиёнат”нинг антоними зиддидир.

- Ҳазрат Сулаймон ҳар тонг одамларни тўғри йўлга бошлаш учун масжидга кириши билан гоҳ сўз, гоҳ мақол-у иборалар, гоҳ ҳаракат билан, гоҳ намоз ўқиб халққа насиҳат қилар эди. Ҳаракат амал шаклидаги насиҳат кишиларни кўпроқ жалб қилади... чунки бу насиҳатни қарларнинг қалб қулоқлари ҳам эшитади! Шу билан бирга бу насиҳатда буйруқ ваҳми ҳам озроқ... Шунинг учун одамларга кучли таъсир қилади!

- Бир киши ҳийла билан тузоғига бир қуш туширди. Қуш унга: “Эй улуг инсон. Сен қанча ҳўкизлар, қўйларни единг, туяларни қурбон қилдинг. Шулар билан тўймагач мен билан ҳам тўймайсан сен! Мени қўйиб юбор, сенга уч насиҳат айтайин... Қара-чи аҳмоқманми, ақлимманми? Биринчи насиҳатни сенинг қўлингда эканимда, иккинчисини томсувоқ қилинган том тепасида, учинчисини дарахт устида айтаман. Бу уч насиҳат сенга бахт келтиради. Қўлингдалигимда берадиган насиҳатим шу: “Бўлмагур сўзларга, уларни ким айтса ҳам, ишонма”. Бу насиҳатни айтиб озод бўлди, девор устига қўниб: “Бўлиб ўтган нарсага ҳам ема, фурсатни бой бердингми, ўқинма!” - деди. Кейин “Миттигина танамда ўн дирхам оғирликдаги бебаҳо гавҳар бор. Сенга ҳам, болаларингга ҳам етиб-ортади... Ўша гавҳар сенинг насибанг эди. Аммо насиб қилмаган экан, бундай гавҳар ҳеч қаерда йўқ” - деди. Овчи тўлғоқ тутаётган аёлдек фарёд қила бошлади. Қуш: “Сенга “Ўтган



ишга ачинма” деб насихат қилмаганмидим? Нега ҳам ейсан: ё насихатимни тушунмадинг, ёки қарсан сен. Яна сенга: “Ҳар қандай гапга ишонаверма” демадимми? Бу иккинчи насихатим эмасмиди? Мен ўзим уч дирҳам ҳам эмасман, ичимга ўн дирҳамлик гавҳар қандай сизгани?”. Бу сўзлардан кейин овчи ўзига келди: “Хўп, учинчи насихатингни айтчи!” - деди. Қуш унга: “Ҳа, Худо йўлида иккитасига амал қилдинг-ки, учинчисини текинга айтаман-да-а?!”. Уйқусираган билимсиз кишига насихат бериш қурғок ерга уруғ сочишдир. Аҳмоқлик ва билимсизлик, жохиллик йиртигини ямаб бўлмайди... Эй насихатгўй, унга хикмат уруғини кўп сочма.

- Аллоҳдан даъват этиш амри келгач халқнинг қабул қилиш-қилмаслиги билан нима ишимиз бор? Нух пайгамбар нақ тўққиз йил қавминини даъват этди. Қавмининг инқори ортди. Лекин даъват этишдан тўхтадимми? Сукут ғорига чекиндими? Ит хургани билан қарвон йўлидан қолармиди? Ой нури бўлган тунда тўлин ой итларнинг ҳуриши билан секинроқ юрадими?” - деди. Ой нурини сочади, итлар хуради. Ҳар бир инсон фитратига мос ишни қилади. Тақдир ҳар бир кишига бир вазифа беради, ҳар бир одамни бир ишга лойиқ қўриб, мойиллик уйғотади. Ой дейди: Ит ёқимсиз овозини ўчирмас экан, мен – ой қандай тўхтаман?

## НАФС

- Уруш телбаларнинг кўлидаги қиличларни олишлари учун мўминларга фарз қилинган.

- Уруш ош эмас-ку, енг шимариб қиришсангиз. Бу овқатни қошиқлаб ейиш эмас, бу ерга кел-у қилични кўр. Бу сафда темирдан яралган Ҳамза керак. Жанг ҳар нарсадан ҳадиксираб қолувчи юраксизларнинг иши эмас.

- Уруш туркларнинг ишидир, нозанин аёлларнинг эмас. Нозли аёлларнинг жойи уйдир, сен ҳам уйнингга бор!

Бўғизга ёки жон олувчи бошқа бир ерга ўқнинг қадалиши давлат соҳибни — шаҳиддан ўзгага насиб бўлмайди. Баданимда яра бўлмаган жой йўқ. У ўқлардан галвирдек илма-тешик бўлди. Бу мардлик ҳам, закийлик ҳам эмас. Тақдирнинг иши, жон олажак бир еримга ўқ тегмади. Шаҳидлик насиб этмаганлигини фаҳмлаб, узлатга чекиндим, чиллага кирдим. Ўзимни катта жангга чоғладим, риёзатга юзландим. Узлатда ғозийларнинг жанг олдидан чалган довуллари садоси қулогимга чалинди. Тонгда қалб қулоги билан эшитдим; нафсим буюрди: “Тур, жанг маҳали бўлди, юр, ўзингни курашга от”. Унга жавобан: “Эй бевафо нафс, жангга ундаш қаёқда-ю сен қаёқда? Эй нафс, тўғриси айт, бу қандай найрангбозлик? Аслида шаҳватга банди нафс ибодатга яқинлашмайди ҳам. Тўғриси айтмасанг, сенга хужум қилиб, риёзатга тутаман” дедим. Шунда нафсим садо берди, тилсиз, оғизсиз очикча гапирди: “Мени кунда ўлдирасан. Кофирларга қилинган азиятлар билан жонимни қийноққа соласан. Ҳеч ким аҳволимдан хабардор эмас. Сен мени уйқусиз, таомсиз ўлдираялсан. Ҳеч бўлмаса жангда жароҳатланиб, шу тандан кутулай, эл менинг мардлигимни, фидойилигимни кўрсин”. “Эй шўрлик нафс, - дедим мен, — мунофиқларча яшаб, мунофиқларча ўлмоқдасан, қандай балосан? Икки оламда ҳам риёкор, ҳеч нарсага ярамайдиган экансан-ку. Таним омон экан, узлатдан чиқмасликни ихтиёр этдим. Чунки бу тан узлатда нима қилса, эркак-аёлга яхши кўриниш учун қилмайди. Узлатдаги ҳаракати фақат Аллоҳ учундир, ороми ва таскини ҳам. У ерда бошқача ният қилиб бўлмайди. Бу катта жанг, униси кичик муҳорабадир. Иккаласи ҳам сичконнинг қимирлаши билан учиб кетадиган ақл соҳибининг иши эмас. Бундай одам қон-қатронли урушдан, қиличдан узок туриши керак. У ҳам сўфи, бу ҳам. Суф у сўфига! У бир игна билан ўлаяпти, бу қиличларга қарши тураяпти. Кўриниши сўфи, аммо жони йўқ. Бундай сўфилар бошқаларни ҳам ёмонотлик қилади”.

- Тўғрилиқ жон беришдир. Ўзингизга келинг ва илгариланг. “Қуръон”дан “Эрлар бордирки, Аллоҳга берган аҳдларини бузмадилар, аҳдларига содик қолдилар” оятини ўқинг! Мадомики, бу тан руҳга бир восита, шундай экан, бу ҳақиқий ўлим эмас.

- Не-не кишилар қон тўқдилар. Аммо нафелари тирик қолиб, у томонга қочди. Асбоби синди, аммо йўлни тўсувчи тирик қолди. Минган оти қонлар сочди, аммо нафс тирик. От ўлди, йўл босилмади. Ёмон аҳволда қолди. Қони тўкилганининг ҳаммаси шаҳид бўлаверганида ўлдирилган кофирлар ҳам шаҳид ҳисобланган бўлар эди. Шаҳид бўлган шундай кишилар борки, ўлганлар, шаҳид бўлганлар, аммо тирикдек кезиб юрадилар

- Бутларнинг ўзига хоси нафсингизнинг бутидир. Чунки у бут илон, бу бут аждарҳодир. Нафс темир ва тошдан ясалган чакмоқтошдир, бут эса учқун. У учқун сув билан ўчади. Аммо тош ва темир (чакмоқтош)ни сув билан ўчириб бўладими? Одамзотда бу иккиси бўлгач қачон ва қандай бемалол бўлади? Тош ва темир оловни ўзида саклайди, сув уларга таъсир қилмайди. Тош ва темирнинг ичига сув қандай қиради? Бутни синдириш осон, жуда осон. Аммо нафсни енгиш осон деб ҳисоблаш жоҳилликдир.

- Ҳой одам! Сен бу дунё кудуги тубида банди бўлган шерсан. Қуёндек нафсинг сени қандай куйга солди? Сенинг еб-тўймас нафсинг саҳрода еб-ичмоқда, кайф-сафо сурмоқда. Сен эса гийбат, гавго кудугининг тубидасан!

- Ҳою ҳавас ва нафсининг истаги билан кам дўст бўл. Чунки сени Аллоҳнинг йўлидан чиқарган, йўлдан оздирган хою ҳавасдир.

- Биродар, игна ярасига сабр қилки, кофир нафсининг игнасидан қутулсан... Вужудида нафси ўлган кишининг фармонига қуёш ҳам тобедир, булут ҳам.

- Нафсининг “Бу ёмон” дейишига кулок тутма. Чунки унинг иши доимо терсдир. Унинг айтганининг теска-рисини қил. Пайгамбарларнинг васиятлари ҳам шундайдир.

- Умринг сенга юз йиллаб мухлат берса ҳам, нафс ҳар куни янги бир баҳона топади, сенга моне бўлади, совук ваъдаларни эҳтиросли тарзда баён этади. У шундай сеҳргарки, инсонни ипсиз боғлайди.

- Бу худбин нафс сандан улуг бир манфаат сўраса ҳам, бу ниятда ҳийла, макр бордир.

- Хуллас, эй карам соҳиби, хор нафсга яхшилик қилма, ёмон муносабатда бўлки, у сенга бўйин эгсин, таслим бўлсин.

- Нафсга эҳсонда бўлсанг, пасткашлар каби неъматни унутади, йўлдан озади.

- Нафс аҳлида турмайди, шунинг учун ўлдирилиши керак! Ўзи ҳам, қиблагоҳи ҳам пасткаш, тубандир.

- Қоринлари тўйгач неъматни инкор қила бошладилар. Эҳтиёж қондирилгач йўлдан оздилар, исён қилдилар. Нафс Фиръавндир, асло тўйдирмаки, эски куфри эсига тушмасин.

- Хўнг-хўнг йиғласа, инграса ҳам эсингни йиғ. Бу нафс мусулмон бўлишни истамайди. Нафс фиръавнга ўхшайди. Очарчиликда фиръавндек Мусо қаршисида сажда қилади, ёлворади. Иши битиши билан йўлдан озади. Эшак юки енгил бўлиши билан шаталок ота бошлайди-ку. Шунга ўхшаб ишлари юришиши, ниятига етиши билан инграб-синграганлари ёдидан кўтарилади.

- Ўзингдаги бешафқат жангга қара. Бошқаларнинг кураши билан нега банд бўлиб турибсан? Агар Аллоҳ сени бу жангдан четга тортса, сулҳ оламида биргина рангга бўяласан.

- Инсоннинг балолар ичида ўлиши яхшироқ. Нафс неъматини рад этади.

- Эй йўқсил, шунинг учун айтаман-ки: итнингнинг бўйнидаги боғични ечма. Ит тарбияланса ҳам барибир, ит-да. “Нафсини енга олган қанчалар бахтли” хикматига амал қил, у ёмон табиатлидир.

## ОДАТЛАНИШ

- Ёмон феъл-атвор одатга айлангач кучаяди. Ундан воз кечишга ундаганлар ғазабингизни кўзгатади. Кесак ейиш одатингиз бўлса-ю кимдир буни ман қилса, уни душман ҳисоблайсиз. Бутга сиғинувчилар шундай сиғинишни одат қилганликлари учун бунга қарши чиканларга ганим бўлганлар. Шайтон кибрланишни одат қилганлиги ва эшаклиги учун Одам Атони ўзидан паст деб ҳисоблади.

- Кимга насиҳат тумори наф бермаса, у ёмон ҳидларга ўрганган демакдир. Искирт жойда туғилган курт асло феълидан қайтмайди, омборга карамайди.

## ОДОБ

- Аллоҳдан одобга муваффақ бўлишни тилайлик. Одоби бўлмаган киши Аллоҳнинг лутфидан маҳрумдир. Одоби бўлмаган факат ўзигагина ёмонлик қилиб қолмайди. Балки бутун дунёни бесаранжом қилади.

- Одоб боис бу фалак нурга гарқ бўлгандир. Яна одоб сабабли малаклар маъсум ва пок-покиза бўлгандирлар.

- Бирор кишига подшоҳнинг кўлини ўпиш имконияти берилса-ю у кўл ўрнига оёқни ўпса хатодир, гуноҳдир. Нима бўлганда ҳам оёққа бош қўйиш ҳам яқинлик бўлса-да, кўл ўпишнинг яқинлигига нисбатан хатодир.

- Ноўрин сўзловчи, ҳар ишга аралашувчилардан бири ҳазрат Усмондан сўради: “Илк икки халифа минбарда пайгамбарнинг жойига ўтирмадилар. Сен нега улардан устун бўлишга интиляпсан? Ҳолбуки сен мартаба жиҳатидан улардан пастсан”. Усмон жавоб берди: “Учинчи зинага ўтирганимда мени Умарга ўхшатишарди. Иккинчи зинага ўтирганимда “Бу Абубакрга ўхшайди, худди ўзи!”- дейишлари мумкин эди. Энг юқоридаги бу зина Ҳазрат Мустафонинг мақоми... У подшоҳга ўхшашнинг иложи

йўк”. Шундан сўнг у марҳаматли ҳалифа хутба ўқийдиган жойда пешинга қадар жим қолди. Бирор кишида “Қани, ўқисанг-чи” дейдиган қудрат ҳам йўк! Элнинг олд кишиларини ҳам, оддий кишиларини ҳам аллақандай салобат босган эди. Масжиднинг ичи, томи нурга тўлган эди!

- Эй мусулмон, “Одоб нима?” деб сўрайдиган бўлсанг, билки: одоб ҳар бир беодобнинг одобсизлигига сабр-тоқат қилишдир.

- Бирор кишининг “Фалон одамнинг табиати, феъл-атвори ёмон” деб шикоят қилганини кўрсанг, билки, бу шикоятнинг талаби ёмондир, ёмондирки, ёмон табиатлининг ёмонлигини айтаяпти! Чунки яхши табиатли инсон ёмон табиатли, феъл-атворли кишиларга сабр қилади, уларнинг ёмонлигини айтмайди. Фақат шайх бирортанинг ёмонлигини айтса, бу Аллоҳнинг амри биландир, ғазаб ёки ҳою ҳавасга эргашишдан эмас! Унинг шикояти шикоят эмас, ислоҳдир. У шикоят пайғамбарларнинг шикоятига ўхшашдир.

- Пайғамбарларнинг сабрсизлиги Аллоҳнинг амри биландир, аслида уларнинг осойишта ва мулойимлиги ёмон нарсаларга бардош беришга етади. Улар ёмонликка сабр қила-қила табиатларини ўлдирдилар. Энди уларда бирор сабрсизлик кўрилса, ўзларидан эмас, Аллоҳдандир.

## ОҚИБАТ

- Денгиздан чиққан яна денгизга қайтади, қаердан келган бўлса, яна ўша ерга боради.

- Бу дунёда Умарнинг исми “Бутга топинувчи” бўлди, холбуки Элестда унинг исми “Мўмин” эди. Аллоҳ инсоннинг оқибатига қараб исм беради. Халқ кўйган исмга қараб эмас!

- Мевалар кўнгилда олдин пайдо бўлади, кейин юзага чиқади, ишга киришиб, дарахт экинми, дастлабки

харфни охирида ўқидинг демакдир. Гарчи шох, япрок ва илдиз аввал пайдо бўлса-да, буларнинг барчаси мева учун яраллади.

- Пайгамбар (с.а.в.): “Ўзи дунёдан кетиб, яхши иши қолган инсон қандай бахтли” деган эдилар. Эҳсон соҳибни ўлди, аммо унинг эҳсони ўлгани йўқ... Аллоҳ хузурда дин ва эҳсон кичик ва аҳамиятсиз нарса эмасдир! Ўзи ўлиб, исёни қолган кишининг ҳолига вой! Ўлди-ю жонини қутқарди” - деб ўйлама асло!

- Ўт ва арпа еган қурбон бўлади. Аллоҳ нуридан озикланган “Қурбон” бўлади.

- Бир муддат жон талашдинг, аммо ҳамон парда ортидасан. Чунки ўлолмадинг, ҳолбуки ўлим асл эди.

- Ўлмагунча жон талашини ниҳоясига етмайди. Нарвон тугамагунча томга чиқа олмайсан.

- Юз қулоч ипнинг бир қулочи кам бўлса, челакка қудук суви тўлмайди.

- Бу кема керагидан ортикча бўлган сўнгги юкни юкламаса ботмайди. Асосийси сўнгги юк, нима қилса шу қилади. Васваса ва исён кемасини у ботиради.

Маккаликларнинг бири юз бўлди. Қиёматга қадар мартабалари юксалди. Абраҳа ҳам, унинг қаъбаси ҳам ернинг тубига кирди. Бунинг сабаби нима? Толенинг инояти бу. Йиртқич ҳайвонга ўхшаган Абраҳа келтирган мол-мулкдан араб фақирлари бой бўлдилар. У “Қўшин тортиб келаянман” деб ўйлаган эди, ҳолбуки маккаликларга мол-мулк ва олтин олиб келаётган эди.

## ОЧЛИК

- Очлик “У билан янада қучлироқ, шердек бўлсинлар” деб Аллоҳнинг хос бандаларига берилган. Очлик ҳар қандай йўксилга қандай берилсин? Ўт кам эмас-ку, олдига кўявердилар. “Е – дейдилар – сен фақат шунга

лойиксан. Сувда сузадиган куш эмассан сен, нон ейдиган кушсан”. Бир шайх муриди билан қийин аҳволга тушиб қолди. Шаҳарда нон бор эди, яшаётган жойларида очарчилик эди. Муриднинг кўнглидаги очлик кўркуви, гафлат боис ҳар лаҳзада кучаймоқда эди. Шайх буни билар, муриднинг кўнглидан ўтганларни сезиб турар эди. Унга шундай деди: “Токайгача бу алам-у изтироб ичида яшамокчисан? Нон дардида куйиб адо бўлаяпсан. Аллоҳга таваккул кўзини буткул ёпибсан. Сен у олий зотлардан эмассан-ку, сенга ёнғоқ ва майиз бермасалар. Очлик Аллоҳ сайлаганларнинг озуқасидир. Сендек аҳмоқ йўқсил қандай қилиб унга орзуманд бўлдинг? Хавотирланма, сен улардан эмассан-ку, бу ошхонада нонсиз қолсанг. Нафснинг қули бўлган бу пасткаш кишиларга коса устига коса, нон устига нон узатилади. Бундай одам ўлиши билан нон олдинга тушиб, “Эй умидсизлик билан ўзини ўлдирган! Мана, сен ўлдинг, нон эса қолди. Қани туриб нонингни ол, кўрайликчи, эй ўзини аламлар билан ўлдирган!” - дейди. Ўзингга кел, қўл-оёғинг қалтирамасин. Ризқинг сенга сендан кўра кўпроқ ошиқ. Бу ошиқ сенинг сабрсизлигингни билди, эмаклай-эмаклай ёнингга келади, эй тутуруксиз! Сабр қилсайдинг, ризқинг келиб, ошиқлардек ўзини бағишлар эди. Очликдан кўрқиб-қалтирашинг нимаси? Аллоҳга таваккул қилиб, жуда ҳам тўқ яшап мумкин.

## ПАЙҒАМБАР

- Бу давр сенинг даврингдир. Ҳазрат Мусо (а.с.) ҳам доимо сенинг замонингни орзу қилди. Умнатлар “Ё Раб” десинлар деб Ҳазрат Аҳад (с.а.в.) дунёда қанча бутларни синдирди. Аҳмаднинг (пайғамбаримизнинг) уринишлари бўлмаганида эди, сен ҳам ота-боболаринг каби бутларга сажда қилар эдинг. Аҳмаднинг умнатлари ҳаққини бил, бошинг бутга сажда қилишдан қутулди.



- У ҳар бир кишига ота-онасидан меҳрлироқ эди. Пайгамбар: “Эй улуғлар, мен сизга отадек ғамхўрлик қиламан, сизни оталарча севаман. Чунки сиз менинг парчаларимсиз. Нега парчани бутундан айирасиз?” - деди. Қисм бутундан айрилгач ҳеч нарсага ярамайди. Таннинг бир аъзоси кесилдими, у аъзо ўлади. Яна аслига кўшилмаса ўлади, жондан хабари ҳам бўлмайди. Ўйнаса, ҳаракат қилса ҳам бу унинг тириклигига далил бўла олмайди.

- Севганидан айрилган, камокка тушган одамнинг кўнгли совуёди. Бизнинг кўнглимизда лолазор, атиргул чамани бор. У ерда сўлишнинг, паришон бўлишнинг имкони йўқ! Доимо ёшмиз, латифмиз... доимо гўзалмиз, доимо кулиб тураммиз!

- Анас бин Моликдан (р.а.) ривоят қилишларича, бир киши уникида меҳмон бўлган эди. У шундай хикоя қилади: “Овқатлангандан сўнг сочикнинг сарғайгани, кир бўлганини кўрган Анас (р.а.) хизматкор аёлга: “Буни тандирга ташла, биров қолдир”, - деди. Анас (р.а.)нинг сирларидан вокиф бўлган хизматкор сочикни олов ёниб турган тандирга отиб юборди. Меҳмонлар ҳайратда қолдилар. Улар сочикдан тутун чиқишини, ёниб кетишини кўтмаган эдилар. Бир маҳал қарасалар, хизматкор сочикни топ-тоза, қурук ҳолатда келтирди. У ердагилар: “Эй пайгамбар билан кўришиб-суҳбатлашган азиз зот, қандай қилиб сочик ёниб кетмади, топ-тоза бўлди?” - дедилар. Анас шундай жавоб қайтарди: “Ҳазрат Мустафо бу сочикка қўлини, оғзини артган эди, шунинг учун!”.

Эй оловдан, азобдан кўрққан кўнгли, ана шундай қўлга, ана шундай оғизга яқинлаш! Бу қўл, бу оғиз жонсиз бир нарсага шундай улуғлик берса, ошиқнинг руҳига нималар бермайди?!

Қаъбанинг тошини, ғиштини ўпди. Қаъба (бутхона эди) қибла бўлди. Эй жон, сен ҳам ҳаракат қил, эрлар (улуғлар, авлиёлар – с.б) қаршисида тупроқ бўл (эрлар сени бутлардан озод қилсинлар!).

- Пайгамбар (с.а.в.): “Мен ва асҳобим Нухнинг кemasига ўхшаймиз. Ким бу кемага интилса, кирса нажот топади” - дедилар.

- Эй Мустафо, бу нур денгизда дарғалик қилинг... Чунки Сиз иккинчи Нухсиз!

- Оқилларга бир йўлбошчи лозим... Айниқса йўл денгиз йўли бўлса! Туринг-у йўли тўсилган карвонга қаранг... ҳар томонда хўжайиндек кезган ажиналарни кўринг! Сиз даврнинг Ҳизирсиз, ҳар кемага мадал берган сизсиз...

- Эй пайгамбар, ҳидоят Қоф тоғига ўхшайди, Сиз эса хумосиз! Тўлин ой тунда осмонда сузади... итлар овозидан тўхтаб қолмайди. Сизни ерга урувчилар сизнинг тўлин ойингизга қараб ҳурувчи итларга ўхшайди! Бу итлар “Жим бўлинг, тингланг” амрини эшитмайдиган қарлардир... аҳмоқликларидан сизнинг тўлин ойингизга қараб ҳураётирлар!

- Эй шифо, хастанни тарк этма... Эй шифо, хастанни тарк этма, қарга жаҳл қилиб кўрнинг таёгини ташлама! Сен айтмаганмидинг: “Кўрни йўлда кўриб ёрдам берган Аллоҳдан юзлаб ажрлар олади, юзлаб савобларга ноил бўлади! Кимки кўрни қирқ кадам етакласа, гуноҳлари афв этилади, тўғри йўлни топади!” деб. Шундай экан, бу бевафо дунёдаги кўрларни тизиб етакла. Тўғри йўлни кўрсатганинг иши шу: сен ҳам тўғри йўлни кўрсатувчисан... охир замон мотамига қувончсан сен!

- Эй менинг энг улуғ пайгамбарим, сизни даврнинг Исрофилисиз: туринг-да қиёматдан олдин бир қиёмат кўптиринг! Ким “Қани, қаерда қиёмат?” деса, ўзингизни кўрсатинг, мана, қиёмат менман денг! Эй азобларда қолиб савол берган киши, эътибор бер, қара, кўр. Бу қиёматдан юзлаб оламлар қўпаётир!

- Бу сўзнинг ниҳояси йўқ, Мустафо (а.с.) унга имон келтиришини айтди, у эса қабул қилди. Одам Ато: “Худо ҳаққи” деди. “Умрбод сенинг меҳмонингман. Қаерда бўлсам, қаерга борсам ҳам сенга меҳмонман. Мени тирилтирдинг,

сенинг озов кулинг, сенинг эшикбонингман. Бу хос дастурхондан ўзга дастурхонни ихтиёр этганинг бўғзини суяк йиртади. Кимки сенинг дастурхонингдан бошқа дастурхонга кетса, билки, шайтон у билан бир косадан овқат ейди. Ким сен билан кўшниликдан кочса, шубҳа йўкки, унга шайтон кўшни тутинади. Кимки сенсиз олис сафарга чикса, шайтон унга ҳамроҳ бўлади, у билан бир дастурхонда ўтиради... Меҳмон деди-ки: “Эй Аллоҳнинг расули, булутсиз куёш каби пайгамбарликни сиз ўринлатдингиз, ёруғ ҳолга келтирддингиз, файзиёб этдингиз”.

- Осмонлар унинг ойига кулдир. Шарк ҳам, Ғарб ҳам ундан насиба тиламоқда. Фармонида “Сен бўлмаганингда осмонларни яратмас эдим” дейилган зот шундай зотки, ҳамма унинг неъматларига, унинг ризк улашишига муҳтождир. У бўлмаганида осмон бўлмас эди, айланмас эди, нурланмас эди, фаришталарга макон бўлмас эди.

- У бўлмаганида денгизлар бўлмас, денгизлардаги хайбат яралмас, баликлар ҳам, шохларга муносиб дурлар ҳам пайдо бўлмас эди. У бўлмаганида ер юзи бўлмас, ер юзида яминлар, ер остида хазиналар бўлмас эди.

## РИЗК

- Қисмати сомон чўпича ҳам бўлмаса-да, хирси тоғдек... Аллоҳга қарагулик юзи йўқ. Дунёда қадр-қийматга эга!

- Эй “Кўлимда ноним йўқ” деб ғамдан ўлган, Аллоҳ суриштиргувчи, ҳукм этгувчи ва марҳаматли бўлса, бу қандай кўркув?

- Заҳматсиз ризк нималигини биласанми? Рухларнинг озиғи, пайгамбарларнинг насибалари. Заҳматсиз, ҳисобсиз ризк кидирки, Жабронил сенга жаннатдан олма келтирсин. Ҳагто боғбоннинг гапларидан бошинг огримасдан ҳам, осонгина жаннатдан ризк оласан. Чунки нондаги фойда ва лаззат Аллоҳ эҳсонидир. Истаса ўша фойдали нарсани, яъни нонни восита қилмай ҳам беради.

- Ризқ улашиш Яратганнинг ишидир. Ҳамма Аллоҳнинг кўрсатмасига биноан ҳаракат қилади, бошқача ҳаракатга имкон йўқ.

- Аллоҳ: “Аллоҳ берган ризқдан енг”, - деди. Сен бу ердаги ризқ нон деб ўйладинг, ҳикмат эканлигини англамадинг!

- Аллоҳ берган ризқ инсон мартабасига кўра ҳикматдир. У ризқ сенинг бўғзингда турмайди, сени ўлдириб махв этмайди!

- Ризқни Ундан сўра, Зайддан, Амрдан эмас! Сархушликни Ундан тила, шаробдан, афюндан эмас. Бойликни хазинадан, мол-давлатдан эмас, Ундан сўра. Мададни тогаю амакидан эмас, Ундан тила.

- Бу майда ризқ бўлақларидан кутулсанг, юксак ва латиф ризқларга эга бўласан. У маънавий ризқдан минг оққалаб есанг ҳам, пок ва қушдек енгил бўласан.

- Рўзани тарк этма, сабр қил, ҳар лаҳзада Аллоҳнинг ризқини кут. Чунки амали гўзал Аллоҳ кутганларга тухфалар беради.

- Ўзингга кел, кўл-оёгинг титрамасин. Ризқинг сендан кўпроқ сенга ошиқдир. Ошиқдир, сенинг бесабрлигингни биледи, эмаклаб-эмаклаб олдингга келади, вайсақи! Сабр қилганингда эди, ризқинг келиб ошиқлардек ўзини сенга таслим қилган бўлар эди.

- Очликдан кўрқиб қалтираш нимаси? Аллоҳга таваккал қилиб, тўқ яшаса бўлади, ахир!

## САБАБ

- Сабабларни кўрасан-у уларни яратгандан беҳабарсан. Бу ҳақиқатни яширган, яратувчини пинҳон тутган сабабларга шунинг учун мойилсан сен. Сабаблар бартараф бўлиши билан бошингни муштлай бошлайсан, “Ё Раббий” дейишга тушасан. Аллоҳ сенга: “Қани бўл, сабабга бор...

Қандай ажойиб ҳол, сен мени мен яратган сабаблар туфайли эсга олдинг-а?!" - дейди. Аллоҳ: "Сени қайта сабаблар оламига жўнатсам яна сабабга ёпишасан. Тавбасида турмаган аҳмоқ, ярамас одам! Аммо мен бунга карамайман, раҳматим мўлдир. Раҳмат атрофида айланаман, ҳаммага раҳмат қиламан. Сенинг ёмон аҳдингга карамайман, мадомики, энди мендан тилаяпсан, карамимдан эҳсон қиламан, муродингга етказаман" - дейди.

- Пайғамбарларнинг ақлимизга, ўйимизга сиғмаган юз минглаб мўъжизалари сабаблар туфайли эмас, Аллоҳнинг иродаси билан бўлгандир. Йўқларга қобилият қаердан келади? Қобилият Аллоҳ ишида шарт бўлсайди, ҳеч бир "йўқ" борлиқ оламига келмаган бўлур эди.

- Излаганлар учун кўк пардаси остида бир низом, сабаб ва йўллар яратди. Бўлган нарсаларнинг аксарияти шу низом асосида амалга ошади. Аммо баъзида қудрат у низомни бузади. Яхшилик билан низом, тузук қўйди, аммо кейинроқ бу қондани бузди, буни "мўъжиза" дедилар. Сабабсиз ҳолда бизга юксалиш насиб этмайди. Насиб этмайди, аммо қудрат сабабни бартараф қилишга кодир.

- Эй сабабга ёпишган киши, сабаб туфайли севинма. Сабабни яратгани бекор санашга интилма. Сабабни яратган Аллоҳ нима хоҳласа қилади. Қудрат сабабларни бартараф қилади. "Излаган ниятига етсин" деб қилган ишларини сабаб билан қилади, сабаб билан яратади. Сабаб бўлмаса мурид қандай йўл изласин? Шу ҳолда йўлда сабаблар кўриниши лозим. Бу сабаблар фикрларга пардадир. Чунки ҳар кўз унинг санъатини кўришга лойик эмасдир.

- Сабабни йиртадиган бир кўз керакки, пардаларни таг-туғидан қўпорсин. Шу тарзда ломакон юртида сабабларни яратгани кўрсин, ҳаракатни, манфаатни беҳуда санасин. Ҳар қандай яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам сабабни яратган туфайлидир. Сабаб ва воситалар бир муддатлик

гафлат ўтсин деб йўл устида тўпланган хаёлдан бошқа нарса эмас.

- Ахмоқларга ўхшаб найзадан марҳамат кутма, найзани ушлаб турган подшоҳдан кут. Найзага, қиличга қандай ёлворасан? Улар ўша олий зот қўлида банддир. Аллоҳ деди-ки: “Аён илмим ҳурмати сени халқнинг жаллоди қиламан”. Азроил деди: “Ё Раббий, одамлар менга душман бўлади. Ўлим асносида бўғзидан тутдимми, ҳамма ганимга айланади. Олий Тангрим, халқнинг мендан нафратланиши, менга душман бўлишини истайсанми? Менга шунини раво кўрасанми? Одамлар сендан юз ўгирадилар, хасталиклар, сабабларга уч карра боғланадилар, фақат уларни кўрадилар”. Азроил: “Ё Раббий, шундай бандаларнинг борки, улар сабабларни йиртадилар. Кўзлари сабаблардан ўтади, сенинг эҳсонинг билан пардалардан ошади. Кўз шифокоридан бирлик сурмасини оладилар-у иллатдан ҳам, сабабдан ҳам халос бўладилар. Билиб қўйки, ҳар қандай дарднинг давоси бор. Совуқ дардининг давоси мўйна бўлганидек. Аммо Аллоҳ бирор кишини музлатмоқчи бўлса, юзта мўйна кийса ҳам совуқ уради. Бадани шундай қалтирайдики, на кийим иситади, на уй”. Аллоҳ дейди: “Аслини билган киши қандай қилиб сени кўради? Ўзингни халқдан яширдинг, аммо сирларни аён кўрувчилар наздида сен бир пардасан”.

- Тегирмон тошининг айланишини кўрдинг, келиб дарёни ҳам кўр. Тупроқни, чангни ҳаволанган ҳолда кўраяпсан, тупроқ орасидаги елни ҳам кўр. Фикр қозонининг қайнаганини кўраяпсан, ақлингни бошингга тўпла-ю оловга назар ташла. Аллоҳ Айюбга эҳсонлар ҳақида гапирар экан: “Мен сенинг ҳар тукнингга бир сабр бердим”, - деди. Ўзингга кел, сабрга маҳлиё бўлма. Сабрни кўрдинг, сабр бергани ҳам кўр. Тегирмоннинг айланишини қачонгача кўрасан? Бошингни бур, шитоб ва жўшқин оқаётган сувни ҳам кўр.

- Одамларнинг кўзини сабабларгина тўсади. Сабабдан кўриб, титраб-какшаган асҳобдан эмасдир.

## САБР

- Агарда кўр бўлсанг, кўрга таклиф йўк. Кўр бўлмасанг, кел. таклиф бор: сабр нажот калитидир. Сабр дориси кўзлардаги пардани йўкотади, кўнгилларни ҳам ёриб очади.

- Сабр имон туфайли бошқаларга тож бўлади. Шунинг учун сабри йўкнинг имони ҳам бўлмайди.

- Унингдек тасбех йўқдир. Сабр қил, асл тўғри тасбех шудир. Сабр қил, “Сабр тангликнинг, изтиробнинг калитидир”.

- Сабр Сирот кўпригига ўхшайди, жаннат нариги томонда. Ҳар гўзалнинг хунук энагаси ёхуд оталиғи бор. Улардан кўрсанг висолга имкон йўк. Эй озгина нарсадан ранжигувчи нозик кўнгилли, сен сабрнинг завқини қаердан ҳам билар эдинг?

- Шошқалоклик шайтоннинг хийласидир, сабр ва тадбир – Аллоҳнинг лутфи.

- Сабр қилсанг ёмон дўст яхши бўлади. Сабр инсоннинг кўнглини кенгайтиради. Тунда ойнинг сабр қилиши уни ойдинлатади. Атиргулнинг тиканга сабр этиши уни муаттар бўйли қилади. Шернинг қон-у терга сабр қилиши уни бўғалокларга тўйдиради. Пайгамбарларнинг мункир (инкор этувчи)ларга сабр қилиши уларни Аллоҳнинг хосларига айлантиради, соҳибкирон қилади. Қимда яхши бир либос кўрсанг билки, уни сабр ва ҳаракат билан кўлга киритгандир.

- Кимни оч, яланғоч кўрсанг бу ҳали сабрсизлигига далилдир. Ким хайнкиб, азоблар ичида ўртанса, албатта, ёмон кишига шерик бўлгандир. Агар сабр қилсанг, ҳамроҳингга таҳаммул ва вафо кўрсатсанг севганингдан

айрилмас, бошингга муштлаб ўтирмас эдинг. Асал ва сут аралашиб кетганидек, Аллоҳнинг табиатига эргашсайднинг: “Мен ботганларни ёқтирмайман” - дер, карвондан адашган йўловчидек йўл устида ёлғиз қолмас эдинг. Сабрsizлик туфайли Аллоҳдан бошқасига дўст бўлдингми, яхшиликдан бенасібсан, дарддасан. Сухбатнинг соф олтин бўлса, қандай қилиб уни хоинга омонат қолдирасан? Аллоҳ билан бирга бўл, унинг одатларига одатлангин-у омонатинг зое бўлмаслигига ишончинг қомил бўлсин. Феъл-атворларни яратганининг феълига эргаш, пайгамбарларнинг ахлоқини гўзаллаштирган Аллоҳнинг ахлоқини ўзлаштир. Унга кўзичоқ берсанг, сенга сурув эҳсон этади. Ҳар сифат-у камолга етказувчи Аллоҳдир.

## САДАҚА

- Ҳазрат Пайгамбар дедилар-ки: “Икки фаришта ёқимли овозда хитоб қилди: “Эй Аллоҳ, муҳтожларга керак нарсаларни берганларни тўйдир, берган бир дирҳами эвазига юз минг эҳсон қил! Ё Раббий, молини асраганларга, қизганганларга зиён ичида зиёндан бошқа нарса берма!”. Аммо шундай қизганиш борки, бергандан яхшидир. Аллоҳнинг молини Аллоҳ буюрган жойдан бошқа ерга сарфлама-ки, беадоғ хазинага эга бўласан, шу билан бирга кофирларга, куфрни неъмат қилганларга қўшилмайсан”.

- Кофирлар қиличлари Мустафо (а.с.)дан устун бўлишлари учун туяларни қурбон қилар эдилар. Ноўрин эҳсон осий банданинг “Адолат қиялман, эҳсон кўрсатаялман” деб подшоҳнинг молини осийларга улашишига ўхшайди. Осийнинг шу ади-у эҳсони уни подшоҳдан янада узоқлаштиради, обрўйини туширади, юзини қора қилади. Макка улугларининг пайгамбар билан жанг қилаётганларида қурбонлик қилишлари Аллоҳ томонидан қабул қилинади деган умид бор эди. Шунинг



учун мўмин жамоа кутилган натижага эриша олмаслигидан хавфсираб, намозда: “Иҳдинас сиротол мустақим” (“Бизни тўғри йўлга бошла”). - дер эди.

- Ҳақ йўлида нон берсанг – сенга нон берилади; Ҳақ йўлида жон берсанг – сенга жон бахш этадилар. Чинорнинг япроқлари тўкилса, Аллоҳ унга япроксизлик озиғи беради. Борини таркатиб, кўлингда ҳеч вако қолмаса, Аллоҳнинг инояти сенинг оёқлар остида топталишингга йўл кўядими?

- Бир киши экин экса, омбори бўлмайди, аммо бунинг яхшилиғи далада намоён бўлади. Агар уругни омборда йиғиб ўтираверса, вақт ўтиши билан сичқонлар, куртлар уругни еб битиради. Бу дунё ўткинчидир: кидирганингни барқарор оламдан кидир! Сурагинг (шаклинг) аҳамиятсиз, истаганингни маъно оламида изла! Аччиқ ва шўр жонни қилич олдиға кўй, фидо қил ва тотли денгиздек жонни ол!

- Ҳар киши ўз қавмига (табиатиға мос кишиларға) сажийлик қилиб мол-мулк беради, нодон киши шу билан бир иш қилдим деб ҳисоблайди.

- Бегараз берувчи фақат Аллоҳдир, Аллоҳдир, Аллоҳ! Ёки Аллоҳнинг одатларини одат қилган, нур бўлган, Аллоҳнинг жилвасини кўлга киритган авлиё. Чунки у гани(й)дир, ундан бошқа ҳамма йўқсил. Йўқсил эваз умид қилмасдан, “ол” дея оладими, мол бера оладими?

- Садақа берган билан мол камаймайди. Хайр қилиш молни исроф бўлишдан қутқаради.

## САЛОБАТ

- Ўзича: “Мен не-не подшоҳларин кўрдим, буюк султонларға маъқул бўлдим. Улардан кўркмас, хайикмас эдим. Бу авлиёнинг салобати ҳушимдан айирди. Арелонлар, қоплонлар изғиган ўрмонларда юрдим, рангим ҳам ўзгаргани йўқ. Бир қанча жангларда қатнашдим, оғир

жароҳатлар етказдим. Шундай вазиятларда ҳам қалбим ҳозиргидан қувватлироқ эди. Бу одам қуролсиз, қурук ерда ётибди, менинг етти аъзойим дир-дир титрамоқда, нима бу? Бу ҳайбат, салобат Ҳақдандир, одамдан эмас, бу ҳайбат хирқали одамники эмас”, деди. Бир киши Ҳақдан кўрқиб, такво йўлини тутдими, жин ҳам, инсон ҳам уни кўрса кўрқади.

- Муҳаббат ва маҳобат бир-бирининг зидди бўлгани ҳолда кўнгилда бирлашади.

- Подшоҳлар тахтга ўтиришлари билан атрофларига қилич ушлаган соқчиларни кўядилар. Бу савлатли соқчиларнинг қўлларида таёқлар, найза ва қиличлар бордир... арслонлар уларни кўрсалар титрайдилар. Соқчиларнинг овозларидан, чавгонларидан, жонлар ҳайиқади, ҳайбатидан ҳар ким чўчийди! Бу йўлдаги оддий ёхуд илк ҳалқа подшоҳлар подшоҳидан хабар бериш учундир. Бу ҳайбат одамларнинг кибрланмасликлари, ҳеч ким бошига буюклик кулоҳини киймаслик учун ҳалққа бир намоёишдир. Шу шаклда улардаги кибрни ўлдириш, нафсининг камроқ ёмонлик қилиши кўзланади. Подшоҳнинг қаҳри келган, ғазабнок бўлган пайти, қудрати шу тарзда одамларга билдирилади ва шаҳар хавфсизлик ичида бўлади. Шу зайлда нафслардаги бадбинлик ҳаваслари ўлади, подшоҳнинг ҳайбати ёмонликларга моне бўлади. Аммо подшоҳнинг хос мажлисларига келганда ўртада ҳайбат, жазо қоладими?

## САХОВАТ

- Аллоҳ жон бағишлаганларга юз минглаб жон ҳадя этади. Буни кўрмаган киши қандай қилиб сахий бўлиши мумкин? Агар кўрганингда қандай қилиб жон беришга иккиланар, биттагина жон учун бунча қайғу чекар эдинг? Сув бўйида сувни қизганган киши дарёни кўрмагандир.

Пайғамбар: “Қиёмат куни бериладиган эвазни – мукофотни яхши билган, бирга ўн хисса эваз берилишини англаган кишининг сахийлиги ортиб боради, бундай одам турли ҳолатларда сахийлик қилади. Сахийлик барча эвазларни кўришдир. Шу ҳолда эвазни кўриш кўркувнинг аксидир. Хасислик эса эвазни кўрмасликдир. Марваридни кўриш денгизга шўнғиган ғаввосни севинтиради. Агар саховат эвазига бериладиган нарсаларни ҳамма кўрганида эди, дунёда хасислар бўлмасди. Чунки ҳеч ким бирор нарсани шунчаки бермайди. Саховат кўлдан эмас, кўздандир. Мухими кўришдир, кўзи очикдан бошқаси кутила олмайди”.

- Саховат шаҳватларни, лаззатларни тарк этишдир. Шаҳват туфайли йиқилган турмайди. Сахийлик жаннат сарвининг бир шохидир. Шундай шохни кўлидан кўйганнинг ҳоли вой.

- Қармогингдаги гўшт бўлаги баликни овлаш учун. Бундай лукма на эҳсондир, на саховат!

- Пайғамбар дедики: “Эҳсон килинган нарсага бериладиган эвазни яхши билган бу дунёда эҳсон қилади. Берилган нарсага бериладиган юзлаб эвазни кўрган дархол саховатни, эҳсонни бошлайди. Ҳар бир киши фойда олай деб молини бозорга, дўконга олиб чиқади. Ҳамёндаги олтинларнинг эгаси фойда олсин-у уни камбағалларга берсин деб сабр билан кутади. Сотувчи кўлидаги матолар кимматлашиши билан улардан кўнгли совийди. Матоларнинг кўпроқ фойда келтирганини кўрмайди, шу сабаб уларни кўлдан чиқармайди. Билим, ҳунар, санъат ҳам шундайдир. Буларга эга бўлганлар булардан шарафлироқ, кадрлироқ, устунроқ нарсаларни кўрмайдилар, шунинг учун уларга аҳамият берадилар”.

- Сахий бўлмаган кўлнинг кассоб чопкисидан чопилгани яхшироқ.

## СЎЗ

- Сўнгра улуғлик соҳибни Аллоҳдан раҳмат бўлиб сўзларимизнинг мукофоти икки ҳисса бизга келади. Нафсимиз поклиги сабабли ҳадя сифатида бақо маконига юксалади. Кейин банда муяссар бўлган нарсаларга яна бир бор ноил бўлсин деб бизни ўша гўзал сўзларга элтади, бизга яна шундай сўзларни айттиради. Шу тариқа энг гўзал сўзларни айтгач Аллоҳнинг раҳмати ёғилмоқда ва бу ҳол сенда доимийдир.

- Сўзлар, ёзувлар тузоқларга ўхшайди. Ширин сўзлар умримизнинг қулидир.

- Маъносиз сўз сув устига ёзилган ёзувдир. Ундан вафо кутсанг бармоқ тишлаб қоласан (пушаймон бўласан).

- Фойдаси йўқ сўзни сўйлама, фойдаси бўлса эътирозни кўйиб, шукр қил!

- Беҳудага гап бўлсин ёки ҳикоя деб чакмоқтош билан темирни бир-бирига урма! Зеро атроф зулмат, ҳар томонда пахта. Пахта орасида учқун қандай туради? Золимлар шуларки, кўзларини юмганлар, айтган сўзлари билан бутун оламни куйдирганлар. Бир сўз дунёни абгор қилади, ўлган тулкиларни арслон қилади. Қалблардан парда кўтарилсайди, ҳар жоннинг сўзи Масиҳ каби таъсир қилар эди.

- Тинглашга эҳтиёж бўлмай тушунилган сўз таъмасиз ва эҳтиёжсиз Аллоҳнинг сўзидир. Огиздан чиққан сўз, билиб қўйки, ёйдан отилган ўқ кабидир.

- Эй тил, сен ҳам оловсан, ҳам хирмон! Токайгача хирмонни ёқасан? Жон нима десанг шуни қилиш билан бирга яширинча сенинг дастингдан фарёд этмоқдадир. Эй тил, сен ҳам битмас-туганмас бир хазинасан, ҳам бедаво дардсан!

• Тингловчи чанқок бўлса, нотик ўлик бўлса ҳам гапиради. Тингловчи янги келган ва зерикмаган бўлса, тилсиз ҳам булбулга айланади.

• Пок сўз ҳақиқатдан йирик бўлган кўнгилларни макон тутмайди, нурнинг аслига қайтади.

• Инсон тили остида ниҳондир. Бу тил жон эшигига пардадир. Бу уйда жавоҳир борми, бугдойми... олтин хазинасими ёки илон ва чаёнлар билан тўлами?

• Бу тил дейилган гўшт бўлагидан ҳикмат дарёси окмоқда... Қулоқ деган тешиқлардан оқиб, меваси ақлидирок бўлган қалб боғига қадар бормоқда.

• Пайғамбар (с.а.в.): “Аллоҳни билганинг тили тутилади”, - дедилар.

• Суҳбат борки, ўткир қиличга ўхшайди, экинни, боғ-роғни кишдек қийратади. Суҳбат борки, баҳор қабидир, ҳар томонни яшнатади, беҳисоб мева беради.

• Эй нурларни пардасиз қабул қилишга истеъдоди йўқ киши. Ҳеч бўлмаса, ҳарфларда яширин нур бўлган ҳикмат сўзларини ҳис қил, уларни е!

• Ҳар даврда сўз айтувчилар топилади, аммо олдин ўтганларнинг сўзлари фойдалироқдир.

• Ортиқча сўзни сот-да, жон, мартаба, пул бағишлашни сотиб ол. Шунда сени Аллоҳ ҳам мактасин, рутбангга, даражангга осмон ҳам ҳасад қилсин.

• У кўркам йигит, у пайғамбар: “Сўзда сеҳр хусусияти бор” - деди, тўғри айтди.

• Мажлисида менга сўз айттирадиган одам топсам, гулзор қаби юз минглаб атиргул ундираман.

• Дарвешларнинг сўзлари ва орифларнинг ҳикматларини шу беҳаёлар тилларига жойлаганлар. Уни англайдиган, юзага чиқарадиган фарқли қобилиятлари бор эди, аммо хирс ва таъма инсонни кўр-у қар қилади!

• Сукут денгиздир, нутқ ирмоққа ўхшайди... денгиз сени қидирмоқда, сен ирмоқни излама.

- Сўз бир томондан маънони очса, ўн томондан ёпади, яширади!

- Иш ва сўз ички дунёнинг гувоҳларидир. Шу иккисига қара-ю ички оламнинг қандайлигини англа.

- Вафонг бўлмаса кўп гапирма. Сўзнинг кўпи ҳамма нарсани ўз фикрига мослаштириш дарагидир. Бу сўз кўнгилни камолга бошлайди. Сукут сақлаган инсон юз марталаб камолга интилади. Дилдаги тилга чиқдимми, сарф бўлиб кетади. Кўп сарф қилма, у гўзал кўнгил қолсин. Кам гапирган одам теран фикрлайди. Нутқ қобиги қалинлашдимми, мазмун йўқолади. Қобик қалин бўлса, дил кичраяди, заифлашади. Кўнгил камолга етиб, гўзаллашгани сайин қобик юпқалашади.

- Одам шундай насиҳат уругларини эди, аммо ўғилларининг ери қурғокчил эди, наф бўлмади. Насиҳатгўй юз марталаб ҳаракат қилса-да, насиҳатни тинглаш ва қабул қилиш учун тингловчида қабул қилувчи қулоқ бўлиши керак. Сен юзлаб лутфлар билан унга ўғит берасан, аммо ўғитнинг унинг қулоғига кирмайди ҳам. Тингламайдиган бир қайсар одам юзлаб воизни ожиз қолдиради. Пайғамбарлардан насиҳатгўйроқ, нотикроқ ким бор? Нафаслари тошга ҳам таъсир қилади. Аммо тоғ-тош уларнинг сўзларини эшитди, таъсирланди-ю бахти қора кишининг бахти очилмади. Манман кўнгиллар уларнинг сўзлари қаршисида тошдан қаттиқроқ ҳолга келадилар.

- Қанча одамларга шеър-у наср айтасан, сирларини ошкор қиласан? Хўжам, бир кунгина тилсиз бўлишни синаб кўр.

- У таклидчида юзлаб далил, юзлаб сўзлар бор. Аммо гапиришгач кўрдингки, уларда қалб йўқ. Гапирганда қалб ва нур бўлмаса, сўзида япроқ ва мева қаердан бўлсин? Шундай сўз таъсир қиладими ҳеч?

- Ширин сўзли жоҳил дўстнинг сўзларига ишонма. У сўзлар эскирган, кўп йиллик заҳарга ўхшайди.

- Иккита тўғри сўз айтдингми, ёлғон сўз ҳам унга эргашади, уланиб кетади. “Сўз сўзни очади” дейдилар, бу гапни эшитмаганмисан сира? Асло “Тўғри сўзга киришай” дема. Чунки сўз тўғридан эгрига кетаверади, оғзингни очдингми, энди сўз сенинг измингда эмас. Пок сўзнинг ортидан нопок сўз ҳам оқади.

- Ғайб хабарларини тингловчи бир кулок бўлмаганида ҳеч бир хушxabарчи осмондан ваҳий келтирмас эди.

- Очик ва тўғри сўз кўнгилга роҳат беради. Кўнгил ёлғон сўз билан таскин топмайди. Ёлғон хасчўпга, кўнгил оғизга ўхшайди. Хас-чўпни оғизда яшириб бўлмайди. Оғизда чўп бўлса, тил уни ташкарига иткитади.

- Сўзнинг жўшиши, уланиб кетиши дўстлик нишонасидир. Сўз айтмаслик дўстнинг йўқлигидандир. Кўнгил дилбарни кўргач қувонмайдами? Булбул атиргулни кўриб қандай жим туради?

- Сув ташнанинг чанқоғини қондиргани каби кўнгил тўғри сўздан ҳузур-ҳаловат топади.

- Бир сўз дўзахдан чиқади, одамнинг лабига келади. Бир сўз эса қалб шаҳридан чиқади, лабга келади.

- Шубҳа йўқ-ки, ҳар тил кўнгилга пардадир. Парда силқиндими, сирлар очилади. Кабоб бўлган бир парча гўштдек кичик парда юзлаб қуёшларни ёпади.

- Тўғри сўз билан аҳмоқни алдаган ёлғон мушк ва саримсоқ хиди каби нафасдан маълум бўлади. Иккиюзламачи, мунофиқ дўстнинг мунофиқлигини сезмаётган бўлсанг, ундан келган бадбўй хиддан англа. Номарднинг наъраси билан мард йиғитнинг наъраси тулки билан шернинг овозидек бир-биридан фарқ қилади. Тил қозоннинг қопқоғига ўхшайди: очилдими, ичида нима борлиги аён бўлади. Акли одам қозонда мазали егулик борми, сирқати ёки нордон таом борми, тутунидан билади.

## ТАВБА

- Одам Ато (а.с.) Фирдавсдан, етти қават осмон устидан энг оддий жойга, эшик олдига узр сўраш учун кетди. Агар сен ҳам Одам Ато фарзанди бўлсанг унга ўхшаб узр сўра, унинг йўлидан бор!

- Қалб оташи ва кўз ёшини бир тут. Бог булут ва куёш туфайли гуллаб-яшнайди.

- Хабарларнинг хабар берувчиси беҳабар, тавбанг гуноҳингдан баттардир. Эй ўтган ҳолига тавба қилмоқчи бўлган! Бу тавба қилишдан қачон тавба қиласан, айт?

- Кибр ва кофирлик у йўлни шунчалик боғлайдики, кибр ва куфр эгаси очикча “оҳ” ҳам дея олмайди!

- Бир киши масжидга кираётиб қараса, одамлар масжиддан чиқаяптилар “Жамоат тарқадими, ҳамма шоша-пиша масжиддан чиқаяпти?” – деб сўради. Бир киши: “Пайгамбар жамоат билан намоз ўқиди, дуосини ҳам тугатди. Салом ҳам берди. Сен қаерга кетаяпсан?” - деди. Одам шундай оҳ чекди-ки, оҳининг тутуни кўринди. Бир “воҳ” деди-ки, кўнглидан қон ҳиди келди. Жамоатдан бир киши: “Сен бу “оҳ”ни менга бер, мен ҳозир ўқиган намозимни сенга бағишлайин”, - деди. “Бердим, намозни қабул қилдим”, - деди. Нариги одам “оҳ”ни, юзлаб ниёзни олди. Тунда тушида гойибдан сасланган фаришта унга: “Сен обихаётни, дардга дармон бўлган амални олдинг. Шу оҳни танлаганинг, ўша ошиқлар гуруҳига кирганинг ҳурмати бутун жамоатнинг намози қабул қилинди”, - деди.

- Отангдан ибрат олсанг-чи... Одам Ато (а.с.) гуноҳ қилгач яширин сирларни билгувчи Аллоҳни ҳозир-у нозир кўрди, тик туриб гуноҳининг афв этилишини тилай бошлади. Қайгу кўлининг ўртасига бориб ўтирди, ҳийла билан баҳона-ю сабаб излаб шохдан-шохга сакрамади. “Раббимиз, биз нафсимизга зулм қилдик”, - деди... Чунки ортида азоб фаришталарини кўрди. Жон каби ниҳон бўлган



азоб фаришталарини кўрди: ҳар бирининг кўлидаги таёк осмонга етай дерди. Ўзингга кел... Сулаймон ҳузурда чумоли бўлгин-у бу таёк сени чил-парчин қилмасин! Тўғрилиқ бекатидан бошқа жойда бир дақиқа ҳам турма... ҳеч киши инсонга кўзи каби энагалиқ қила олмайди.

- Такдир ҳукми ўқилгач кўз очилади, пушаймонлик бошланади! Бу пушаймонлик ҳам қисматдир... пушаймонликни кўй, Аллоҳга сизин!

- Ўзингга кел, бундан чекин энди, чунки Аллоҳнинг қарами билан тавба эшиги очикдир. Тавбанинг ғарб томонида бир эшиги бор, қиёматгача очик бўлади. У эшик куёш ғарбдан чикқунига қадар очик туради, ундан юз ўғирма! Жаннатда Аллоҳнинг раҳмати билан саккизта эшик бор... ўғлон, шу саккиз эшикдан бири тавба эшигидир. Бошқа эшиклар баъзан очилади, баъзан ёпилади, аммо тавба эшиги доимо очикдир.

- Умр дафттарини қорайтирган бўлсанг, қилганларингга тавба қил. Умринг ўтган бўлса, илдизи шу дамдир, тезда умр дарахтини тавба суви билан сугор. Умринг илдизига обиҳаёт тўқгилки, умр дарахтинг яшнасин. Ўтмишдагиларнинг барчаси тавба билан ўнгланади. Ўтган йилдаги заҳар шакарга айланади. Аллоҳ ёмонликларни яхшиликка айлантиради. Ўтмишдаги барча гуноҳларинг ибодат бўлади.

- Тавба отига мин. ўғрига етиб ол, ундан кийимларингни ол, ортга қайт. Тавба оти ғаройиб отдир. Бир лаҳзада шу ўткинчи дунёдан осмоннинг устигача сакраб чиқади. Аммо отни ўғридан эҳтиёт қил. Биласанку, у кийимларингни ўғирлади.

- Тавба қиладилар, Аллоҳ ҳам тавбани қабул қилади. Унинг буйруғини бажарадилар. У қандай ажойиб фармон сохибидир, пушаймон бўлиб, нола чека бошладиларми, гуноҳкорларнинг зоридан арш ҳам боласи устида титраган онадек титрайди, уларни юксакларга олиб чиқади.

## ТАВОЗЕ

- Барча дарёларга сув улашувчи денгиз ҳам ҳар хасни боши устида ташийди. Денгиз шу карами сабабли камаймайди, эҳсони сабабли хўрланмайди.

- Кўлингдан келганича кул бўл, султон бўлма! Тўп каби заҳмат чекувчи бўл, чавгон бўлма! Аке ҳолда бу латофатинг, бу гўзаллигинг қолмагач сен билан улфат бўлганлар сендан безадилар. Сени алдаб юрганлар “Шайтон” номини берадилар.

- Марднинг ови марҳаматдир. Дори дунёда дарддан бошқа нарса изламайди. Қаерда дард бўлса, даво ўша ерга боради. Қаер паст бўлса, сув ўша томонга оқади. Сенга роҳат суви керак бўлса, бор, камтар бўл, раҳмат сувини ич-у сармаст бўл.

- Бугдой юқоридан пастга, ернинг тубига кетади, ундан кейин ердан бош кўтариб юксалади. Ҳар меванинг уруғи ердан унади, кейин бош кўтаради. Неъматларнинг асли фалакдан то ерга қадар, умуман, пастга келдилар, пасайдилар, пок қалбга озик бўлдилар. Тавозе билан фалакдан тупроққа тушгандан сўнг ҳам мард кишининг бир қисми бўлдилар. Шу тарзда у жонсиз нарсалар инсон сифатларига эга бўлди, юксак аршга етди, севинди.

## ТАДБИР

- Аллоҳ берган тақдирни ўз тадбиридан устун кўрган киши қандай қилиб ўз тадбири билан кўнглини овутиши мумкин? Ақлига, тадбирига ишонса тузоқ ичида бўлгани ҳолда тузоқ қуради, аммо на у қутулади, на бу! Юзлаб гулзор, майсазор битса ҳам охир-оқибат Аллоҳнинг элкани чиқади. Экилган экиннинг устига экин экадилар, аммо бу иккинчиси фоний, биринчиси тўғри, ўринлидир. Биринчи экин барқ уриб ўсади, тўпланиб йиғилади. Иккинчи уруғ эса

чириб кетади. Севгилининг хузурида тадбирингни тарк эт; аслида тадбиринг Унинг тадбири. Унинг тақдиридандир! Ҳийлалар, тадбирлар билан ўғирланган молнинг уволи адолат куни ўғирлаган кишининг бўйнида бўлади. Юз минглаб ақл бир жойга тўпланиб, унинг тузоғига қарши тузук курмокчи бўладилар, курадилар ҳам. Қурилган тузукни ишончли, мустаҳкам деб биладилар, аммо хас парчаси шамолга қандай дош бера олади? Агар сен: “Шундай экан, борликнинг нима нафи бор?” - десаиғ сенинг бу саволингда фойда борми, эй қайсар одам?

- Эҳтиёткорлик нима? Икки йўл (тадбир) орасида тараддудга тушмасдан қайси сени адаштирмаса шуни қилишдир. Бир киши: “Бу етти кунлик йўлда сув йўк. Ҳамма томонни товонларни куйдирувчи кум коплаган”, - деса, бошқаси: “Бўлмаган гап... бориб кўр, ҳар тунда оқадиган булоқларни кўрасан”, - деса, кўркувдан халос бўлиш ва ҳақиқатга етиш учун эҳтиёт юзасидан ёнингга сув олиб, йўлга чиқилингни лозим. Йўлда сув бор бўлса, олиб чиққан сувингни тўк..., йўк бўлса... сувсиз йўлга чиққанингни холи вой! Инсоф қилинги, қиёмат куни учун эҳтиёт бўлиб ҳаракат қилинги!

## ТАҚДИР

- Ёзиш асносида кўлни кўрмаган киши қаламнинг ҳаракати қаламдан деб ўйлайди.

- Эй газабнок инсон! Қиёмат билан талашмаки, сенга касд қилмасин. Қиёмат билан талашини жанг саналмайди. Чунки бизни талаштирган қиёматдир.

- Қазо етгач қобикдан бошқа нарсани кўра олмайсан. Шундай бўлгач ёлворини бошла, йинглаб илтижо қилишни, рўза тутишни давом эттир. “Раббим, сен гойибларни биласан. Гуноҳларимиз туфайли биздан интиқом олма” деб ялиниб-ёлвор!

- Агар фалокат кўзимни ва ақлимни ёпмаса, мен ҳаводаги тузоқни ҳам кўраман. Аммо фалокат етганида гидрок мудрайди, ой қораяди, куёш тугилади. Фалокатнинг бундай хийласи надир? Қисматни инкор этганининг инкори ҳам қисматдир.

- Ақлимиз бош-у оёқни ажрата олмасин деб, фалокат келиши билан кўзимизни ёнади. Фалокат ўтгач инсон ўз-ўзини ея бошлайди: парда йиртилган, сир ошқора бўлган; ёқасини йиртади.

- Тўсиқ (ғов)нинг қалинлиги кўринмайди. Чунки у киши унинг қисматга асосан қурилганини билмайди. Не-не кофирлар борки, дин савдосидалар. Аммо ор-номус, кибр кабилар уларнинг тўсиқлари, ғовларидир. Бу пинҳон ришта темирдан баттар. Темир риштани фақат болта узади. Темир риштани узишнинг-ку иложи бор. Аммо илоҳий риштани ҳеч ким уза олмайди. Бирор кишини ари чакса, вужуди бу ёмонликни бартараф этишга ҳаракат қилади. Бу ҳам арининг чақишидир. Шундай бўлгач ғам кучаяди, иллат ҳам ўтиб кетмайди.

- Фалокат етдими, дунё тор бўлиб кўринади, ҳолва ҳам оғизда захарга айланади. Фалокат онда кўз юмилади-ю кўз кўзни кўрмайди.

- Тақдир хийлалар туза бошлаши билан қишлоқлик шаҳарликни мот этди. Шаҳарлик минглаб тadbирлари бўлгани ҳолда мот бўлди ва офатларга йўлиқди. Ўзига нишонар эди, бир тоғ эди, аммо ярим сел уни оқизиб кетди. Балиқлар ўзларини денгиздан ташқарига отадилар. Тузоқ учар қушни забун этади. Пари ва шайтон шиша ичига киради. Тақдирдан яна тақдирга қочган киши қутулади. Ҳеч қандай тadbир унинг қонини тўка олмайди. Аллоҳнинг тақдиридан яна Аллоҳнинг тақдирига қочган кишидан бошқа ҳеч кимни ҳеч бир хийла қутқара олмайди.

- Тақдир билан жангга киришган, тақдирга зарба беришга уринганининг боши ҳам бўлди. ўз қонига беланди.

Фиръавн ташқарида юз минглаб гўдакларни ўлдирар, Ҳазрат Мусо эса уйнинг ичида, тўрда улғаймоқда эди.

- Дунёда ҳеч эътироз этмаган йўловчиларнинг ҳолларини кўр. Шундай авлиёлар бор-ки, дуодан бўшамайдилар. Аммо шундай авлиёларни биламанки, оғизларини дуога асло очмайдилар. У улуглар Аллоҳнинг ҳукмларига ризодирлар, тақдирни ўзгартиришга уриниш улар учун ҳаромдир. Булар тақдирда ўзгача бир завқ кўрадилар, бундан қутулишни тилаш, уларнинг наздида, куфрдир. Аллоҳ буларнинг кўнглига шундай бир туйғу солган эдики, дард чекиб, қайғуга ботмас, кўк рангли мотам либосини киймас эдилар.

- Сенга шу фикрдаги айб ва қусур маълум бўлганида ундан қочган бўлардинг. Кўнглинг: “Бу фикр билан менинг орамда Мағриб билан Машрик орасичалик масофа бўлсайди” - дейди! Ниҳоят ундан зерикиб, пушаймон бўласан. Агар бу ҳол аввал бўлганида унга қараб югурармидинг?

- Шу ҳолда: “Бошлайлик, қисматга кўра шу ишни кўрайлик” - деб олдин ундаги айбни, қусурни биздан яширди.

- Тақдир ҳукми ўқигач кўзлар очилади, пушаймонлик бошланади! Бу пушаймонлик ҳам ўзгача тақдирдир. Пушаймонликни кўй, Аллоҳга ибодат қил! Пушаймон бўлишни одат қилсанг, доимо пушаймонликда умр ўтказасан, оқибат бу пушаймонлигинг учун жуда кўп пушаймон ейсан!

- Бу иллатлардан ҳар бирининг давоси бор. Бедаво иллат фақат қисматдир. Қисмат қаршиенда тадбир ҳам чорасиз. Дорининг ҳам нафи бўлмайди. Аҳмоқларни қалғитган бу сабаблар қалб кўзи очик бўлганларнинг идрокига қандай парда бўлади? Кўз соғлом бўлса ҳақиқатни, аслини кўради. Аммо инсон қилай бўлса, аслини эмас, унинг нурунигина кўради.

- Такдирни тан олмаган: “Тутун бор-у олов йўқ, қандилнинг ёруғи ҳеч қандай нур бўлмаса ҳам ёруғдир” - дейди.

- Бир киши дарахт тепасига чиқди, дарахтни бор кучи билан силкитиб, меваларни қоқди. Бог эгаси келиб: “Эй пасткаш, Аллоҳдан уялмайсанми? Бу нима қилганинг?” - деди. Ўғри унга жавобан: “Аллоҳнинг боғидан Аллоҳ қули Аллоҳ эҳсон қилган хурмони еса, сен ганий Аллоҳнинг эҳсонини нега кизганаяпсан?” - деди. Бог эгаси хизматкорига: “Ойбек, ишни келтир, бу одамга жавоб берай”, - деди. Иш келтирилгач ўғрини дарахтга боғлаб, орқаси, оёқларига ура бошлади. Ўғри: “Ҳей, Аллоҳдан уял, бу бегуноҳ бандани ўлдириб кўясан-ку”, - деди. Бог эгаси: “Аллоҳнинг бир бандаси бошқа бандасини яхшилаб калтакляпти. Таёқ ҳам Аллоҳники, орқа ҳам, ён ҳам. Мен унинг қули ва буйруғининг ижрочисиман”. - деди. Ўғри тавба-тазарру қилди.

- “Бу гуноҳ тақдиримга ёзилган экан, эҳтиёт бўлишдан нима наф?” - дер эди иблисга ўхшаб. У ҳам: “Сен мени йўлдан урдинг. Ҳам қаҳримизни синдирасан, ҳам бизни урасан”, - деган эди. Қолбуки тақдир ҳақ, аммо банданинг ҳаракатлари ҳам бесамар эмас. Ўзингга кел, шайтондек кўр бўлма. Икки иш орасида тараддудланиб қолаяпмиз. Ихтиёримиз бўлмаганида бу тараддуд бўлар эдимми?

- Кўр кудукка йиқилса, ҳеч ким ажабланмайди, аммо йўлни кўрганлар ҳам йиқилади, шунга хайрон бўламиз. Такдирнинг турфа-турфа юмушлари бор. Аллоҳ одамнинг кўзини қандай истаса шундай боғлайди. Кўнгил ҳийласини гоҳ сезади, гоҳ сезмайди. Мухрини босиш учун темирни ҳам юмшатади, шамга айлантиради.

## ТАНА

- Тан ва кўнгил денгизлари туташидир, аммо ўртада бир худуд бор, бир-бирига кўшилмайди. Хох тўғри бўл, хох эгри. Ўша кўнгил ховузи томон кел, четда қолма.

- Тан яшилликка, оқар сувга мойил, чунки асли шулардан. Қалб ҳикматга, илмга; тап бог-у гулзорга, узумга майл қилади.

- Тунда ҳар уйга бир кандил, бир шам кўядилар ва унинг ёғдуси билан зулматдан кутуладилар... Ўша кандил танага, нури эса жонга ўхшайди. Қандилга пилик, ёғ керак. Бу туйғуларнинг олти пиликли кандили, асосан, уйкуга, еб-ичишга таянади... бу кандилнинг асоси шулардир. Емай-ичмай, ухламай ярим нафас ҳам яшаб бўлмайди! Пилиги, ёғи бўлмаса умри тугайди, аммо улар бўлганида ҳам боқий эмас. Чунки сабабга боғлиқ бўлган, сабабсиз майдонга келмаган нури ўлимни излайди... Ёруғ кун унинг ўлими бўлгач қандай яшасин?

- Руҳнинг хўрланиши вужуд туйғулидир. Вужуднинг юксаклиги руҳлардандир!

- Тан севинчи дунёга берилганлар фикрича юксаклик... аммо киёмат куни учун нуқсон ва завол!

- Танга тегишли тўрт одат Халил (а.с.)нинг қушларига ўхшайди. Уларни сўйиш қалбга йўл очади. Эй Халил, яхши-ёмондан кутулиш учун уларнинг бошларини уз, оёқлар бандан халос бўлсин. Бу қушлар гоз, товус, кузгун ва хўроздир. Булар ичидаги ўхшашлик тўрт феълдир. Гоз-ҳире, хўроз-шаҳват, маком-товус, кузгун-ният. Кузгуннинг нияти абадият, узок умр кўриш, шуни умид қилгани-қилган. Ҳире гози хўл-у курук нима топса ерга кўмади.

- Тан кеча-кундуз у билан ўсса, япроқ ёйса жон бутоғи япроқларини тўқади, ҳазон фаслига ўтади. Тан озиғи дарҳол жоннинг озиқсиз қолиши билан ниҳояланади. Буни камайтириш учун уни кўнайтириш керак. Тан меъдаси

инсонни сомонхонага, кўнгил меъдаси райҳонзорга етаклайди.

- Кофир ва мўмин тан жиҳатдан ўхшаш. Тан огзи ёпиқ хумга ўхшайди. Уларда нима бор? Сен шунга қара. У вужуд хуми оби ҳаёт билан тўлган, буниси ажал захри билан. Ичингдагига қараганда шохсан, ташингга боксанг йўлдан озасан.

- Шакл соядир, маъно – куёш. Соясиз нур вайронада бўлади.

- Тана рухнинг ўтовидир. Ёхуд Нуҳнинг кемасига ўхшайди.

- Қадаҳнинг шаклига тоқайгача термуласан? Унинг нақшларини кўй, дарёга, сувга қараб юр. Шаклини кўрдинг, аммо мазмунидан гофилсан. Оқил бўлсанг, садафдан бир инжу топ, чиқар. Оламдаги бу садафга ўхшаш колипларнинг барчаси жон денгизи туфайли тирик бўлса ҳам, ҳар садафда инжу бўлавермайди, кўзингни оч-да, ҳар бирининг ичига қара! Унисидан нима бор-у бунисидан нима бор? Шунинг англа. Чунки бу қимматбаҳо дур нодир саналади.

- Гафлат тандан аввал келади. Тан рух бўлдимиз, биргаликда барча сирларни кўриши шубҳасиз.

- Танга тегишли сифатлар ўзгаради. Боқий рух эса мунаввар куёшдир.

- Бола ёнғоқ ва майиз учун йиғлайди. Ҳолбуки бу катта одам учун ҳеч нарса эмас. Кўнгилга нисбатан тана ёнғоқ ва майиздир. Бола катталар биладиган нарсаларни қаердан билсин? Ким парда ортида бўлса, боладир. Мард (эркак) деб ранжимайдиган кишини айтадилар. Агар одам соқоли-ю эркаклиги билангина одам бўлса, эчкининг ҳам соқоли бор, жуни бор. У ҳам одам бўлган бўларди.

- Тана инсонни боқиш масаласида онага ўхшайди, аммо сенга юз душмандан ортиқроқ ганимдир. Тананинг хасталандими, сенга дори қидиртиради, кучга кирдимиз,



сени шайтонлаштиради, бут ҳолига келтиради. Ситамларга тўла баданни зирх деб бил: на кишга ярайди, на ёзга.

## ТАРК ЭТИШ

- Бир-икки кун сув ичишни тарк этсанг, оғзингни абадият шаробига етказасан ва у ҳақиқат шаробини ичасан.

- Одам бир кун уйига бориши учун кўп даргоҳларни тарк этиши лозим.

- Боғбон: “Ниҳол ўссин, мева берсин” деб ортикча шохларни бутайди. Моҳир боғбон боғнинг яшнаши, меваларнинг пишишини ўйлаб ўтларни юлади. Маҳбуб оғриқдан, касалликдан кутулиши учун табиб чириган тишни сугуриб ташлайди. Нуксонларда ҳам фазилатлар бор. Шаҳидларнинг умри йўқликдадир.

- Арслонлардек ўз ўлжанигни ўзинг овла. Бегонага ҳам, кариндошга ҳам ялтоқланишни бас қил!

- Ҳақиқий аксга эришгунга қадар дўстлардан айрилма. Садафни тарк этма, у катра ҳали дур бўлгани йўқ-ку. Кўзинг, ақлинг, қулогинг пок бўлишини истасанг таъма пардаларини йирт.

- Энага сут эмувчи болани турли неъматлардан баҳраманд қилади. Аммо кўпини кўкрақдан ажратдимиз, юзлаб боғлар гулзорларнинг йўлини очади. Чунки кўкрак норасида гўдак учун минглаб неъматларнинг, егуликларнинг пардасидир. Хуллас, ҳаётимиз сутдан ажратилишимизга боғлиқдир. Сен ҳам секин-аста ўзингни озикдан ажратишга ҳаракат қил, тамом-вассаллом.

- Инсон она қорнида қон орқали озикланади, тана тўқимаси қондан пайдо бўлади. Кейинчалик озуғи сут бўлади, кўкрақдан ажратилгач овқат ейиши бошлайди. Овқатдан тийилган Лукмон бўлади, пинҳон матлубни излай бошлайди. Она қорнидаги болага бир киши десаки: “Ташқарида шундай ажойиб, гўзал олам борки... Кенг ер

юзи... у ерда не-не неъматлар, егуликлар бор. Тоглар, денгизлар, текисликлар, бўстонлар, боғлар, кирлар... Юксак осмон... қуёш, ой нури, юзлаб чарогон юлдузлар. Юлдуздан, шимолдан, шарқдан, ғарбдан эсган шамоллар... боғу роғлар келинчакдек ясанмоқда. У дунёдаги ҳайратомуз нарсаларни айтиб адо қилиб бўлмайди... Сен нега бу қоронгу жойда азобда ётибсан? Бу тор чормихда қон сўраясан, қамокда, азоблар, ифлосликлар ичидасан”. Бола ўз ҳолига қараб буларни инкор этади, бу элчилардан юз ўгиради, кофир бўлади. “Бўлмаган нарса, ҳийла-ёлғондан бошқа нарса эмас”, - дейди. Кўр одамнинг ваҳми буни англашдан қанчалар узок! Дунёдаги одамлар ҳам шунга ўхшайди. Ахмоқ уларга ўзга оламдан қарадимиз. “Бу дунё қоп-қоронгу, тор қудукдир... Ташқарида рангсиз, бўйсиз бир олам бор”, - деди. Бу сўз улардан ҳеч бирининг қулогига кирмайди. Чунки бу дунё таъмаси кучли ва баланд жойдадир. Таъма у дунёга бу сўзни эшиттирмайди. Тандаги қонни кўнглига маъқул қилади. Сен тупроқдан унган майсалар мисол ернинг сутига боғланган, унга кўниккансан. Қалблар озигига кўник, бу сутдан узилиш ҳаракатида бўл!

- Эй егуликка гаров бўлиб қамокда қолган, сутдан ажралишга чидай олсанг, яқинда қутиласан.

- Ғазабни, шаҳватни, ҳирсени тарк этиш мардликдир. Бу Пайғамбарнинг одатларидан. Феълида эшакнинг мардлиги ҳам бўлмасин-у Аллоҳдан йироқ, лаънатланган тирик бўлгандан кўра Аллоҳ кўриб-қузатиб турган ўлик бўлганим афзалроқ. Шу – мардликнинг мазмуни, сиридир, қолгани теридан иборат. У одамни жаннатга етаклайди, бу эса жаҳаннамга! Жаннатнинг ёқимсиз нарсалар билан ўралганлиги айтилади, дўзахнинг ҳою ҳавасдан иборатлиги хабар берилади.

## ТАСЛИМ БЎЛИШ

- Таваккалдан, тақдирга бош эгишдан яхшироқ манфаат йўқ. Ҳаққа таслим бўлишдан ҳам севимли, аъло нима бор?

- Таваккал қилсанг иш масаласида таваккал қил, наф кўр, кейин Аллоҳга суян!

- Оламдаги зарралар ўзаро бирикса ҳам, Аллоҳнинг қазо ва қадари олдида ҳеч нарсага арзимайди!

- Аллоҳ: “Эй Нух, агар истасанг барча чўкканларни қайта тирилтирай, ер юзига қайтарай. Бир Канъон учун сенинг раъйингни қайтармайман мен. Сени вазиятдан огоҳ этаман”, - деди. Нух: “Йўқ, йўқ... агар мени ҳам гарк этмокчи бўлсанг ҳукмингга розиман. Ҳар лаҳза мени гарк эт. Бундан хурсанд бўламан, ҳукминг жонга ўхшайди, жон дейман. Ҳеч кимга қарамайман ҳам. Қараш – бир баҳона, кўрганим сенсан”, - деб жавоб қайтарди.

- Аллоҳ нимани олса, эвазига эҳсонда бўлади. Эран бунинг учун Аллоҳга эътироз билдирмайди. Боғингни хазон қилдимми? Эвазига сенга бир боғ узум беради; қайғу ичида қувонч беради. У кўлсизга кўл беради, гамда қолган кишига қувноқ, сархуш қалб ато этади. Йўқотган нарсамиз қатта ва кадрли бўлса ҳам, унинг эвазига эҳсон қилаётган экан, эътирозга ўрин йўқ. Ўртада олов бўлмагани ҳолда менга ҳарорат бериб иситгандан кейин оловни ўчиришга ҳам розиман. Шамсиз ҳам ёруғлик берилаётган экан, шамнинг ўчишига нега фарёд қиласан?

- Пайгамбарнинг қалбида Аллоҳдан бошқа дўст йўқдир. Одамлар унинг сўзини қабул қилар эмишлар, рад қилар эмишлар... бу билан ҳеч қандай олди-берди қилинмайди-ку! Аллоҳнинг амрларини одамларга етказди, бунинг учун олинадиган ҳақни Аллоҳ беради. Биз Севгили йўлида халққа ёмон кўриндик., юзимиз душман юзига ўхшади-кетди. Бизга бу қулликни У буюрди... бу сўз

айтишимиз ўз-ўзимиздан эмас! Жонимиз унинг амрини бажо келтириш учун... шунинг учун яшаймиз, шунинг учун яралдик. “Қумга уруг қада” деса ҳам биз қадаймиз. Бу даргоҳдан безмадик, безмаймиз ҳам. Йўл узун бўлганидан ҳар ерда ўтириб дам оламиз. Сўзимизни қабул қилсангиз-қилмасангиз... бунга парво қилмаймиз. Эътибор берадиганимиз: Аллоҳга бўйин эгиш, фармонини бажариш.

- Мен Халилман, сен пичоқ олдидаги ўғлим... бошингни кўй, тушимда сени суйганимни кўрдим! Кўнглингни бузма, бошингни кўй-да, Исмоил каби бўғзингни кесай, бошингни уздирай. Аммо бу бош зоҳирий кесилишдан, узилишдан узоқ бошдир. Фақат азалий мақсад сенинг таслим бўлишинг, бўйин эгишингдир. Эй мусулмон, таслим бўлишни излашинг, исташинг керак! Эй нўхат, балоларга туш, қайна, пиш, на борлигинг қолсин, на сен қол!

## ТАШҚИ КЎРИНИШ

- Қуёшнинг борлиги далили қуёшдир. Сенга далил керак бўлса, қуёшдан юз ўгирма. Гарчи соя қуёшнинг борлиги нишонаси бўлса ҳам, ҳақиқий қуёш ҳар лаҳза жон нури бахш этади.

- Пок кишиларнинг ишини ўзингга қиёс этма, гарчи ёзилишда шир (сут) ва шер (асрлон) ўхшаш бўлса-да, бошқа-бошқа нарсалардир. Пайғамбарлар билан тенглик даъво қилдилар (“Биз ҳам улардекмиз” дедилар), авлиёларни ҳам ўзларидек билдилар. Дедилар-ки: “Биз ҳам инсонмиз, улар ҳам. Биз ҳам еб-ичиш ва уйқуга боғлиқмиз, улар ҳам”. Улар кўрликларидан ораларидаги ададсиз фарқни кўрмадилар. Икки хил ари бир жойдан еди: бири асал берди, бошқаси заҳар. Икки кийик бир жойда ўтлади, сув ичди. Биридан мушк яралди, бошқасидан гўнг. Икки қамиш бир ариқдан сув ичди. Бирининг ичи шакарга тўлди, бошқаси бўм-бўш. Бу ер тоза, у ер сувсиз, ташландик. Бу

пок фаришта, у шайтон! Ҳар икки сурат бир-бирига ўхшаши жоиз. Буни дид эгасидан бошқа ким англай олади? Шунни топ! Чучук сув билан аччиқ сувнинг фаркни у биледи. Мусо билан курашган сеҳргарлар ўжарликларидан кўлларига уникидек хасса олдилар. Бу хасса билан у хасса ўртасида катта фарк бор, бу иш билан у ишнинг ўртасида жуда катта йўл бор. Инсон қилганини маймун ҳам қила олади, маймун доим одамдан кўрганларини қилади. У қайсар мавжудотлар орасидаги фаркни қаердан билсин? Мим, вов, нун ҳарфларида буюклик йўқ. Мўмин сўзи фақат таъриф учундир. Ёмон отнинг хунуклиги ҳарфлардан эмас. Деңгиз сувининг аччиқлиги идишдан эмас.

- Сиртдан қараганда ишимиз юришаётганга, сўзимиз ўтаётганга ўхшайди. Ботиний юриш эса осмон устида бўлади. Ташки кўриниш ҳақидаги гаплар чанг-ғубор кабидир. Қулоқ каби бир муддат тинглашни одат қил!

- Одамлар пайғамбарларни кўз қорачигидек кичик санадилар, қорачикнинг маънавий буюқлигини ҳеч ким англамади.

- Туйғу аҳлининг, фақат зоҳирга (ташки жиҳатга) эътибор этувчиларнинг билимлари олий илмдан сўт эмиши учун оғиз боғидир. Эй кўринишга сизинган! Тоқайгача қиёфа қайғусида бўласан? Сенинг маъносиз жонинг шаклдан қутулмади. Агар инсон кўриниш билангина инсон бўлсайди, Аҳмад (с.а.в.) билан Абу Жаҳл тенг бўлар эди. Деворга ишланган инсон сурати ҳам инсонга ўхшайди. Қара, шакл жиҳатидан нимаси кам?

- Не-не кишилар бор-ки, сурат, кўриниш уларга тўсик, ғов бўлади. Суратга қасд қилдилар, Аллоҳга тўқнашдилар.

- Бу жон бадан билан бирлашган. Аммо жон баданга ўхшайдими ҳеч?

- Қўл ниҳондир, ёзув ёзган қаламни кўр. От ирғишлаб ўйнамоқда, чавандоз кўринмайди. Учиб келган

ўққа қара, ёй яширин. Жонлар майдонда-ю жонларнинг жони кўринмайди.

- Кўриниб турган ожиздир, боғлангандир, забундир. Кўринмаган эса ғоятда кучли ва голиб.

- Мажнун деди-ки: “Сен бошдан-оёқ суратдан, жисмдан иборатсан. Келиб менинг кўзим билан қара! Бу ит мен учун Аллоҳнинг ечилмас тилсимдир. Бу ит Лайло маҳалласининг кўриқчисидир. Дўстлар, суратдан кечсангиз, ҳамма жой сиз учун жаннатдир. Шаклини буздинг, барбод қилдингми, ҳамма нарсанинг суратини буздинг демакдир”.

- Огоҳ киши билади-ки, ҳаракат қилганнинг ҳаракат эттирувчиси бор. Сен уни кўзинг билан кўрмаётган бўлсанг, белгилари кўринаяпти-ку... Уларга қара, англа! Тан ҳам жон билан ҳаракат қилади, аммо сен кўрмайсан. Кўрмайсан, аммо вужуднинг ҳаракатига қара, жонни англа!

- Ташки кўринишга аҳамият берувчи козилар шунга қараб ҳукм чиқарадилар. Бирор киши шаҳодат келтириб, имонни кўрсатувчи бир нарса қилдими, булар дарҳол ўша одамни мўмин ҳисоблайдилар. Шу зайлда қанча мунофиқлар ташқи кўринишга сизинганлар... шу тариқа юзлаб имон эгаларининг қонини яширинча тўкканлар.

- Ёнғоқ пўчоғининг овози бор, аммо қулоқ эшитмайди. Унинг овози қулоқдан яшириндир. Аслида овози жуда чиройли. Уни эшитган киши пўчоқнинг шақир-шуқурини эшитадими? Сен сукут сақлаб, ичга, мазмунга эришсан деб шу овозга сабр қилаяпсан. Бир муддат лабсиз, қулоқсиз бўл, кейин лаб каби ширин нарсаларга йўлдош бўл.

- Баъзи кишилар борки, хирқа ичида султондирлар. Сен парча-парча хирқага қарама. Сезилмасин деб олтиннинг ҳам юзини қорайтирадилар. Хазина уй ичида бўлармиди? Уларнинг жойи доим вайрона бўлган. Одам Атонинг хазинаси ҳам вайронага кўмишганидан малъун шайтоннинг кўзи уни кўрмади.

- Бу кибладан бир он гофил бўлдингми, ҳар ботил қибланинг маехараси бўласан. Сенга ҳуқуқ берганга ҳамд айтмасанг қиблани билниш қобилятини йўкотасан. Бу омбордан бирор нарса кўлга киритиш, эҳсонга эришиш ниятида бўлсанг, сен билан ҳамдард бўлганлардан бир лаҳза айрилма.

## ТАЪМА

- Кўзгу бирор нарса таъма қилганида биздек мунофиқ бўлар, ҳамма нарсани борича кўрсатмас эди. Ҳар пайгамбар ўз қавмига дейди: “Мен сиздан пайгамбарлик учун тўлов сўраётганим йўк. Мен далилман, муштари-йингиз Аллоҳдир. Аллоҳ мени даллол қилди. Кимда таъма бўлса тили тугилади. Таъма билан кўз ва кўнгил равшан тортиши мумкинми? Таъмагир кишининг кўзи ўнгида мақом ва олтин хаёли кўздаги кил кабидир. Аммо Ҳак хаёли билан сархуш бўлган бундан мустасно. Унга хазиналар берсанг ҳам яна озоддир. Маҳбубга етиш давлатига мушарраф бўлган киши учун бу дунё арзимас бир матодир, ифлос нарсадир. Аллоҳ даъватидан узок бўлган султон бўлса ҳам кўзи очдир”.

- Биродар, мен элнинг олди бўлганлардан ҳам, ортда қолганлардан ҳам таъмасиз бир оғиз салом ҳам эшитмадим, вассалом.

- Ҳирс ва таъма инсонни кўр ва кар қилади.

- Бир кишининг кўчқори бор эди. Бўйнига ип боғлаб етаклаб кетаётган эди. Бир ўғри келиб ипни кесди-ю кўчқорни олиб қочди. Бундан хабар топган эгаси: “Кўчқорни каерга олиб кетди?” - деб ўнг-у сўлга югургилай бошлади. Уни кўриб: “Нега фарёд чекаяпсан?” - деб сўради. Ўғри: “Қудукка олтин тўла ҳамёним тушиб кетди. Олиб бера олсанг, олтиннинг бешдан бирини жон деб сенга бераман”, - деди. Кўчқорнинг эгаси: “Бу нақд ўнта

кўчқорнинг пули. Битта эшик ёпилган бўлса, ўнтаси очилди. Битта кўчқор кетган бўлса, Аллоҳ эвазига туя берди”, - деб кийимларини ечди ва қудуққа тушди. Ўғри унинг кийимларини ҳам олиб қочди.

Йўлни қишлоқ томон бурадиган бир тадбир керак. Акс ҳолда инсонга таъма уруғини келтирган тадбирни тадбир демайдилар. Таъма феъл-атвори фитнадан иборат бўлган ўғридир, аммо хаёл сингари ҳар лаҳзада бошқа шаклга кира олади. Унинг ҳийласини Аллоҳдан бошқа ҳеч ким билмайди. Аллоҳга интил-у у пасткашдан халос бўл!

## УМИД

- Пайғамбарлар дедиларки: “Умидсизликка тушиш ёмондир. Аллоҳнинг эҳсон ва раҳматларининг ниҳояси йўқ. Шундай эҳсон соҳибидан умид узиш ярамайди. Бу раҳматни қўлдан чиқарманг, ёпишинг! Не-не ишлар борки, олдин кийин кўринади, кейин осонлашади, бу кийинчилик ўтиб кетади.”

- Меҳнат қилганларнинг бўйинлари ипдек ингичкалашса-да, инсонни турли кашфиётларга бошловчи умиддир, эҳтимолдир. Эрта тонгдан дўконига ошиққан киши ризқ илинжида югургилайди. Ризқдан умид бўлмаса қандай борасан? Балки азалда сенга ризқ берилмагандир. “Бу азалий маҳрумлик кўркуви қандай бўлади?” – десалар, дегин-ки: “Ҳаракат қилсам-да, бирор нарсага эриша олмаслик хавфи бор”. Аммо бундай хавотир дангасаликда кўпроқ. Меҳнат қилсам балки наф кўрарман, бундан умидворман... Дангасаликда кўпроқ зарар бор.

- Эй бир ерга қаттиқ боғланган, мақсаднинг ўша ерда амалга ошишини умид қилган ўша кутлуг оғочдан мева терай деган! Мақсаднинг у ерда эмас, Аллоҳ тайин этган бошқа жойда амалга ошади. У нарсани сен кутган жойдан бермасди-ю у таъмани нега сенга берди?



- Ҳеч, томондан умидим йўқ. Фақат У карам сохиби: “Умидсиз бўлманг” – дейди. Хоконимиз доимо бизга далда бермоқда. “Умидингизни узманг” деб кулогимизни бурамоқда.

## ЎЛИМ

- Ҳазрат Сулаймоннинг хузурига кўркув ичида келган кишининг юзи ғамдан сарғайган, лаблари кўкариб кетган эди. Ҳазрат Сулаймон ундан “Сизга нима бўлди?” деб сўради. У “Азроил менга шундай адоват, кин билан қарадики...”, деди. Сулаймон “Хўп, нима истайсан?”- деб сўради. У “Эй жонларнинг кўрикбони, шамолга буюр, мени Ҳиндистонга элтсин, балки банданг ўша ерга кетиб, жонини кутқарар”, деб жавоб кайтарди. Эртасига Азроил билан учрашган Сулаймон ундан сўради: “Нега у мусулмонга ғазаб билан қарадинг. Эй Аллоҳнинг элчиси, менга тушунтир. Бу ишни ўша одамни уйдан бадарға қилиш учун қилдингми?”. Азроил бунга жавобан: “Эй жаҳоннинг безавол подшоҳи! У нотўғри тушунди. Унинг хаёлида шундай бўлди. Мен қачон унга ғазаб билан қарайдим? Уни йўл устида учратганимда хайрон бўлдим. Чунки Ҳақ менга: “Бугун унинг жонини Ҳиндистонда ол”, – деган эди. Таажжубланиб, “Юзта каноти бўлса ҳам Ҳиндистонга етиб бора олмайди-ку” дедим”, – деди. Сен ҳам дунё ишларини шунга қиёс эт, кўзингни оч, қара! Кимдан қочаяпмиз, ўзимизданми? Нақадар бўлмагур нарса! Кимдан ўзимизни қутқараяпмиз, Ҳақданми? Қанчалик бемаъни ҳаракат!

- Билиб кўйки, касаллик ўлимнинг бир парчасидир. Иложи бўлса, ўлимнинг бир бўлагини ўзингдан қув! Ўлимнинг бир парчасидан қоча олмасанг унинг ўзини бошдан-оёғингга тўқадилар, буни яхши билиб ол! Ўлимнинг бир парчаси бўлган хасталик сенга тахт бўлса, билки, Аллоҳ куллини, яъни ўлимни ҳам сен учун осон,

ёқимли ҳолга келтиради. Касалликлар ўлимнинг элчиси сифатида келади, эй вайсақи, ўлимнинг элчисидан юз ўгирма!

- Ўлимнинг шакли ўлим, мазмуни тирикликдир; ўлимнинг кўринишда ниҳояси йўқ, аслида эса абадийликдир.

- Умринг олтин ҳамёнга ўхшайди, кеча-кундуз эса пул сановчи одамдир. Билмасдан, англамасдан санайверади, ниҳоят ҳамён бўшайди, ой тугилади. Тоғдан олсанг ҳам жойига қўймасанг тоғ ҳам ўрнида қолмайди, йўқолиб кетади. Шундай экан, ҳар дақиқа ўрнига бадал қўйки, “Сажда эт ва яқинлаш” оятининг мақсадини англайсан.

- Билки, бу тан либосга ўхшайди. Юр, бу либосни кийгани қидир, либосга суртиниб турма. Рухга Аллоҳнинг бирлигини таъкидлаш хуш ёқади. Кўринмайдиган бошқа қўл, оёқ бор. Тушда қўл, оёқ кўрасан, бир нарса оласан, бир ерга борасан, бирортаси билан учрашасан-ку... шуни ҳақиқий деб бил, бўлмаган нарса деб ўйлама. Сен танасиз танага эгасан, гайри жоннинг жисминдан чиқишидан кўркма.

- Ўлим кимнинг назарида таҳлика бўлса, “Таҳликага тушманг” амри шунга қаратилгандир. Кимнинг наздида ўлим ҳақиқат эшигининг очилишидан иборат бўлса, унга... “Бўлинг, тезроқ” хитоби эшитилади. Эй ўлимни кўрганлар, узоқлашинг... Эй қиёматни, тирилишни кўрганлар, тез бўлинг! Эй лутф кўрганлар, қувонинг... Эй қаҳр кўрганлар, бу бир балодир, ғам чекинг!

- Ўлимни Юсуф деб билган жонини фидо қилади, бўри деб билганлар эса йўлдан адашади! Ўғил, ҳар кимнинг ўлими ўз рангидандир. Душманга душмандир, дўстга дўст!

- Эй жон, ақлингни бошингга тўпла... Ўлимдан кўрқиб қочасанку... аслида сен ўзингдан кўрқаяпсан. Кўрганинг ўлимнинг юзи эмас, ўзингнинг хунук юзинг, жонинг дарахтга ўхшайди, ўлим унинг япроғидир.

- Билол озганидан ҳилолга ўхшаб қолган, юзига ўлим ранги урган эди. Рафикаси уни кўриб: “Оҳ, бу қандай алам, қандай гам?” - деди. Билол: “Йўқ, йўқ... бу қандай завқ, қандай нашъа! Ҳозиргача ҳаётдан алам туяр эдим, ўлимнинг қандай завқлигини сен қаердан ҳам билардинг?” - деди.

- Ҳар киши гўзал, ёқимли бўлиш дардида, аммо уларнинг маҳак тоши ўлимдир.

- Эй йигит, ўлимдан олдин ўлиш ишончлидир, яхшидир... бизга Мустафо (а.с.) шундай буюрдилар: “Ўлим сизни синашга келишидан олдин ҳаммангиз ўлинг”.

- Бир киши: “Дунё нақадар гўзал, этагимиздан тортиб турган ўлим бўлмасайди” - дер эди. Бошқа бир киши унга жавобан: “Ўлим бўлмаганида изтиробларга тўла бу дунё ҳеч нарсага ярамаган бўларди. Бир жойга йиғилган, янчилмасдан қолиб кетган хирмонга ўхшар эди.

- Сен асл ўлимни тириклик деб ўйладинг, уруғни қурғоқ ерга экдинг. Ёлғончи ақл ҳамма нарсанинг аксини кўради, тирикликни ўлим деб билади, эй аҳмоқ! Ҳеч қайси ўлик ўлганига ачинмайди, озикнинг озлигига қуюнади. Аслида ўлган киши қудуқдан тепаликка, давлатга, ҳаётга, кенгликка чиқади”.

- Тирилиш куни келишининг шарти олдин ўлишдир. Чунки тирилиш ўлимдан кейиндир.

- Сукут олами келади. Сен эса у келмасдан жим бўл. Ўлим билан дўст бўлмаган, унга кўникмаганининг ҳолига вой!

- Йўқлик билан ўзидан кечганлар ўликлардан юз қарра ўликроқдир. Ўлик бир қарра ўлган, бу дунёдан ўтгандир. Қолбуки сўфийлар юз бора ўлади.

## ФАЛСАФА

- Файласуфнинг динни инкор қилишга ёки дин аҳли билан баҳсга киришишга қурби етмайди. Шундай қилмоқчи бўлса, ҳақ дин уни маҳв қилади.

- Унинг қўли, оёғи жонсиздир. Жони нима деса, инкаласи ҳам амрига бўйсунди, айтганини бажо келтиради. Файласуфлар тиллари билан жонсиз нарсаларнинг ҳаракатини, овоз чиқаришини инкор қилсалар ҳам, қўл-оёқлари бунинг мумкинлигига гувоҳлик бериб туради.

- Тупроқлар ларзага келадиган киёмат кунда ер юзи инсонларнинг аҳволига шоҳид бўлади. Яширган хабарларини ошкора айтади. Тупроқ ва тиканлар тилга киради. Файласуф ўзича буни инкор қилади. Файласуф жинни, шайтонни инкор қилади, аммо инкор этар-этмас бир жин-у бир шайтонга масхара бўлади. Эй файласуф, агар шайтонни кўрмаган бўлсанг ўзингга қара! (Бошингни деворга уриб кўкартиргансан). Жинни бўлмай пешона шундай кўкарадимиз? Кимнинг кўнглида шубҳа, васваса бўлса, фалсафага ишонади, яширинча рад этади. Баъзан динга ишонади, аммо баъзида файласуфлик томири юзини қоп-қора қилади. Эҳтиёт бўлинг, мўминлар, бу фалсафага ишониш сизда ҳам бор. Сизда неча сўнгсиз олимлар бор. Барча бу етмиш икки дин-у шарият сендадир. Сенда зоҳир бўлган кун аҳволинг вой! Кимда шу терс ишончдан япроқдеккина бор бўлса, у куннинг даҳшатидан япроқдек қалтирайди.

- Соч-соқоли оқарган одам сартарошнинг олдида бориб, “Соч-соқолимдаги оқларни юлиб ташла, ёш аёлга уйландим” – деди. Сартарош унинг соқолини қиртишлаб, тукларини эгасининг олдида қўйиб: “Менинг ишим тугади, сен айиравер”, - деди. Шунга ўхшаб бу савол-у жавобни сен айиравер, дин ташвишлари буларга вақт қолдирмайди. Бир киши Зайдни бир шапалок урди. Зайд ҳам ҳийлага учиб, уни

дўппосламоқчи бўлиб ташланганида, урган киши: “Тўхта, сендан бир нарса сўрайман, жавоб бер, кейин мени ураверасан. Бошингга туширганимда “шарак” этган овоз чикди. Сенга дўстларча саволим бор: Бу овоз менинг кўлимдан чикдими ёки сенинг бошингдан, эй улуғлар мактаган улуғ зот?” - деди. Зайд жавоб берди: “Оғрик босилгани йўқ-ку, кандай фикрлай? Сенинг дардинг йўқ, сен ўйлаб тур”. Дарди бор одам бундай фикрларни мушоҳада қила олмайди, ўзингга кел!

- Аллоҳнинг сўзини ҳам Аллоҳ сўзи билан тафсир қилишга ҳаракат қил. Ўзингга кел, фикрларингга ишониб, ноўрин сўз айтма, эй суҳандон! Тугунни ким боғлаган бўлса, ўша ечади. Бу нукталарни, бу сирларни айтган ошкор қилади. Бундай сўзлар сенга осон туюлади. Аммо Аллоҳнинг рамзлари осон тушуниладими? Файласуф ўзини фикр билан ўлдирди. У хазинага орқа ўгирганди.

## ФАНО

- Менинг мактовим мактовни тарк этишнинг ўзидир, чунки бу мактов борликнинг далилидир, борлик эса хатодир. Унинг борлигига қарши йўқ бўлиш керакдир. Унинг ҳузурда борлик нимадир? Маъносиз бир нарсадан иборатдир!

- Мен борликни йўқликда топдим, шунинг учун борликни йўқликка фидо қилдим. Подшоҳларнинг барчаси ўзларига эгилганларга эгиладилар. Бутун ҳақ ўзига маст бўлганга мастдир. Подшоҳлар ўзига қул бўлганга қул бўладилар. Халқ учун фидо бўлганларга фидодир.

- Бир киши дўстининг эшигини такиллатди. Дўсти “Ким у?” - деб сўради. “Менман” деб жавоб қайтарди меҳмон. Дўсти: “Кет, ҳозир мавриди эмас. Бундай дастурхон ҳар кишига муносиб эмас. Хомни айрилик оловидан бошқа нима пишира олади, нифокдан халос

қилади?” деди. Меҳмон кетди, нақ бир йил дўстининг ҳажрида ёнди. “Пишгач” яна дўстиникига келди. Уй атрофида айлана бошлади. Эшик олдига келиб, оғзидан ноўрин сўз чиқиб кетишидан ҳадиксираб, минг бир хавотир билан эшик ҳалқасини оҳиста қокди. Дўсти: “Ким у?” - дегач “Кўнглимни олган маҳбуб, сенсан” - деб жавоб берди. Севгилиси: “Мадомики менсан, эй мен, кел, ичкарига кел! Уй тор, икки киши сиғмайди”, - деди. Игнага ўтказиладиган ип айри бўлса, тешикдан ўтмайди. Модомики битта экансан, бу игнадан ўт! Иш қилиш масаласида бир бўлса-да, арқон аслида икки қаватдир”.

- Хоҳ икки оёқ бўлсин, хоҳ тўрт... Йўл юради. Қайчига ўхшайди, икки оғизли бўлгани ҳолда бирдан кесади.

- Нуқсонлар камол васфининг ойнасидир. У хўрлик улуғлик ва юксакликка ойнадир. Чунки яқин зид зидни кўрсатади. Асал сирка билан кўринади. Кимки, ўз нуқсонини кўриб англаса, ихтиёрида тўққиз от бўлса-да, ўзини камолга етказиш йўлида югуради. Ўзини комил санаган улуғлик соҳиби Аллоҳ йўлида уча олмайди.

- Тўғри, чунки борлиги сурати (кўриниши) жиҳатидандир, кўринишга кўра бор. Аммо сифатлари Аллоҳ сифатида йўқ бўлгандир. У қуёшга қарши ёнаётган шамга ўхшайди. Шамнинг ёруғи бор, аммо қуёш нурлари қаршисида йўқ кабидир. Аммо шамга пахта тутсак ёнади, шу ҳолида бор дейиш мумкин. Шундай, аммо сенга ёруғлик бермайди, қуёш уни йўқ қилган. Шу жиҳатдан йўқдир. Икки юз ботмон асалга бир оққа сирка кўшдингми, сирка асал ичида эриб кетади. Тотиб кўрганда сирканинг таъми бўлмаганлиги учун йўқдир. Аммо тортиб кўрганда, асалнинг вазни ошган, бордир. Шер қаршисида жайроннинг ҳуши бошдан учади, ўзини йўқотади... борлиги шернинг борлигида маҳв бўлади. Камолга етмаганларнинг Аллоҳга қиёс этадиган ҳолатлари бор... жўшқин муҳаббат туфайли

юзага келадиган вазият. Одобни, тарбияни тарк этиш эмас! Ошикнинг юраги одобга бўйсунмайди. Ошик ўзини подшоҳнинг тарозисига кўяди, севгилисига топинади. Дунёда ундан одобсиз, ундан тарбиясиз киши йўқ. Лекин аслида ундан тарбияли, ундан одобли киши ҳам йўқ. Эй асли-насли маълум киши, бу одоблилик билан одобсизликни бир-бирига мос деб бил. Сиртдан караганда одобсиздек кўринади. Чунки бошида ишк даъвоси бор (бу даъво ҳам борлик аломатидир). Аммо аслида даъво қаерда? У подшоҳнинг олдида даъво ҳам фоний, ошик ҳам!

## ФАРОСАТ

- Менинг сирларим фарёдидан узок эмас, аммо ҳар кўз-у кулоқда у нур йўқ. Тан жондан, жон тандан яширин эмас, лекин жонни кўришга ҳеч кимсага рухсат йўқ.

- Севгилимнинг нури олд-орқада бўлмагач мен олд-у охири қандай идрок эта оламан?

- Пок сўзни ўзгача талкин қилиб, сен ўзингни бошқача кўрсат. Қуръонни эмас. Қуръонни истаганингдек талкин қилаясан. Юксак маъно сенинг ўзгартиришинг билан хиралашди, тесқари маъно касб этди!!! Сенинг ҳолинг ўзини одам деб ҳисобловчи чивинни эслатади. У ичмай туриб маст бўлган, заррасини куёш деб тахмин этганди. Бургутларнинг мақталганини эшитган, “Шубҳасиз мен даврнинг Анкосиман” деган эди. Ўша пашша эшак сийдиги устидаги сомон парчасида кема дарғаси каби бошини кўтариб: “Мен “Денгиз ва кема” ҳикоясини ўқиган, бир вақтлар буни тасаввур қилган эдим. Мана ўша денгиз, ўша кема, мен эса мохир дарғаман”, - деди. Кема денгиз устида чайқалиб турар эди. Озгина сув ҳам унга ҳаддан зиёд кўринди. Чивиннинг назарида унинг чеки-чегараси йўқ эди. Чивинда уни аслидек кўрадиган кўз қайда?!

- Ахлоқнинг моҳиятини, ҳақиқатини англасанг одам бўлмаслик сенданлигини биласан. “Мўминлар бир-бирининг ойнасидир”. Бу хабарни Пайғамбардан ривоят қилмадиларми?

- Агар мўмин Аллоҳнинг нури билан қарамаганда гоийб мўминга қандай кўринарди? Аммо сен Аллоҳ нури билан эмас, Аллоҳ оташи билан боққанлигингдан ёмонликда қолдинг. Яхшиликдан гофил бўлдинг. Яхшиликни ёмонликдан фарқлай олмадинг, ёмонликдан ҳам хабарсиз қолдинг, яхшиликдан ҳам.

- Пайғамбарларнинг кўнгилларида шундай куйлар, оҳанглар борки, бу куйларда истаганларга бебаҳо ҳаёт мужассам. Аммо у куйларни ҳис қулоғи эшитмайди, чунки ҳис қулоғи ёмонликлар сабабли кирланган. Инсон парининг кўшиғини эшитмайди, чунки уларнинг сирларига бегона. Гарчи парининг нағмаси ҳам бу оламда, бўлса-да аммо кўнгил нағмаси икки сасдан ҳам баландроқдир. Зеро пари ҳам, инсон ҳам маҳбусдир, иккаласи ҳам билимсизлик ва гафлат зиндонидадир.

- Қалбаки пул ясовчилар қалбаки пулга қандай қилиб кумуш сурсалар, устига подшоҳнинг исмини ёзсалар уларнинг сўзларининг сирти ҳам тавҳид ва шариятдир, аммо ичи нондаги захарли ўт уруғига ўхшайди.

- Аллоҳнинг амрини Аллоҳга етишгандан сўра, ўрган. Ҳар бир қалб ҳам Аллоҳ амрини англайвермайди. Шоҳидинг ҳам баъзан тўғрисиўз, баъзан ёлғончи бўлади. Гоҳ шаробдан, гоҳ айрондан маст бўладилар! Айрон ичган ҳам ўзини мастдек кўрсатиши мумкин. Шовқин кўтаради, кайфдек кўринади. У риёкор ишқдан маст бўлди деб саналиш учун намоз қилади. Кўринишга оид нарсалардан майдонга келган нарса бутунлай бошқадир. Аммо кўнгилда пинҳон бўлган нарсага аломатдир. Буларни фарқлашга қандай эришиш мумкин. Аллоҳ нури билан қараса, кўрса, шундагина фарқлаши мумкин. Ё Раббий, дуомизни қабул



қил, бизга фарклаш иқтидорини бер, ёлғон аломатни ростидан ажратайлик.

- Сабр-тоқат билан 7 рангда кўрувчи бу зоҳирий кўздан бошқа кўзга эга бўласан. У кўз билан бу ранглардан бошқа рангларни, тошлар ўрнига жавоҳирларни кўрасан.

- Ўз юзини кўришга қодир бўлганнинг нури халқнинг нуридан кўпдир. У ўлса ҳам нури боқийдир. Чунки фикри Аллоҳнинг фикридир. Ўз юзини кўз ўнгида очик-равшан тарзда кўрган нур биз билган нур эмасдир.

- Оқибатни кўриш нурининг нишонасидир, бу шаҳватга тушиш эса сенинг мазоринг. Юз турли ўйин кўриб, юз хил тажриба ўтказиб, оқибатни кўрган киши биттагина ўйин кўрганга ўхшамайди.

- Қандилга қарасанг йўқолдинг – кетдинг. Чунки иккилик ва рақамга сиғиш қандилга хос. Аммо нурга қарадингми, иккиликдан ҳам, боши-ю охири бўлмаган жисм оламининг сонидан ҳам қутуласан.

- Тўсатдан узоқда, соҳилда 7 шам кўрдим. Улар томон югура бошладим. Шамлардан ҳар бирининг нури осмонга уриб турарди. Ҳайратга тушдим. Ҳайрат тўлкини ақлимдан ошди. “Булар қанақа шамлар? Одамлар қандай килиб буларни кўрмайди, ойдан ойдинроқ шамлар тургани ҳолда бошқа шам излайдилар? Одамларнинг кўзларида қандай боғич бор-ки, буларни кўрмайди. Дарҳақиқат Аллоҳ тўғри йўлни истаганига кўрсатар экан”, - дер эдим.

- Унинг раҳмат асарлари-ю раҳмат мевалари кўришиб турибди. Аммо унинг моҳиятини ундан бошқа ким англай олади? Қамол васфларининг моҳиятлари фақат асар ва мисоллардагина билинади. Бундан бошқа тарзда кишилар била олмайдилар.

- Агар унинг шакардек кўринишини истасанг уни ошиқларнинг кўзи билан кўр! У гўзалга ўз кўзининг билан бокма, исталгани истаганларнинг кўзи билан кўр! Ўз кўзинини юм... кўзининг ўрнига унга ошиқ бўлганлардан

қарзга олинган кўзни қўй... Ҳатто ундан қарзга кўз, фикр олгин-у унинг юзига, кўзига боқ!

- Сен бир ишни шаҳд билан бошлаб, шу ишга берилиб кетасан... ундаги айб ва нуқсон шу дамда сенга кўринмайди. Аллоҳ шу ишдаги камчилиқни яширганидан сен жон-дилиг билан киришасан. Ҳароратли фикрларингнинг камчилиги ҳам сендан ниҳондир. Бу фикрдаги хатолик сенга маълум бўлганида ундан қочардинг... Жонинг “Кошки бу фикр билан менинг орамда Мағриб билан Машрик ўртасидагича масофа бўлса” дер! Ниҳоят ундан безиб, пушаймон бўласан... бу ҳол олдинроқ юз берганида унга қараб югурармидинг?

- Икки юз билан олдинни, охири кўр... ўзингга кел, иблисдек бир кўзли бўлма! “Бир кўзли” деб фақат маълум вазиятнигина кўрувчиларни айтамыз, ҳайвонлардек бошқа нарсадан хабарлари йўқ.

- Ким охирини ўйласа яхшидир, ишга жиддият билан қарайди, экин экади, мўл ҳосил тўплайди. Чунки биладики, бу экин дунёси маҳшарга тайёрланиш, охиратда бу ерда экканини ўриш, тўплаш учун яратилгандир.

- Ишнинг охирини кўрган кўзлар нақадар бахтиёр. Улар тананинг бузилиб чиришини кўрадилар.

- Яхши одамнинг кўнглига ёмон фикр келдими, бу бежиз эмас, бунинг бир сабаби бор.

## ФИКР

- Икки хил фикр бўлса, кучлироғи афзал кўрилади. Аммо қуёш кўриндими... унинг борлиги ва мунавварлигига шубҳа бўлмайди. Шунда минган нарсаларингизни кўрасиз, англайсиз-ки, фақат оёқларингизга мингансиз... Ваҳима, фикр, туйғу ва тушунчаларни боланинг таёқ оти деб бил!

- Тахмин йиллаб ўз оёғи билан югурса ҳам бурнидан нарига ўта олмайди (турган жойида қолаверади).

- Илонлар, чаёнлар ичида бўлсанг ҳам Аллоҳ сени гўзал хаёллар билан овутса, илонлар, чаёнлар сенга дўст бўлади. Чунки ҳаётнинг арзимас нарсаларни олтин қилган кимёдир.

- Эҳтиёткорлик деб шуни айтадилар: ёмон фикрдан қутулсан, ёмонликлардан қутулсан. Пайгамбар (с.а.в.): “Тадбир суи зандир” (ёмон гумондир), - дедилар. Эй эзма, ҳар кадамни тузук деб бил.

## ФИТРАТ

- Аллоҳ кимнинг руҳига маҳак қўйса, фақат угина ростни шубҳадан ажрата олади.

- Кўнгил сени кўнгил аҳлининг диёрига, тана эса сув ва лой зиндонига элтади.

- Бу ширин сув билан шўр сув ёнма-ёндыр. Токи киёматда сур чалингуна қадар бир-бирига қўшилмасдан туради.

- Баҳорнинг таъсирида тош гуллайдими? Тупрок бўлки, ранго-ранг гулларни ундирасан.

- Бугдой экиб, арпа олганларни кўрдингми? Отдан хўтик тўраганини кўрганмисан ҳеч?

- Хунарлар ва феъл-атворлар киёмат куни эгасига қайтади. Уйқудан кейин ҳам хунарлар ва феъл-атворлар елиб-югуриб соҳибларига қайтади.

- Йиллар давомида қалбларни вайрон қилиб, изтиробга солган тош бўлдинг; маълум муддат тупрок бўлишни ҳам синаб кўр!

- Аллоҳ мушкни бежизга хушбўй қилиб яратмади. Ҳидни ҳис қилган учун яратди, хид билмаслар учун эмас.

- Оддий ўтлар икки ойда етилади. Аммо хушбўй атиргул бир йил деганда гулга киради.

- Аввало шуни билиб ол, бу турли одамларнинг жонлари ҳам “алиф”дан “йой”гача бўлган ҳарфлардек хилма-хилдыр.

- Аслида баъзи рухлар бундан олдин ҳам (дунёга келишдан олдин) айбли эди. Аммо она раҳмида бўлганлиги учун элга номаълум эди.

- Зоти пастлар насл-насаби бетайинларни рад этади, боқийлар боқийлардан сармаст. Дўзахийлар дўзах аҳлининг эътиборини тортади. Нурга мансублар фақат нурунийларни тилайдилар.

- Тоза нарсалар покларга тегишлидир: кир нарсалар эса ифлосларга... ўзингга кел!

- Атторнинг пештахтасига боқ. Ҳар нарсани ўз турининг ёнига қўяди. Уларни аралаштиради, ажиб бир манзара, ўзига хос гўзалликни яратади. Аммо маржумак шакарга қўшилиб қолса, битталаб айирадилар.

- Пештахталар синдирилди, яхши-ёмонни аралаштирдилар. Аллоҳ бу доналарни ажратиб, идишга солсинлар деб китоб берди, пайгамбарларни жўнатди.

- Ботилларни нима ром этади? Фақат ёлғон! Дангасаларга нима хуш ёқади? Танбаллик! Чунки ҳар жинс ўзига ўхшаганга тортади. Ҳўкиз қандай қилиб арслонга интилсин?

- Кўршапалак қуёшни кўра олмайди. “Кўраяпман” деса ҳам кўргани қуёш эмасдир.

- Подшоҳларнинг сени уриб-сўкиши йўлдан озганларнинг мақтовидан яхшироқдир. Подшоҳнинг калтагини егин-у пасткашларнинг болини ялама, шундай қилиб мард бўлганларнинг иқболи сабаб сен ҳам танги, жасур бўл.

- Фитратнинг устунлиги ҳаракат-у меҳнат билан эришилган устунликдан яхши, албатта. Ўзинг айт-чи, Худонинг инояти яхшими ёки оқсоқ эшакнинг отга тақлидими?

- Сен қандай буюкликка иштиёқманд бўлсанг, бир инсон, масалан, темирчиликка ихлосманд. Ҳар бир кишини бирор иш учун яратган, кўнглига шу ишга мойиллик солган. Кўнгилда майл бўлмаса кўл-оёқ қандай ҳаракатланади? Шамол бўлмаса хас-хашак қандай совурилсин? Ўзингда

кўкка чиқишга майл сездингми, хумо куши каби давлат қанотини дарҳол ёз! Аммо ўзингда ер юзига майл кўрсанг, фарёд қил, йиғлаб инграшни асло кўймагин.

- Тақдирнинг ҳукмига норизо бўлиб, вайсама. Қуёнга қуённинг қулоғи ярашади. Тана аъзолари ва гавда бир-бирига мосдир. Табиат (феъл-атвор) ва жон тенгдир. Рухга муносиб бўлган ҳар васфни, шубҳа йўқки, ўрни-ўрнида, мос равишда жойлаштирган Аллоҳдир.

- Пайгамбарлар дедиларки: “Ҳа... Аллоҳ кутулишнинг имкони бўлмаган сифатларни ҳам яратган. Аммо ўтқинчи сифатлар ҳам яратдики, уларни тарк этиш мумкиндир. Ҳамманинг нафратига дучор бўлган киши шундай сифатларни тарк этиб, табиатини ўзгартирса, барчанинг эътиборини қозонади, ҳамма ундан рози бўлади. Тошга “Олтин бўл!” дейиш бефойда, аммо мисга “Олтин бўл!” дейиш ўринли, мис олтинга айланиши мумкин. Қушга “Тупроқ бўл!” десанг, ожиздир, тупроқ бўла олмайди. Аммо тупроққа “Балчик бўл!” дейиш ўринли, тупроқ балчик бўлиши мумкин”.

- Дунёда ҳар бир нарса бошқа бир нарсани тортади: қуфр кофирни, тўғрилиқ тўғри йўлга келтирганни! Қаҳрабо ҳам бор, оҳанграбо ҳам, сен темир бўлсанг ҳам, сомон бўлсанг ҳам, албатта, тузокка тушасан! Темир бўлсанг оҳанграбо тортади, сомон парчаси бўлсанг, қаҳрабо томон кетасан! Яхши кишилар билан дўст бўлмаган ёмонларнинг ёнидан жой олади, уларга кўшни бўлади.

- Ҳазрат Исо ва Ҳазрат Идрис малаклар билан бир жинсдан эдилар, шунинг учун осмонга чиқдилар. Кофирлар шайтонлар билан бир жинсдан эдилар, жонлари шайтонларга шогирд бўлгандир.

- Тиканзорнинг озиғи оловдир, сархуш фикрларининг озиғи эса гул атри. Ўлакса, бизнинг назаримизда, ёмон, ҳаром, аммо чўчка ва итга шакардир, ҳолвадир.

- Заҳарлар таъсир ўтказаверади, аммо панзаҳарлар дарҳол бу таъсирларни бартараф қилаверади.

- Атиргул бутоғи ҳар ерда гулдир. Шароб қаерда тайёрланса, қайнаб кўпирса шаробдир. Қуёш ғарбдан бош кўтарса ҳам яна қуёшдир, бошқа нарса эмас.

- У қурбон куни даҳшатли қиёматдир. Мўминларга байрам, ҳўкизларга ҳалок бўлиш куни.

- Жаброил билан жонларнинг қибласи Сидрадир. Қорнига кул бўлганларнинг қибласи – дастурхон. Орифнинг қибласи висол нуридир, файласуф ақлнинг қибласи – хаёл. Маъно қидирганларнинг қибласи сабрдир, суратга топинганларнинг қибласи тошдан ясалган сурат. Зоҳиднинг қибласи эҳсон соҳиби Аллоҳдир, таъмагирнинг қибласи – олтин тўла тўрва. Ботин дунёсида яшаганларнинг қибласи лутф ва карам соҳиби Аллоҳдир, зоҳирга топинганларнинг қибласи – аёл юзи.

## ҲАЙРАТ

- Дин ишининг моҳияти, аслини англаш имконсиз. Унга фақат мафтун бўлинади. Аммо дин ишларида ҳайратга тушган, унга орқасини ўгирган, ундан хабарсиз мафтун эмас. Севикли хаёли билан банд, ўзлигини унутган мафтун.

- Илон оловчи қаҳрамон қишда илон қидириб юрганида баҳайбат ўлик аждарҳони кўриб қолди. Илон оловчи одамларни ҳайратга солиш учун аждарҳони олиб кетди. Мана сизга одамларнинг билимсизлиги! Морбоз Бағдодга келди. “Бир илон оловчи аждарҳо келтирибди, камдан-кам учрайдиган ҳолат. Қандай овлабди экан?” - деб юз минглаб аҳмоқлар тўпландилар, аҳмоқликларидан морбоз каби илонга (аждарҳо)га ем бўлдилар.

- Фикрларни ўчирадиган бир ҳайрат лозим. Ҳайрат фикрларни ҳам йўқ қилади, зикрларни ҳам!

## ҲАСАД

- Сен “Мен фалончидан камманми, томим паст бўлаяптими”, - деб ҳасад киласан, аммо ҳасаднинг ўзи ҳам бир нуқсон, бир айб. Ҳатто барча пасткаштликлардан ҳам баттарроқ! Шайтон ҳам паст бўлишдан ор килди, буни уят деб ҳисоблади ва ўзини юзлаб ёмонликларга маҳкум этди. Ҳасадидан баландроқ бўлишни истади. Қайда дейсиз? Қонларга беланиб қолди.

- Абу Жаҳл Ҳазрат Муҳаммадга эргашишга уялди, ҳасадидан ўзини юқорироқ олишга, баландроқ кўрсатишга гиришди. Исми Абулҳаким эди, Абу Жаҳл бўлди. Қанча истеъдодли кишилар ҳасад сабабли бадном бўлдилар! Аллоҳ машаққат ва изтироблар билан ҳасадлар юзага чиқсин деб пайғамбарларни восита килди. Чунки Аллоҳдан ҳеч ким орланмайди, Аллоҳга ҳеч ким ҳасад килмайди. Аммо одамлар пайғамбарларни ҳам ўзларидек одам деб ҳисоблайдилар, шунинг учун унга ҳасад киладилар. Пайғамбарларнинг буюклиги кўрилгач, унга ҳеч ким ҳасад килмайди, ҳамма эргашади.

- Юсуф акаларининг хийласи туфайли кудукка тушди. Улар ҳасад туфайли Ҳазрат Юсуфни бўриларга бердилар. Ҳасаддан Миер Юсуфининг бошига нималар тушди? Ҳасад писиб ётган бахайбат бўридир. Зохирий бўри Юсуфнинг атрофида айланмади. Аммо бу ҳасаднинг қилмишлари бўриларникидан ҳам ўтиб тушди! Бу ҳасад бўриси Ҳазрат Юсуфни жароҳатлади ва “Биз уни кийимларимизга қараб тургани қолдиргандик, бўри еб кетибди” деб ширин ёлгонлар билан узрхоҳлик килди. Бундай хийла юз мингта бўрида ҳам йўқ. Ҳали, қараб тур, бу бўри қандай шармисор бўлади!

- Ўзингга кел-да, сен ҳам юксакликка эриш, ўзгаларнинг муваффақиятларидан кайгуга ботма! Аллоҳдан бу ҳасаддан халос қилишни сўра, Аллоҳ сени жасаддан

кутқарсин! Сенга ички бир машғуллик бахш этсин-ки, ундан бош кўтара олмагин! Аллоҳ бир қултум шаробга шундай хусусият берган-ки, одамни маст қилади, икки дунёдан-да кутқаради!

- Эй карам соҳиби, сен уларни ҳасаддан қайтарки, ҳасад туфайли шайтоннинг ҳолига тушмасинлар. Одамлар ўткинчи мол ё жон дардида ҳасадда куядилар. Подшоҳларга қарасанг-чи. Ҳасад туфайли лашкар тортиб қондошларини ўлдирадилар. Бадкирдор ҳийлагарлар бир-бирининг жонига, қонига қасд қиладилар. Хусрав, Ширин ҳақидаги асарларни ўқи, у аҳмоқларнинг ҳасад туфайли нималар қилганларини кўр. Ошиқ ҳам йўқ бўлди, маъшук ҳам. Аслида улар ҳам, ишқ-у ҳаваслари ҳам ҳеч нарса эмас эди. Фақат пок Парвардигор йўқни йўққа ошиқ қилади, йўқликларни бир-бирига тўқнаштириб, иш чиқаради. Кўнгли паришон ошиқнинг кўнглида ҳасад бош кўтаради. Бор бўлган йўқни турли қийинчиликларга маҳкум этади. Барчадан марҳаматли, меҳрибон аёллар борки, ҳасад туфайли бир-бирларини ейдилар. Тошюрак эркакларни айтмайсанми, ҳасад сабабли не аҳволга тушадилар, қиёсла. Шариат, латиф афсун бўлмаганида ҳамма душманини бурда-бурда қилган бўлар эди. Шариат ёмонликни даф қилиш учун усул қўллайди, шайтонни далил шишасига қамайди.

## ҲИРС

- Очкўзларнинг кўз косаси тўлмади. Садаф қаноатли бўлгани учун марварид билан тўлди.

- У раҳмат эшиги ҳирс туфайли тиланчиларга ёпилди. Ҳирсга берилган одам юзлаб ҳикояларни тинглайди-ю аммо очкўз қулоғига ҳеч ким кирмайди. Ҳирс туфайли оқибатни кўрмаслик ўз кўнглига, ўз ақлига қулишдир. Одамнинг юзини ортга буриши хирсдан, таъмадандир, тўғрига қараши тўғрилиқдан, илтижодандир.



• Ўсишга майли бўлган ўт барк уради, кун сайин яшнайти! Аммо бошини ерга эгдими, кундан-кунга кичрайти, қурийти, йўк бўлайти! Рухинг юксалишга мойил бўлса, юксалаверсин, борадиган жойинг ҳам ўша ердир. Аксинча бўлса, бошингни эгдингми, ботдинг-кетдинг. Ҳақ “Мен ботганларни севмайман”, - дейди.

• Кибр, хирс, шаҳватнинг хиди гапираётган пайтда пиёздек сасийди.

• Бир қуш девор устига кўнди, тузоқдаги донларни кўрди. Текислик томон талпинди, кўнгли ўша жойни тусаётган эди. Яна донларга қаради, хирси улар томон бошламоқда эди. Шу икки истак ўртасида қолди... ниҳоят акли кетди, дон илинжида тузоққа тушди! Бошқа бир қуш эса иккиланиб ўтирмади, донларга суқланмади, саҳрога учиб кетди. Хурсанд ҳолда, қанотларини кенг ёйиб учар эди. У қандай бахтиёр! Барча озод, эркинларнинг улуғи, раҳнамози бўлди. Уни ўзларига бош сайлаганлар ҳам нажот топдилар, ҳавфсизликка эришдилар. Чунки бу қушнинг кўнгли эҳтиёткорларнинг подшоҳи бўлди, макони гул-гулзорга тўлди. У эҳтиётдан рози, эҳтиёти ундан мамнун... Сен ҳам шундай ҳолатга тушсанг, шундай йўл тут, бир ишга киришсанг шундай кириш. Неча мартаба хирс домига тушдинг, нафсингни тийдинг!

• Кўмир сенинг хирсингдан оловга айланди, чўғ бўлди. Аммо хирс ўтиши билан у кўмир қоп-қора ҳолга келади! Ўшанда кўмирнинг оловдек кўриниши хирс оловидан эди! Хирс сенинг ишингни, кучингни орттирган эди. Хирс кетгач ишинг қоп-қора бўлди-қолди. Ҳавас туфайли у тузоқ, дон кўринади, аслида у хом, аммо хирс шайтонининг акси уни чиройли кўрсатади. Хирсни дин ишлари ва хайрда қидир, шуларда очкўз бўл! Бу ишлар асли ажойиб, хирсинг ўтиб кетганидан кейин ҳам ажойиблигича қолади! Хайрнинг ўзи латиф ва гўзалдир, бошқа нарса таъсирида яхши кўринган эмас. Бу ишларда хирсинг

таъсири ўтиб кетса ҳам, хайрнинг латофати, ёрқинлиги қолади. Ҳолбуки дунё ишидан хирсининг бўёғи кетдими, оловнинг ҳарорати ва ёлқини кетади, кўмири қолади. Болаларни ҳам хирс алдайди, завқланиб калтакни от қиладилар, этакларини йигиб гўё отга минадилар! Фақат боладаги шу ёмон хирс ўтиши билан бошқа болаларга кулгиси қистайди. Пайғамбарларнинг фитратида хирс йўқ эди, шунинг учун доимо улар яйраб-яшнаб турар, ёруглик тобора ортар эди. Бу масжиднинг фазилати, тош-тупроғидан эмас эди, бунёдкорида хирс йўқ эди, шундан.

- На уларнинг китоблари бошқаларнинг китобларига ўхшайди, на масжидлари бошқаларнинг масжидларига, на олди-сотдилари, мол-мулклари бошқаларникига...

- Уни англайдиган, юзага чиқарадиган фарқли қобилиятлари бор эди, аммо хирс ва таъма инсонни кўр ва қар қилади! Кўрларнинг кўрлиги раҳматдан узок эмас, уларга ачинади. Аммо хирс кўрлигига афв йўқдир! Подшоҳ чормих қилган одамга ачинади, аммо ҳасад чормихига тортилган одам кечирилмайди!

- Ҳирс хунукни чиройли кўрсатади. Йўлдаги офатлар ичида шаҳватдан баттари йўқдир.

- Ўзингга кел, хирсингни жиловла. Ҳирс ва таъма сени йўлдан урувчи душманлардир. Устасиз иш қилмоқчи бўлдинг. Билимсизлик туфайли жонингни ҳафвга қўйдинг.

- Ҳирс беҳудага сароб томон югуради. Ақл эса “Яхшилаб қара, у сув эмас”, - дейди. Ҳирс ғолиб келган, олтин жондек севимли эди. Бу вақтда ақлнинг овози эшитилмайдиган бўлган эди. Ҳирслари шовқини юз ҳисса ортганди. Ақлнинг тадбир ва огоҳлантиришлари энди ниҳон эди. Ҳолва ва қанд хирси болаларнинг кулоғини қар қилади, насихатларни эшитмайдилар. Аммо мушкул ҳолга тушишлари билан кулоқлари очилиб, ўғитларни эшита бошлайдилар.

- Хире инсонни кўр, аҳмоқ қилади, онгсиз ҳолатга келтиради, ўлимни оsonлаштиради.

- Хире ва ҳавас инсонни ҳаракатга келтирдими, ўша заҳоти: “Эй фарёдими эшитувчи, мадад бер”, - дейиш керак. Чунки бу фарёд Басра хароб бўлмасдан қилинган фарёддир. Балки шу мағлубият туфайли Басра қутулар. Эй йиғлаган, тепинган, менга Басра билан Мусул хароб бўлмасидан йигла, тепин! Ўлимдан олдин фарёд қил, бошингга тупроқлар соч. Ўлимдан кейин эса йиғлама, чида. Мен фалокатга учрамасдан, ҳалок бўлмасдан олдин фарёд қил, фалокат тўфонидан сўнг эса йиғлашни бас қил. Шайтон йўлдан урмасдан “Ёсин” ўқиш керак. Карвон таланмасдан бурун туяни ур, йўл ошсин, эй сарбон!

## ШАЙТОН

- Ким сени Ҳақдан, ҳақиқатдан совутса, билки, шайтон ўша одамнинг ичидадир. Терисининг остига яширинган. У сени гоҳ сайр қилиш, гоҳ дўкон очиб савдо қилиш, гоҳ илм ўрганиш, гоҳ оила қуриб, бола-чақали бўлиш фикрига келтиради.

- Шайтон кимни қарам соҳибларидан ажратса, уни кимсасиз ҳолга солади, шу ҳолда ҳам бошини ейди, маҳв этади.

- Ана у душман бор-ку?! Сизнинг бобонгизга ҳам адоват туйди ва уни Илийиндан зиндонга ташлади. Кўнгил шатранжининг шохини ҳам мот этди ва жаннатдан чиқарди, балоларга гирифтор қилди. У ҳасадгўй бизнинг ота-оналаримизнинг тож-тахтини ҳам шарғга эгаллади.

- Шайтонлар ҳам шу ёмонликлари, шу кўполликлари билан сиримизни, фикримизни, юрар йўдимизни билдирдилар... Улар кўнглимизга яширин, ўғринча йўл тоғанлар... Уларнинг ўғриликлари сабабли бошимиз эгикдир.

- Шайтоннинг юзлаб афеунлари, макр-хийлалари бор. Аждарҳодек одам бўлса ҳам саватга жойлашади.

- Гуноҳ қилгач шайтонни лаънатлай бошлайсан. Чунки уни деб шу кўйга тушдинг. Шайтон билан фаришта гайб пардаси ортида бу ёмонлик ва яхшилиқни сенга кўрсатади. Аммо кўз ўнгингдан гайб пардаси олинмиши билан сени яхшилиқ ёки ёмонликка ундаганларнинг юзларини кўрасан. Уларнинг гап-сўзларидан яширинча сўз айтганлар шулар эканини англайсан. Шайтон: “Эй табиат ва тана асири, мен буни сенга кўрсатдим, лекин мажбур қилганим йўқ-ку!” - дейди.

## ШАҲВАТ

- Шуни билгинки, бу олов шаҳват оловидир, ҳақиқий гуноҳ, айб шундадир. Табиатда оловни сув ўчиради. Аммо шаҳват олови қиёматгача ўчмайди. Шаҳват оловини сув пасайтира олмайди. Чунки азоб ва алами жиҳатидан дўзах табиатлидир. Шаҳват ўтига қандай чора бор? Нурингиз кофирларнинг оловини ўчирди. Бу оловни нима ўчиради? Аллоҳ нури. Бу хусусда Иброҳимнинг нурини ўзингга уста қил. Токи жисминг Намруд каби нафс оловидан қутулсин!

- Шаҳват ўти ёниб-ёниб камаяди, ниҳоят йўқолади. Оловга ўтин ташлангач қандай ўчсин? Аммо ўтин ташламасанг ўчади. Чунки бу чекиниш оловга сув сепеди. Юзига қалбларнинг ҳаромдан чекинишидан қизиллик сурган кишининг гўзал юзи оловдан қорайиши мумкинми?

- Шаҳватга қул бўлган киши Аллоҳ ҳузурида қулдан, бандидан батгарроқдир. Чунки қул бир огиз сўз билан озод бўлади. Шаҳватга қул бўлган эса тотли тирилади-ю аччиқ ўлади. Шаҳват қули Аллоҳнинг раҳмати, лутф ва неъматини бўлмагунча қулликдан қутула олмайди.

- Кибр ва адоватнинг ибтидоси шаҳватдир. Шаҳватнинг кучайиши эса кўникма туфайлидир.

- Жўмардлик шахватни, лаззатни тарк этишдир. Шахват оқибатида йиқилган турмайди.

- Бу тан олами шахватдан кутулган кишидан бошқасини доимо адаштириб келган, адаштираверади.

- Шахват илонини бошдан ўлдир. Акс ҳолда у тезда аждарҳога айланади. Уни мардларча курашга чорла, мардларча олиш... Аллоҳ бунинг эвазига висолни насиб қилсин!

- Билиб кўй-ки, шахват шароб ва афюн каби ақлга пардадир. Ақллилар булардан хайратга тушадилар.

- Кўз зиносидан роҳатланасан, аммо ўз ёнингдан узиб олган этни кабоб қилиб емаяпсанми? Бу узоқдан қараш ўк ва захар кабилдир... тобора муҳаббатинг ортади, сабринг камая боради! Ҳатто бу охират мулки шундай мустақил тузокдир-ки, катта-катта қушларни овлайсан!

- Шахват истаги кўнгилни кўр ва қар қилдимиз, эшакни ҳам Юсуф каби нурдан яралган олов парчаси қилиб кўрсатади. Оловдан маст бўлган нечалар бор-ки, олов излайдилар, ўзларини мутлоқ нур санайдилар. Ҳире хунуқни соҳибжамол қилиб кўрсатади. Йўлдаги офатлар ичида шахватдан баттари йўқ. Шахват юз минглаб яхши отларни ёмонга чиқаргандир. Юз минглаб ақлли, мулоҳазали кишиларни паришон этган. Эшакни мисрлик Юсуф каби чиройли қилиб кўрсатгач, Юсуфни қандай кўрсатади? Ифлосликни ҳам афеун билан бол қилиб кўрсатмоқда, болни қандай қилиб кўрсатар экан? Ўйлаб кўр!

- Шахват ейиндандир, камроқ е. Ёки бир аёлни никоҳингга ол-да, ёмонликлардан қоч. Еб-ичдингми, шахват сени харомга етаклайди. Қўлга тушгани сарфлаш керак. Шу ҳолда никоҳ “Ла ҳавла”ни ўқишга ўхшайди. Уки, яъни бир аёлни никоҳда, токи шахват сени балоларга гирифтор қилмасин.

- Чеккан захматинг қилган гуноҳинг оқибати, натижа-сидир. Сенга тушган мушт шахват туфайлидир. Ибрат олмасанг ўша гуноҳни билимасанг, ҳеч бўлмаса, йиғлаб-сиктаб афв тила.

- Шахватга мансуб нафс Ҳақдан узоқдир, кўрдир, қардир.

## ШОШҚАЛОҚЛИК

- Бир киши пайғамбарга шикоят қилди: “Мен савдо қилганда доим алданиб қоламан, бирор нарса сотувчи ёки олувчи кишининг ҳийласи сеҳр-жодудек менинг йўлимни тўсади”.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) шундай маслаҳат бердилар: “Олди-бердида алданиб қолишдан кўрксанг, оладиган нарсангни уч кунда воз кечиш шарти билан ол. Шубҳа йўқки, шошилмай иш қилиш Раҳмондандир. Шошилишинг эса малъун шайтондан”.

Аллоҳ ҳам ер-у кўкни аста-секин, олти кунда яратди. Агар у истаса “Кун” дейиши билан ер-у кўк яралиши тайин эди. Аллоҳ бунга қодир эди. Истаган ишингни шошилмасдан, лекин дуруст бир шаклда қилишинг лозим. Бундай маромда иш тутиш сенинг шуни ўрганишинг, англашинг учундир... Шошилмай иш юритган инсон иқболга, давлатга эришади. Шошилмаслик тухумга, давлат эса кушларга ўхшайди. Эй, кайсар одам! Ҳеч замонда куш тухумга ўхшайдими? Лекин у тухумдан пайдо бўлади-ку.

- Ҳилолда камчилик йўқ, ундаги шаклий нуқсон тўлин ой ҳолига келиш, камол топишдир. Тунлари тунга шошилмаслик ҳақида ўғит беради. Изтиробларнинг, кийинчиликларнинг аста-секин бартараф этилишини ўргатади.

- Нега бола тўққиз ойда туғилади? Чунки подшоҳларнинг одати ҳар бир нарсани аста-секин амалга оширишдир.

- Нега Одам Атонинг яратилиши қирқ кун давом этди, нега тупроқ секинлик билан инсон ҳолига келтирилди?

- Аллоҳ сендек шошма-шошар эмас, эй хом сут эмган банда...

## ЯХШИЛИК ВА ЁМОНЛИК

- Уларнинг инкордан мақсадлари динни камситиш, ерга уриш эди, аммо бу камситиш пайғамбарларнинг улуғлигини исботлашга хизмат қилди!

- Ёмонларнинг инкори бўлмаганида мўъжизаларнинг юзага келишига зарурат бўлармиди? Намозда ҳам яширин бўлмаган лутфу карамни, намозда ҳам бўлмаган у муҳокамани гуноҳга бергандир. Инкор қилувчилар ишончли, улуғ кишиларни хўрлашни ният ва касб қилдилар. Аммо бу камситиш улуғлик, юксакликнинг ўзгинаси бўлди, мўъжизаларнинг юзага келишига сабаб бўлди. Инкор этувчи душман тўғрининг исботини талаб қилмаганида қози далил келтиришга ўтармиди? Ҳазрат Мусонинг мўъжизасини бузиш, йўққа чиқариш учун яхши-ёмон сеҳргар-афсунчиларни келтирди. Шу тарзда асо мўъжизасини расво қилиш, кўнгиллардаги эътибор, ишончни таг-туғи билан йўқ қилмоқчи бўлди. Ҳолбуки бу хийла Мусо мўъжизасининг юзага чиқишига йўл очди, асонинг эътиборини яна бир қатла оширди. Мусо ва унинг қавмини йўқ қилиш учун Нил бўйига қадар лашкар тизди. Не-не кўшинлар ўлимларига рози бўладилар, аммо ёруғликка чиқиб, ғалабага эришадилар. Каъбани вайрон этиш, тирикни ўлик каби ерга йиқитиш учун Абраҳа филлар билан келди. Каъбани харобага айлантдириш, ҳаммани у ердан ҳайдашни хоҳлади. Унинг бу жанги Каъбанинг юксалишига, Аллоҳ уйининг янада шарафланишига сабаб бўлди. Маккаликларнинг буюклиги бир эди, юз бўлди. Қиёматга қадар бу буюклик давом этади. Абраҳа ҳам, унинг каъбаси ҳам ернинг тагига кирди. Бунга нима сабаб бўлди? Қазо ва қадарнинг иноятлари.

## МУНДАРИЖА

СЎЗБОШИ .....	3
КИРИШ .....	4
АВЛИЁ .....	5
АЗОБ .....	11
АХЛОҚ ГЎЗАЛЛИГИ .....	14
АХМОҚ .....	14
АҚЛ .....	16
БАЛО .....	19
БАСИРАТ .....	21
БИЛИМ .....	22
БОЙЛИК .....	23
ВАҚТ .....	24
ВАФО .....	25
ҒАЙБ .....	27
ҒАФЛАТ .....	27
ДУНЁ .....	31
ДУО .....	34
ДУШМАН .....	38
ДЎСТЛИК .....	40
ЖАМОЛ .....	41
ЖАННАТ .....	41
ЖАҲАННАМ .....	42
ЖОН .....	43
ЖОҲИЛЛИК .....	45
ЗИКР .....	46
ЗУЛМ .....	48
ИБОДАТ .....	49
ИБРАТ ОЛИШ .....	50
ИЛМ .....	52
ИНСОН .....	53
ИТОАТ .....	56
ИХЛОС .....	57
ИШК .....	59
ЙИҒЛАШ .....	64
ЙЎҚСИЛЛИК .....	65
КИБР .....	66
КИН – АDOBAT .....	67
КЎНГИЛ .....	69
КИЁМАТ .....	72
ҚИЗҒАНЧИҚЛИК .....	77
КУДРАТ .....	77
ҚУРЪОНИ КАРИМ .....	80
ҚЎРҚУВ .....	82
МАҚТОВ .....	84
МАСЛАҲАТЛАШИШ .....	85



МУНКИР .....	86
МУНОФИК .....	89
МУРШИД .....	90
МУСИҚА .....	91
НАМОЗ .....	91
НАСИҲАТ .....	94
НАФС .....	95
ОДАТЛАНИШ .....	99
ОДОБ .....	99
ОҚИБАТ .....	100
ОЧЛИК .....	101
ПАЙҒАМБАР .....	102
РИЗҚ .....	105
САБАБ .....	106
САБР .....	109
САДАКА .....	110
САЛОБАТ .....	111
САХОВАТ .....	112
СЎЗ .....	114
ТАВБА .....	118
ТАВОЗЕ .....	120
ТАДБИР .....	120
ТАҚДИР .....	121
ТАНА .....	125
ТАНА .....	127
ТАРК ЭТИШ .....	129
ТАШҚИ КЎРИНИШ .....	130
ТАЪМА .....	133
УМИД .....	134
ЎЛИМ .....	135
ФАЛСАФА .....	138
ФАНО .....	139
ФАРОСАТ .....	141
ФИКР .....	144
ФИТРАТ .....	145
ҲАЙРАТ .....	148
ҲАСАД .....	149
ҲИРС .....	150
ШАЙТОН .....	153
ШАҲВАТ .....	154
ШОШҚАЛОҚЛИК .....	156
ЯХШИЛИК ВА ЁМОНЛИК .....	157

# **ҚАЛБ КЎЗИНГНИ ОЧ...**

## **МАВЛОНО РУМИЙДАН**

### **ҲИКМАТЛИ СЎЗЛАР**

**Мухаррир А.Тилавов**  
**Техник муҳаррир И.Зоҳидова**  
**Компьютерда тайёрловчи М.Қосимова**

Босишга 17.01.2019 йилда рухсат этилди.  
Бичими: 60x84 <sup>1</sup>/<sub>16</sub>. Офсет босма. Шартли б.т. 9,3. Нашр б.т. 6,78.  
Адади: 5000. Буюртма рақами № 3. Баҳоси шартнома асосида

«Наврўз» нашриёти:  
Лицензия № А1 170. 23 декабр 2009 й.  
Манзили: 100000, Тошкент шаҳри, А.Темур кўчаси, 19-уй.

“Matbaachi” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.  
Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 38-уй.  
e-mail: eiprint\_info@mail.ru




*Ушбу рисоладан Мавлоно Жалолиддин Румий асарларидаги ҳикматларнинг содда насрий баёни ўрин олган.*

*Бу борадаги аввалги нашрлардан фарқли ўлароқ Румий ҳикматлари мавзуларга бўлиниб, алифбо тартибида берилди.*

*Сизни ўйлантираётган баъзи муаммолар, шунингдек, қалбингиздаги оғриқ нуқталарга ушбу тўпلامдан малҳам топасиз деган умиддамиз.*

ISBN 978-9943-38-19-88



9 789943 381988